

МАДАХАНОВ А.С., МАДАХАНОВ.А.А.

**ХОНОБОДДА
ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ,
РЕКРЕАЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИ,
ИСТИҚБОЛЛАРИ**



АНДИЖОН – 2024

“ ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Фан ва таълим бошқармаси-
нинг бошлиғи т.ф.д. профессор**

_____ **У.С. Исмаилов**

“ _____ ” _____ 2024 й.

МАДАХАНОВ А.С., МАДАХАНОВ А.А.,

**ХОНОБОДДА
ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ,
РЕКРЕАЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИ,
ИСТИҚБОЛЛАРИ
(монография)**

УДК 379.85(075.8)
ББК 75.81+86.3
М13

ТУЗУВЧИ:

- МАДАХАНОВ А.С.** – Андижон давлат тиббиёт институти Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедрасининг катта ўқитувчиси, т.ф.н.
- МАДАХАНОВ А.А.** – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, “Хонобод sanatoriyasi”, шифокор-невропатолог.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

- АЛИМОВ И.** – Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти, илмий ва инновацион лойиҳалар бўлими бошлиғи.
- СОЛИЕВА М. Х.** – Андижон давлат тиббиёт институти Превентив тиббиёт асослари кафедраси мудири, доцент т.ф.н.

Ушбу монография Андижон давлат тиббиёт институти илмий кенгаши томонидан 2024 йил _____да чоп этишга тавсия этилди. Қарор № ____

МАДАХАНОВ А.С., МАДАХАНОВ А.А.,

**Она шаҳри – Хонобод равна-
қининг фидойиси, забардаст
рахбари Солижон Меҳмонов-
нинг ёрқин хотирасига
бағишлаймиз.**

**ХОНОБОДДА
ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ,
РЕКРЕАЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИ,
ИСТИҚБОЛЛАРИ
(монография)**

АНДИЖОН – 2024

АННОТАЦИЯ

Монографияда Ўзбекистон Республикасининг олис ҳудудларидан бири – Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризм шаклланиши ва ривожланишининг тарихи, ва истиқболларини таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммолар, ҳамда уларнинг ечимига доир масалалар кўриб чиқилган. Жумладан, чевар табиат, инсон меҳри ва меҳнати билан, эрамизнинг, милоддан аввалги I минг йиллигидан яратилиб келаётган ушбу шаҳар, унинг тарихи, бу ерда туризмнинг барча турлари, айниқса даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмни ривожлантириш учун зарур бўлган табиий-иқлим шароитлари, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, руҳий ҳолати, ҳамда интилишлари каби воқеликларга тизимли ёндашиш ва тизимли таҳлил принциплари асосида чуқур ва атрофлича ўрганилган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти, уни янада ривожлантиришнинг 2030 йилгача стратегияси доирасида, муаллиф томонидан аҳолининг фикрларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларга таянгани ҳолда, Хонобод шаҳри ва унинг яқин атроф ҳудудларида туризмнинг ёрқин истиқболларини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион таклиф ва тавсиялар мажмуаси тузилган ва соҳа мутахассислари ҳукмига тақдим этилган. Монография Хонободда туризмни шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун зарур бўлган моддий техника базасини нафақат яратиш, балки уни асраб авайлаш, кўпайтириш, қадрига етиш ва келажак авлодга қолдира билиш каби юксак маънавий қадриятларни шаҳар аҳолисининг ҳар бир каттаю-кичик аъзолари, сайёҳлари қалбига сола олган, ўзининг эзгуликка интилишларида уларга таяна билган Солижон Меҳмонов таваллудининг 100 йиллик ЮБИЛЕЙИ арафасида дунё юзини кўриши қонуниятли ҳол, деб ўйлаймиз.

Илмий-амалий изланишларнинг маҳсули ҳисобланган ушбу монографияда келтирилган маълумотлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар туризм соҳаси мутахассислари, олий билимгоҳларининг профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, магистратура ва юқори курс талабалари, ҳамда туристик агентликлар ва гидлар учун қизиқарли ва фойдали бўлади деб, умид қиламиз.

АННОТАЦИЯ

В монографии рассмотрены вопросы истории формирования и развития лечебно-оздоровительного, рекреационного и паломнического туризма, актуальные проблемы, связанные с обеспечением перспектив его дальнейшего развития, а также пути их решения в одном из отдаленных уголков Республики Узбекистан – в городе Ханабад Андижанской области. В частности, глубоко и всесторонне анализируются история данного города, мастерски создающиеся самой природой и трудом человека, ещё со второй половины I века до нашей эры. Опираясь на принципы системного подхода и системного анализа, приводятся подробные данные о природно-климатических условиях, социально-экономических возможностях, образе жизни, психологической атмосферы и стремлениях населения города и его окрестностей, необходимых для развития всех видов туризма, особенно лечебно-оздоровительного, рекреационного и паломнического. В рамках стратегии дальнейшего развития Нового Узбекистана до 2030 года, опираясь на данные изучения и анализа мнения населения, была составлена и представлена специалистам отрасли, совокупность инновационных предложений и рекомендаций, которые могут послужить обеспечению блестящей перспективы дальнейшего развития туризма в городе Ханабад и его окрестностях. Мы считаем своевременным представить монографию широкому кругу общественности в преддверии юбилея посвящённому «100-летию со дня рождения Солиджана Мехманова», который смог не только создать материально-техническую базу, необходимую для становления и развития туризма в Ханабаде, но и сформировать у населения таких высоких человеческих ценностей как стремление приумножить, суметь сохранить и оставить их будущему поколению.

Мы надеемся, что информации и выраженные умозаключения, представленные в этой монографии, которая является продуктом научно-практических усилий и труда авторов, будут интересны и полезны специалистам туристической отрасли, профессорско-преподавательскому составу, аспирантам, студентам магистратуры и бакалавриата высших учебных заведений, а также туристическим агентствам и гидам.

ANNOTATION

The monograph examines the history and development of medical, recreational and pilgrimage tourism in the remote region of the Republic of Uzbekistan - the city of Khanabad, Andijan region, and the current problems related to ensuring its prospects, as well as issues related to their solution. In particular, this city, which has been created since the 1st millennium BC by the grace of nature, human love and labor, its history, natural and climatic conditions necessary for the development of all types of tourism here, especially medical, recreational and pilgrimage tourism, socio-economic opportunities, and the lifestyle, mental state, and aspirations of the local population, have been studied in depth and in detail based on the principles of a systematic approach and systematic analysis of such realities as Within the framework of the strategy for the development of new Uzbekistan and its further development until 2030, the author, having studied, analyzed and based on the opinions of the population, has compiled a set of innovative proposals and recommendations that will serve to ensure bright prospects for tourism in the city of Khanabad and its surrounding areas and presented them to the experts of the field. We believe that it is legitimate for the monograph to be published on the eve of the 100th anniversary of the birth of Salijon Mehmonov, who was able to instill in the hearts of every adult and young member of the city's population, tourists, such high spiritual values as not only creating the material and technical base necessary for the formation and development of tourism in Khanabad, but also being able to preserve, increase, appreciate and pass them on to future generations.

We hope that the information and opinions presented in this monograph, which is the product of scientific and practical research, will be interesting and useful for tourism specialists, professors and teachers of higher education institutions, graduate students, master's and senior students, as well as travel agencies and guides.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	11
КИРИШ	16
А СОСИЙ ҚИСМ	
I-боб. ХОНОБОД – ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИНИНГ ШАРҚИЙ	
ТАЯНЧИ.....	20
1.1. Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларида туризмни истиқболли ва жадал ривожлантиришнинг асослари.....	20
II-боб. СОЛИЖОН МЕҲМОНОВ – БУГУНГИ ХОНОБОД ШАҲРИ	
ВА УНДА ЯШИЛ ТУРИЗМ ПОЙДЕВОРИНИНГ БУНЁД-	
КОРИ	44
2.1. Она шаҳри – Хонобод равнақининг фидойиси, забардаст раҳбари Солижон Меҳмоновнинг ҳаёт фаолияти.....	44
2.1.1. Солижон Меҳмоновнинг болалик йиллари.....	44
2.1.2. Солижон Меҳмоновнинг мактаб ва олийгоҳда ўқиб юрган йиллари.....	45
2.1.3. Солижон Меҳмоновнинг жамоа хўжалиги ва давлат корхоналарида фаолиятининг бошланиши.....	45
2.1.4. Солижон Меҳмонов иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.....	45
2.1.5. Солижон Меҳмоновнинг “Тарандубитель” ишлаб чиқариш бирлашмасидаги фаолияти даврида Хонободда даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмнинг шаклланиши.....	47
2.1.6. Кампирравотда сув омборининг қурилиши ва Солижон Меҳмоновнинг шаҳарда олиб борган бунёдкорлик ишлари.....	53
2.1.6.1. Солижон Меҳмоновнинг Хонобод шаҳар ижрои қўмитасининг раиси даврида Хонободда даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризм пойдеворининг мустаҳкамланиши.....	53
2.1.6.2. Хонобод шаҳрида халқ таълими тизимини ташкил этиш ва унинг ходимлари ҳамда ўқувчиларида табиий неъматларга меҳрли муносабатда бўлишни шакллантиришда Солижон Меҳмоновнинг роли ва ўрни.....	61
2.1.6.3. Солижон Меҳмоновнинг сиҳат –саломатлик ва соғлиқни сақлаш масалаларига муносабати.....	63
2.1.6.4. Солижон Меҳмонов ҳақида замондошларининг ёрқин хотиралари.....	64
III-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА	
ХОНОБОДДА ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ,	
РЕКРЕАЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ	
РИВОЖЛАНИШИ.....	72
3.1. Даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмнинг ривожланиши.....	72

3.2. Зиёрат туризмнинг ривожланиши.....	77
IV-боб. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ДАВРИ – ХОНОБОД ВА УНИНГ ЯҚИН АТРОФЛАРИДА ДАВОЛАШ-СОҒЛОМ- ЛАШТИРИШ, РЕКРЕАЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНИШИДА ЯНГИ БОСҚИЧ.....	78
4.1. Хонободда даволаш-соғломлаштириш туризми ривожланиши янги босқичда	78
4.1.1. «Хонобод» санаторияси –республиканинг олис ҳудудларида аҳолига сифатли санатория-курорт хизматини кўрсатувчи замонавий маскан	78
4.1.2. «Ҳамкор стимул сервис»илмий-тадқиқот марказининг Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларида табиий шифобахш воситаларни ўрганишни ташкил этиши.....	93
4.1.3. «Тянь Ши» МЧЖнинг «Фозилмон ота» булоқ сувининг кимёвий таркиби ва физик хусусиятларини ўрганишни ташкил қилишдаги ташаббуси.....	95
4.1.4. «Арча шифо оролчаси» Гулбаҳор сиҳатгоҳининг Хонободда табиий аэроионотерапия амалиётини шакллантиришдаги ўрни ва роли.....	98
4.1.5. “Кўрғон-ой боғи”соғломлаштириш маскани.....	99
4.2.1. Хонободда рекреацион туризмнинг шаклланиши ва ривожланишида давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамғармаларининг ўрни ва роли.....	101
4.2.2. Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларида зиёрат туризмнинг ривожланиши.....	135
4.2.3. «Сайид Фозилмон Деҳлавий» зиёратгоҳи.....	138
V-боб. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ДАВРИДА ХОНОБОД- ДА ТАБИЙ ШИФОБАХШ МАНБААЛАР ВА ВОСИТАЛАР- ДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ	
5.1. Хонобод ва унинг яқин атрофида мавжуд табиий шифобахш манбаалари ва воситаларининг ҳолати ва улардан далилларга асосланган тиббиёт амалиётида фойдаланиш истиқболлари.....	139
5. 1.1. Табиий аэроионотерапия	139
5. 1.2. Гелиотерапия	139
5.1.3. Пелоидотерапия	140
5. 1.4. Псаммотерапия	140
5.1.5. Бальнеотерапия	140
5.1.5.1. « Шўр булоқ »	140
5.1.5.2. « Фозилмон ота булоғи »	140
5.1.5.3. «Абсаттар ота дарасидаги булоғлар».....	140
5.1.5.3.1. «1-Абсаттар ота булоғи»	140
5.1.5.3.2. «2-Абсаттар ота булоғи» ..	140

5.1.5.3.3. «3-Абсаттар ота булоғи»	140
5.1.5.3.4. «4-Абсаттар ота булоғи»	140
5.1.5.4. «Алчали булоқ» , «Унгур булоқ » , «Мелис булоқ» , «Сўнгал булоқ » , «Кўк булоқ » , «Жаннат булоқ » , Норвотада «Иссиқ булоқ».....	141
5 1.6. Фитотерапия	141
5.1.7. Кинезотерапия.....	141
5.2. Шифобахш булоқ сувларида ундирилган буғдой ва бошқа донли махсулотлардан миллий таомлар тайёрлашнинг аҳамиятига доир мулоҳазалар.....	141
5.2.1.«Хонобод санаторияси» республиканинг шарқида даволаш- соғломлаштириш ва рекреацион туризмни ривожлантиришнинг илмий- методологик марказ сифатида шакллантиришнинг долзарблиги.....	142
ЯКУНЛАШ	149
Фойдаланилган адабиёт ва интернет ресурслари	152

СЎЗ БОШИ

Хонобод чевар табиат инъом этган мўжиза – чангу-губорлардан ҳоли тоза ҳавоси, шифобахш булоқ сувлари ва бошқа табиий-иқлимий шарт-шароитлари, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг долзарблик даражаси ва уларнинг ечимини таъминлашга қаратилган даврлар сиёсатларининг, энг муҳими эзгуликка интилиб яшаган инсонларнинг меҳри ва меҳнати билан барпо бўлган шаҳар. Хорижий сайёҳлар томонидан Ўзбекистоннинг Швецарияси, деб таърифланаётган бугунги Хонобод шаҳри ва унинг яқин атрофларида жойлашган ҳудуд, тарихан минг йилликлар давомида туризмнинг даволаш-соғломлаштириш, рекреацион, маданият-маърифат, зиёрат ва бошқа турларининг шаклланиши, ривожланиши учун беқиёс имкониятларга бойлиги билан эътиборни тортиб келган.

Муаллифларнинг таърифига тил ожиз Хонобод шаҳрини бунёд қилишда меҳр ва меҳнатларини аямаган, оламни тарк этганларидан йиллар, асрлар ўтсада, бугунги кунда ҳам номлари элнинг қалбидан ўчмаган инсонларни эъзозлашга оид чора-тадбирларни амалга оширишдан чарчамасликни одатга айлантириш лозимлиги ҳақидаги таклифларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Шунингдек, бугунги кунда ҳам, туристик шаҳар ва қишлоқларни, айниқса даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишда давом этаётган инсонларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзи, айниқса руҳиятининг ўзига ҳос қирраларини очиб беришга оид илмий-тадқиқотлар олиб бориш, уларга асосланган ҳолда ҳужжатли ва бадиий фильмлар, асарлар яратиш, китоблар чоп этишнинг долзарблигини таъкидловчи фикрлари ўринли, деб ҳисоблаймиз. Бу борада телевидения ва интернет имкониятларини кенг қўллаш, мактаб ва бошқа ўсмирлар ва ёшлар муассасаларида бунёдкорларга бағишланган кечалар ташкил этиш фойдадан ҳоли эмас. Зеро, юқорида таклиф этилаётган тадбирлар, одамлар қалбида яшаб турган масканини янада ободонлаштириш, унинг туристик салоҳиятини оширишда фаоллик кўрсатганларнинг номлари, вақтлар ўтиб ҳам унутилмаслиги, аксинча улуғланиши ҳақида реал тушунчалар шаклланишида муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади. Бундай тадбирларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, улар нафақат республикамиз, балки бу ерга ташриф буюрган хорижий давлат кишиларида ҳам Ўзбекистонда ИНСОН унинг ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА ҚИЛГАН МЕҲНАТИ ЮҚОРИ ҚАДРЛАНИШИ ҳақида чуқур таассурот қолдириши ва муҳаббат уйғотишида муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03. 2022 йилдаги «2022 – 2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-172-сонли қарори [16] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3

майдаги 183-сонли «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини[17] жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида» ги низомдан келиб чиққан ҳолда белгиланган тадбирлар, жумладан бунёдкорлик ишлари самарали равишда давом этмоқда. Бунда қурилаётган, кенгайтирилаётган ва ободонлаштирилаётган шаҳар ва қишлоқлар ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН тараққиётини таъминлаётган халқнинг дунёқараши сезиларли даражада ўзгариб бораётганлигидан нишона сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, эндиликда шаҳар ва қишлоқларни шакллантиришда, сақлашда ва ривожлантиришда уларнинг туристик салоҳиятини мумкин қадар оширишни таъминлаш асосий мақсадлардан бири сифатида қаралмоқда. Натижада, шаҳар ва қишлоқларнинг нафақат таркибий ва миқдорий, балки сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда, шаҳар ва қишлоқларни барпо этишда, уларнинг яна бир томонига — юқори даражада соғломлаштирувчи хусусиятини таъминловчи шарт-шароитларга бой бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Албатта, аҳолининг соғлиғини шакллантиришга, сақлашга ва мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган имкониятлар яратилишининг аҳамияти катта. Аммо аҳолининг тўла маънодаги соғлиғини ва меҳнат қобилиятини сақлаш, мустаҳкамлаш, фаол равишда кечадиган умрбоқийликни таъминлаш учун бунинг ўзи етарли эмас.

Аҳоли соғлиғи, яна бир воқелик — юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган ҳар бир катта-ю кичикнинг турмуш тарзига ҳам боғлиқ. Шунинг учун, аҳолининг соғлиғи ва фаол равишда кечадиган умрбоқийлигини таъминлашда нафақат шароитлар яратишга, улардан фойдаланиш даражасига ҳам эътибор берилиши керак. Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқда ҳар бир фуқаро ёшлигиданок, ўзида соғлом турмуш тарзининг барча элементларини шакллантиришни мақсад қилиб олиши ва уларни амалга оширишга ҳаракат қилиш психологиясини вужудга келтириш лозим.

Ушбу китоб муаллифлари нафақат тиббиёт олийгоҳларида талабаларга устоз, аҳоли соғлиғини шаклланишига, сақлашга ва мустаҳкамлашга таъсир этувчи омиллар, улардан самарали фойдаланиш амалиётини бошқариш соҳасининг мутахассиси, санатория-курортология соҳасининг мутахассислари балки Хонобод шаҳрининг фуқаролари ҳамдир. Шунинг учун ҳам, улар мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги каби Хонободда ҳам олиб борилаётган кенг кўламдаги яратувчилик ишлари ва бунда туризмнинг барча турларини ривожлантиришга доир амалга оширилаётган тадбирларнинг нафақат шоҳиди, балки бевосита иштирокчиларидир. Улар, дунёнинг турли давлатларида чиқарилаётган илмий манбаларда ўз мақолалари, ўтказилаётган ҳалқаро илмий амалий анжуманларда маърузалари орқали Хонободнинг тарихи ва бу ерда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар, жумладан даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмни ривожлантириш соҳасида

эришилаётган ютуқлар билан дунё аҳлини мунтазам равишда хабардор қилиб келмоқдалар.

Муаллифларнинг “Хонободда даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризми ривожланишининг тарихи, истиқболлари” номли китобининг дунёга келишини қонуниятли воқелик деб, ҳисоблаймиз. Зеро, китобда чевар табиатнинг инъомлари инсон меҳри ва меҳнати билан уйғунлашганда мўъжизакор шаҳарлар, қишлоқлар дунёга келиши ва маҳаллий халқ шундай масканларда яшашга, сайёҳлар эса ундаги неъматлардан бир бора бўлсада баҳраманд бўлишга насиб этган Яратганга шукроналарини айтишларидан чарчамаётликлари ҳақида гап кетади. Муаллифлар кўп йиллик изланишлари натижасида тўплаган, Хонобод шаҳри ва унинг яқин атрофида жойлашган табиий шифобахш манбалар, жумладан қатор касалликларнинг олдини олиш ва даволашда шифобахшлиги билан барчага манзур бўлиб келаётган арчазорларнинг бетакрор манзараси-ю, оромбахш ҳавоси, нафақат юртимизнинг, балки узоқ-яқин қўшни давлатлардан келган сайёҳ беморлар дардларига даво топиб кетаётганини чуқур ифтихор билан баён этаётганлигини сезиш мумкин. Ушбу илмий-амалий асарда, шунингдек шаҳарнинг Хидирша ҳудудида қир адирлар бағрини қоплаб ётган 3 та қизил қум уюмларининг шифобахш хусусусиятлари ҳақида хабардор бўлган беморларнинг катта қисми ёз бўйи бу ерни тарк этмасликлари бежиз эмаслигини ва шунинг учун ҳам ушбу манба псаммотерапия мутахассислари эътиборидан четда қолмаслигининг муҳимлиги таъкидланади. Муаллифлар, шаҳар ва унинг яқин атрофдаги ҳудудларида, жами 9 та булоқ сувлари маҳаллий аҳоли томонидан шифобахш, деб таърифланиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, бу мўъжизакор ҳудудда 2 та балчиқ лойи манбалари ҳам борлигини, ва улардан беморларни даволашнинг реабилитация даврида фойдаланиш мумкинлиги асосланган ва қўлланишини ташкил этишга доир фикр мулоҳазаларини мутхассислар билан бўлишишга ҳаракат қилганлар. Сўнги йилларда жадал суръатлар билан бунёд этилаётган туристик дестинациялар, жумладан зиёратгоҳлар, ҳамда уларни яратиш, сақлаш ва ривожлантиришда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшаётган, бағри кенг инсонлар ҳақидаги маълумотлар ҳам китобда алоҳида ўрин олган. Шунингдек, ушбу илмий манбада Беш қапа, Тошахур, Соғдий ғорлари, Кампирравот, Найнаво, Кампиртош, Хонтахт, Ер ости йўли каби сайёҳлар учун қизиқ ва фойдали бўлиши мумкин бўлган туристик объектлар ҳанузгача илмий жиҳатдан атрофлича ўрганилмаганлиги ва улар ҳақида олинган дастлабки маълумотлар эса аҳолига етиб бормаётганлиги боис ушбу масканлар сайёҳлар эътибори ва ташрифидан четда қолаётганлиги алоҳида урғу берилган.

Китоб муаллифлари эътиборидан Хонобод шаҳрида, унинг тарихига оид моддий, тасвирий, мақола ва китоблар кўринишидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштира олган музейлар ҳам четда қолмаган. Аксинча, бундай

музейларнинг бўлиши нақадар катта аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритишар эканлар, Меҳмонобод МФЙ да истиқомат қилаётган Абдулхай Кенжаевнинг ташаббуси билан ташкил қилинган уй музейда олиб борилаётган ишларни батафсил ёритишга ҳаракат қилганлар. Муаллифлар, шунингдек Хонободнинг шарқий ҳудудида жойлашган Кампирравот сув омбори – Андижон денгизи ва унинг мамлакатимизда нафақат экологик ҳолатини яхшилашда, балки асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнай олиш салоҳиятига эга эканлигини таъкидлаганлар. Айни пайтда, ушбу – нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда сув иншоотлари қурилишининг махсус лойиҳаси ва технологияси асосида яратилган Кампирравот сув омбори ва унинг бунёдкорлари ҳақидаги қимматли маълумотлар манбаи – музей фаолияти ноаниқ сабабларга кўра тўхтаб қолганлиги қайд этган. Дарҳақиқат, бугунги кунда Хонободга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ Кампиробод сув омборининг осмонўпар тўғонига яқинроқ боришга ҳаракат қиларкан, шундай улкан иншоотнинг яратувчиларига нафақат таҳсинлар айтишлари, балки уни қурган инсонлар ҳақида оз бўлсада маълумотлар олишга эҳтиёжлари катта эканлиги, аммо бунинг иложи йўқлиги ҳам китобда ўринли равишда кўрсатиб ўтилган.

Фикримизча, муаллифлар ушбу китобни тайёрлашда, Хонободнинг бой табиий шифобахш ресурслари ва улардан аҳолининг баҳраманд бўлиш даражасини, бугунги кун ҳолатига ўрганиш ва баҳолаш билангина чекланиб қолмай, балки ушбу неъматлардан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлайдиган инновацион ёндашувлар мажмуасини яратишни ҳам мақсад қилиб қўйишган. Шунинг учун ҳам, улар аввало туризм салоҳияти юқори бўлган қатор мамлакатларнинг бой тажрибаларини ижодий ўрганибгина қолмасдан, Андижон вилоятининг шаҳарсозлик ва унда туризмни ривожлантириш соҳаси мутахассислари, ҳамда турли ёш ва касбдаги кишиларнинг мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда Хонобод шароитида даволаш-соғломлаштириш, рекреацион, ҳамда зиёрат туризмини ривожлантиришда қўллашга доир тавсиялар мажмуасини яратишга эришганлар.

Маълумки, 2023 йилнинг 23 июнида Ўзбекистон ҳукумати ва Швейцариянинг Федерал Кенгаши ўртасида тузилган шартнома 2024 йилнинг февралидан кучга кирди. Ушбу халқаро келишувнинг кучга кириши автомобилларда пассажирлар ва юкларни махсус рухсатномаларсиз ташиш имкониятини беради. Фикримизча, муаллифларнинг ушбу имкониятдан, биринчилардан бўлиб, Швейцариянинг беқиёс ўсимликлар, ўрмонлар ва ҳайвонот дунёсидан намуналарни олиб келиб, Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларга мослаштириш тажрибасини бошлаб юбориш лозимлиги ҳақидаги ташаббус ва таклифларига соҳа мутахассислари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришсalar мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хонободнинг келажаги порлоқ, зеро улкан Заминнинг сеҳрли бағрида эркаланиб ётган ушбу кичик парчасида, Ватанига самовий муҳаббат ва кучли меҳр билан яшаган инсонларнинг авлодлари, аجدодлари танлаган –яратувчилик ҳаёт тарзини давом этдиришмоқда.

Ушбу китоб Хонобод шаҳри ва унинг яқин атрофида даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ҳамда зиёрат туризмнинг ривожлантириш тарихи ва истиқболлари билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечимига доир масалаларга тизимли ёндашиш, тизимли таҳлил тамойилларига асосланган ҳолда ўрганиш ва баҳолаш натижаларининг илк дебочаси сифатида яралганлиги билан ҳам эътиборга молик илмий-амалий асардир.

Машғал Тожибоев, Ўзбекистон
Республикаси Андижон вилояти
Хонобод шаҳар ҳокими.

КИРИШ

Замин сайёрасида, қарасанг кўзинг қамашадиган, маъносини англашга ҳаракат қилсанг, қалбингда беихтиёр яратувчиликка ундайдиган туйғулар уйғотадиган, вужудингда сен кутмаган куч, ғайрат ато этадиган шаҳарлар бисёр. Ана ўшандай шаҳарлар саноғи яна биттага кўпайиши арафасида турибди. Ўзбекистон Республикасининг табиатан гўзал гўшаларини ўз ичига олган Фарғона водийсининг энг шарқида жойлашган Хонобод шаҳри бугунги кунда туризми ривожланган шаҳарлар қаторидан эътиборга лойиқ ўринни эгаллашга интилоқда. Дарҳақиқат, тўлақонли таърифлашга тил ожизлик қиладиган ушбу шаҳар, аввало чевар табиатнинг ўзи, қолаверса Ватанининг ажралмас қисми ҳисобланган шаҳрига бўлган меҳр ва муҳаббатларини ўзларининг яратувчилик руҳи билан йўғрилган меҳнатларида намоён қилишга одатланган хонободликларнинг фикру-амаллари эвазига бунёд этилаётганлигига шак-шубҳа йўқ.

Хонободнинг бугунги жамолини кўришдан баҳраманд бўлиш насиб этганларнинг ҳаёллари беихтиёр ушбу шаҳарнинг яратилиш даврларига ва унинг жонкуяр қаҳрамонларига кетар экан, улар ким, қандай инсонлар эди деган саволларнинг туғилиши табиий. Ушбу саволларга жавоб қидиришни мақсад қилиб қўйган тадқиқотимизда, шаҳар ҳаётига оид, чоп этилган мақолалар, мўъжазгина китобчаларда келтирилган маълумотларга, айниқса ўша даврларда турли лавозимларда ишлаб келган, бугунги кунда ҳам фаол ҳаёт кечиришда давом этаётган инсонлар билан бўлган суҳбатларимизнинг натижаларига таянишни мақсадга мувофиқ ҳисобладик. Тўпланган дастлабки маълумотларнинг мағзини чақар эканмиз, бу ерда, азалдан шу Заминнинг тупроғу-ҳавосини қадрлайдиган ва унинг келажаги порлоқ бўлишини таъминлашга бел боғлаган кўплаб ёшу-қарилар яшаганлигига иқдор бўлдик. Улар – асли аجدодлари шу ерлик ёки турли юртлардан келиб қолган бўлишларига қарамасдан, шу Заминга қаттиқ боғланиб қолганликларини ва умрларининг охиригача унга бор меҳрларини бериб, унинг ободончилиги учун яшаганликлари ҳақидаги маълумотларни эшитдик.

Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев раҳбарлигида ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЯРАТИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ эзгу ниятлари ва беқиёс ҳаракатлари билан яшаётган нафақат юртдошларимиз[24], балки кўшни давлатларнинг кенг жамоатчилиги учун ҳам 2024 йил, унитилмас сана бўлиб қолиши табиий. Зеро, айнан 2024 йил, она юрти равнақининг фидойиси, забардаст раҳбар, умрининг ҳар дақиқасини эзгуликка интилиш билан ўтказа олган инсон – Солижон Меҳмонов таваллудининг 100 йиллик юбилеи нишонланади. Маълумки, ўтган XX АСРНИНГ иккинчи ярми давомида, бугунги кунда туристик маскан сифатида жозибадорлиги тобора ошиб бораётган Хонобод шаҳри ва унда ЯШИЛ ТУРИЗМНИНГ ЯШИЛ

ПОЙДЕВОРИГА АСОС СОЛИНГАН эди. Шаҳарнинг истиқболини белгилаб берган ушбу бунёдкорлик ишларини ташкил этилиши Солижон Меҳмонов номи билан боғлиқдир[26,31,50,59,64]. Шунинг учун ҳам, Хонободда туризмнинг барча турларини, жумладан даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмнинг шаклланиши, ривожланиши бу улуг инсоннинг забардаст раҳбар ва кучли ташкилотчи сифатида олиб борган мақсадли ҳаракатларининг самараси эканлигини эътироф этиш ўринлидир.

Қадимдан ҳозирги Хонобод ҳудудининг тоғ-ёнбағрида милоддан аввал I минг йиллик бошларида ўтроқ зироаткор Шўрабошот ва ўтроқлашаётган кўчманчи Эйлтон маданиятларига эга манзилгоҳлар ўрнида, мана шу икки маданиятнинг ўзаро муносабатлари, ҳамда улар асосида милоддан аввал I минг йилликнинг ўрталарига келиб, Қадим Фарғона (Давон) давлатчилиги шаклланиши юз берган[25,81] тарихий юртнинг бағрида , “Буюк ипак йўли“нинг карвонлар учун қулай табиий-иқлим шароитлари, соғломлаштирувчи ва дам олиш ресурсларга бойлиги билан узок-яқиндан сайёҳларни жалб эта олишда машҳур “Бешкапа“ ва “Хонтахт“ ҳудудида, асрлар оша, бугунги кунда даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризми жадал ривожланмоқда. Ушбу қонуниятли ҳолнинг асосида она юрт равнақи фидойиси – Солижон Меҳмоновнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ва энг муҳими хонободлик катта-ю, кичикнинг Ватанига, унинг бекиёс бўлаги – она шаҳрига бўлган меҳрининг қувватини бу ерда келажакда жозибатор туристик ҳудуд бўлишини таъминлайдиган мустақкам РУҲИЙ МУҲИТ ЯРАТИШГА сафарбар эта олганлиги билан боғлиқ воқеликлар ётади. 2024 йил замондошлари қалбида, уларга бўлган меҳри-муҳаббатини дилда, тилдагина эмас, аввало амалда ҳам намоён қила олган бу улуг инсон таваллудининг 100 йиллик юбилеи нишонланиши эътиборга молик воқеалардандир. Солижон Меҳмонов Хонобод шаҳрида даволаш-соғломлаштириш, рекреацион, зиёрат ва туризмнинг бошқа, барча турлари шаклланиши ва ривожланишининг ЯШИЛ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТГАН ЖИСМОНАН ВА РУҲАН КУЧЛИ, МАЪНАВИЙ БОЙ ИНСОН БЎЛГАН. Бу қутлуғ санани кенг жамоатчилик билан бир қаторда, Солижон Меҳмоновнинг юқори ташкилотчилиги ва бевосита иштирокида Хонободда яратилган йилнинг 12 ойида узлуксиз ям-яшил бўлиб турадиган сарвқомат қайинзорлар, арчазорлар, каштанзорлар ва бошқа боғ мажмуалари, дов-дарахт ва гуллар таратаётган хушбўйликка бурканган истироҳат боғи, бутун борлиғи билан унинг руҳини шод этишаётган бўлсалар, ажаб эмас... !

Фикримизча, Солижон Меҳмонов умрининг яшаш шароити, турмуш тарзи, сиёсий-ижтимоий ва руҳий қирраларини чуқур ва атрофлича, тизимли таҳлил ҳамда тизимли ёндашув тамойилларига таянган ҳолда ўрганиш, Янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлашга бел боғлаган бунёкор халқимиз учун бекиёс ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади, деб умид билдирамиз... .

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлашда 2019 йил 4 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодийётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги PQ-4477-сонли қарори[7], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-199-сонли Фармони [19] ижросини таъминлашга оид ишлар, республикамизнинг барча ҳудудларида[146] кенг миқёсда замон талабларига жавоб берадиган даражадаги бунёдкорлик амалиёти жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Жумладан, Хонободда ҳам “Яшил тараққиёт”га ўтиш учун “Яшил иқтисодийётга” ўтиш ва уни ривожлантиришга оид ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, иқтисодийёт нафақат самарали, балки адолатли бўлишини таъминлашга эътибор берилмоқда. Адолатлилиқ глобал ва мамлакат даражасидаги тенглик ўлчовларини тан олишни, хусусан, паст углеродли, ресурсларни тежайдиган ва ижтимоий жиҳатдан қамраб олувчи иқтисодийётга адолатли ўтишга оид ишлар ташкил қилинмоқда. Маълумки, 2023 йил, 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Юртимизда бу ҳаракат 2021 йил бошланган эди. 2023 йил ҳолатига 1 минг 200 гектардан ортиқ яшил боғ ва жамоат парклари, 1 миллиондан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилди. Умуман, жамиятда, дарахтларга нисбатан муносабат ўзгарди. Энди 25-октябрдан 1-декабргача “Кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди. Хонободда ҳам бу борада қир-адирликлар устида сайёҳларни мафтун этадиган боғлар, хиёбонлар яратиш ишлари изчиллик билан давом этмоқда.

Янги Ўзбекистонда “Яшил” туризм салоҳиятини ривожлантириш аҳолининг ушбу масалалар мақсади, мазмун ва моҳиятини нақадар тушуниб етганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, бу борада аҳоли саводхонлигини оширишга доир ишларнинг самарали бўлишига алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда[146,162]. Натижада, Хонобод шароитида туризмда инновацияларни қўллаш имкониятлари, инновацион технологияларнинг моҳияти ва уларни жорий қилишда шарт-шароитларни яратишга доир ишларни амалга оширишда, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги нафақат хонободликларнинг, балки бутун вилоят аҳолининг фаол равишда қўллаб қувватлашларига таяниш имкониятига эга бўлишди.

Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Кушакбаевич Абдурахманов ва Хонобод шаҳар ҳокими Машғал Тожибоевларнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида шаҳарда туризмнинг барча турларини, жумладан даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмни ривожлантиришга хизмат қиладиган,

кенг кўламдаги яратувчилик ишлари, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашиш тамойиллари асосида амалга ошириш самарали давом этмоқда. Шаҳар ва унинг яқин атрофларида инсон сиҳат саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган бунёдкорлик ишларининг жадал ва самарали кечаётганлигининг асл сабабларидан бири – вилоят ва шаҳар ҳокимчилигининг нафақат тадбиркорлар ва бизнесменлар, балки аҳолининг барча ижтимоий қатламларидан билдирилган таклиф ва тавсияларни мумкин қадар амалга оширишга, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан чарчамасликларида, деб таърифласак ўринли бўлади. Шаҳарда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлашга оид чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда, Хонобод аҳли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 1-ИЛОВАСИГА биноан 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва бошқа муҳим ҳужжатларда[1,13] белгиланган натижаларнинг соҳибларига айланиш орзу ва интилишлари билан яшашмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

I-боб. ХОНОБОД – ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИНИНГ ШАРҚИЙ ТАЯНЧИ.

1.1.Хонобод ва унинг яқин атрофида ҳудудларда туризмни истиқболли ва жадал ривожлантиришнинг асослари.

Дунёни билиш ва ундан лаззатланишда туризмнинг аҳамияти катта ва имкониятлари чексиздир. Айни пайтда, туризмнинг ўзи ҳам миқдор ва сифат жиҳатидан фарқ қиладиган қатор табиий-иқлим, демографик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, психологик ҳамда тиббий омиллар ва шароитларнинг нафақат мавжудлиги, балки ўзаро алоқадорлиги даражасига боғлиқ равишда намоён бўладиган интеграл воқеликдир. Туризм қалбларда эзгуликка интилиб яшаш ва фикру-амаллари билан маънавий баркамол инсон мақомига эришиш туйғуларини уйғота оладиган бекиёс омилдир.

Жаҳон туризмнинг кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг ҳозирги замон босқичига ҳамнафас шаклланиши ва ривожланишида Ўзбекистоннинг салмоғи ва салоҳияти тобора ошиб бормоқда[6,9]. Маълумки, 2019 йилда Ислом ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар орасида Global Muslim Travel index 2019 (GMTI) версиясига биноан зиёрат туризмнинг энг жозибадорлиги йўналишлари бўйича Ўзбекистон биринчи ўнликка киритилди. Ўзбекистон, шунингдек «Cres-cent Rating» ташкилоти томонидан 2017 йилда “Халол туризм” бўйича тузилган рейтингда 28-ўринни эгаллади. Ўшбу ўрин белгиланган 100 баллдан “Ҳафсиз туризм” кўрсаткичи бўйича 84 ва “овқатланишнинг имкониятлари ва кафолати” кўрсаткичи бўйича 70 баллга эришганлиги учун берилди.

Ўзбекистонда яқин орада турпакетлар ва транспорт хизматларини ташкил қилувчи тадбиркорлар, ресторанлар ва меҳмонхоналар ўртасида турли дин ва миллатларга хос меҳмондўстлик рейтингини киритиш режалаштирилмоқда. Ҳаётнинг ўзи, сайёҳлар учун туристик дестинацияларни, урф-одатларни, чет тилларни чуқур биладиган, гид-экскурсиячилар билан таъминлаш, зиёрат туризм учун эса, зарур бўлган ҳалол меҳмонхона, ҳалол овқатланиш корхоналари, намозхона, банк муассасалари, почта ва бошқа инфратузилмаларни барпо этиш ва шу мақсадларда чет эл инвестицияларидан кенг фойдаланишга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Зиёрат туризмини ривожлантиришда нафақат мусулмонларга, балким христиан, иудизм, буддизм каби бошқа дин вакиллари учун ҳам «Кошер», «Вегетариан» каби шарт-шароитларни яратиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда[101,106,107].

Ўзбекистон бугунги кунда ўз худудида, асосий қисми ЮНЕСКО томонидан қайд қилинган 8200 дан зиёд, жумладан зиёратгоҳ мақомидаги маданий меъросларни эъзозлаб, авайлаб сақлаётган, улардан дунё ахли баҳраманд бўлишини таъминлайдиган беъминнат ва савобли ишларни изчиллик билан амалга ошираётган давлатдир[24]. Айрим манбаларда таъкидланишича

Ўзбекистон ҳудудида шундай муқаддас зиёратгоҳлар борки, уларга таъширф буюриш, Маккага Хадж сафари олдидан ва кейинги рияз қилиниши лозим бўлган амалларга оид тавсиялар қаторида эслатиб ўтилади. Ушбу муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш эса “Хадж амаллари”га тенглаштирилади[101,103,106,107].

Оламдаги диний ва дунёвий илмларнинг мазмун ва моҳиятини янада чуқурроқ англаб етиш, уларнинг нозил бўлиши ва яратилиши тарихини кенг қамровли ўрганилишини ташкил этишда олийгоҳлар ва илмий тадқиқот муассасаларининг ўрни ва аҳамияти катта. Маълумки, Ўзбекистонда ана шундай илмгоҳларнинг сафи яна биттага ортди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жойлашган, буюк муҳаддис инсон номи билан аталувчи, ёдгорлик мажмуаси ёнида ушбу марказ бунёд этилди.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг қонуний ва меъёрий асосларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2019 йилдаги “Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 5611-сонли Фармонида баён этилган “2019 –2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси” ишлаб чиқилганлигини қайд этиш ўринлидир[8]. Давлат томонидан туризм соҳасини қўллаб-қувватлашда асосий усулларида бири –хўжалик юритувчи субъектларга солиқларни тўлашда имтиёзлар берилишидир. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг бир қанча моддаларида ва Президент фармонларида туризм соҳасига, жумладан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар назарда тутилган[108].

Юқоридаги баёнимиздан кўриниб турибдики, Буюк ипак йўли чорраҳаларида жойлашган бугунги Ўзбекистон туризмнинг барча турларини, жумладан даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмини ривожлантириш орқали дунёдаги эзгуликка интилиб яшаётган кишиларнинг жисмонан соғлом, қалблари ислом илмининг қувватидан баҳраманд бўлишларини таъминлашда янада фаол иштирок этиш имкониятларига эга. Фикримизча, юртимиз туризмнинг салоҳиятини белгилаб турган Самарқанд, Бухоро, Хева, Ургенч, Шахрисабз, Термез, Тошкент, Қўқон ва Андижон шаҳарларининг жозибадорлигини оширишга оид илмий-амалий, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари салмоғини камайтирмаган ҳолда, марказий шаҳарлардан олисда жойлашган бўлишларига қарамасдан, номлари авлоддан-авлодга етиб келаётган қатор шаҳар ва қишлоқлар ва у ерда жойлашган даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва муқаддас қадамжоларнинг тарихини ҳам чуқур ва атрофлича ўрганишга эътиборни кучайтириш даври келди. Бугунги кунда ўзини камтарона тутаётган ушбу туристик индустрия нуқтаи назардан аҳамиятга молик жойлар ҳақида аجدодлар дардига малҳам, авлодлар қорига ҳамдам бўла олдиган маълумотлар аниқланиб қолса ажаб эмас! Бу

борада ўзга юртларнинг олиму-мутахассисларини жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Зеро, юртимиз узоқ йиллар давомида, масалан муқаддас қадамжоларга нисбатан ўринсиз равишда олиб борилган нотўғри сиёсат таъсири ва назорати остида бўлди. Ана шу даврларнинг асорати сифатида юртимиздаги кўплаб маданий меърослар ёки улар ҳақидаги маълумотлар ёкиб юборилганлиги ёки чет давлатларга олиб чиқиб кетилганлиги сабабли, ўзимизда йўқ бўлиб кетганлиги, ҳақиқат. Шу боис, фикримизча, тарихий воқеликларга оид маълумотларни тиклашда дунё олимлари ҳар қачонгидан яқинроқ бўлишлари ва ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришлари ўзининг кутилмаган даражада ижобий самараларини бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2017 й. “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3217-сон Қарори билан тасдиқланган “2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури”га биноан, республикадаги туристик ресурсларга бой шаҳарлардан бири бўлган Хонободда (Андижон вилояти) ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларини олиб бориш режалаштирилган. Дастурда шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризм йўналишидаги саёҳларни жалб қилиш бўйича ишларни жадаллаштириш кўзда тутилган. Зеро, ана шу муқаддас қадамжоларнинг аксарият кўпчилигига ташриф буюрган ҳар бир саёҳ, беихтиёр, қонуниятли кечаётган бир муҳим воқеликнинг –буюк инсонлар нафақат тирикликларида, балки оламдан ўтганларидан кейин ҳам кишилик жамиятига бекиёс нафи тегишида давом этишининг шохиди бўлиши табиий. Ушбу ҳол эса, замондошларимизни эзгуликка интилиб яшаш руҳида тарбиялаш амалиёти нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади. Муқаддас қадамжоларни, жумладан зиёратгоҳларнинг инсонни маънавий баркамолликка эришишдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга оид белгиланган чора-тадбирларнинг самарали бўлиши, аввало уларнинг илмий жиҳатдан нақадар асосланганлигига боғлиқ.

Маълумки, 2021 йил 29 ноябрда Хонобод шаҳрининг “ Хонобод” сиҳатгоҳи биносида “Ҳамкор стимул сервис” инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот маркази раҳбари, экспедиция ташкилотчиси, биолог Ш. Р. Султонованинг ташаббуси билан Хонобод комплекс экспедицияси тадқиқот натижаларига бағишланган илмий –амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти олимларининг, жумладан қадимшунос, халқаро тоифадаги археолог, Хонободдаги геологик тадқиқотлар иштирокчиси К.А. Крахмаль Хонобод минтақасини шаклланишида геологик ва тектоник жараёнлар ҳамда қадимий тош даврига оид топилмаларнинг илм фан ва туризм ривождаги аҳамиятини асослаб берди[81]. Хонобод археологик экспедицияси тадқиқот ишлари раҳбари Б.М. Абдуллаев ўз маърузасида Хонобод комплекс экспедициясида дастлабки археологик тадқиқотнинг моҳияти ва долзарблигига батафсил тўхталди[25]. Хонобод комплекс экспедицияси 2020 йилда олиб борган дала


тадқиқотлари натижасида, зироаткор Шўрабошот ва ўтроклашаётган Эйлатон маданиятларига оид топилмалар, айнан Хонобод тоғ ёнбағрида, бу икки маданиятга оид мазор (1-Хонобод, 3-Хонобод) ва манзилгоҳлар (2-Хонобод, 4-Хонобод) қайд этилиб, лойиҳа раҳбари ва Ш.Р. Султонова томонидан Хидирша адирликлари ён бағридаги “Айрилиш” дарасининг юқори ва қуйи қисмларида қўлга киритган қадимий денгиз ости аргиллит минераллари, темир руда бўлаклари, ҳамда Кампирравт ҳудудида қадимий денгиз чиғаноқ тўпламларидан олинган намуналар республика Минералогия ва Геология давлат қўмитаси лабораториясида илмий таҳлил қилиниб, археологик топилмалардаги тақинчоқлар, маданий буюмлар, сопол буюмларга ишлатилган рангдор минераллар таркиби бир хиллиги айнан ушбу ҳудуд ишлаб чиқариш соҳаси ривожланган манзил бўлганлигини очиқ берди. 2022 -2023 йилларда Хонобод шаҳрида “Хонобод тоғ ён бағирларидаги археологик объектларни тадқиқ этиш воситасида 3Д Археологик харитаси, ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш (Андижон вилояти) мавзусида Хонобод шаҳрида археологик тадқиқот ишлари олиб бориш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш Вазирлиги томонидан лойиҳа ташаббускори Ш.Р. Султонова раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳар “Ҳамкор стимул сервис” инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот марказига ушбу лойиҳа амалга оширилиши учун молиялаштирилиши топширилди.

2022-2023 йиллари “Ҳамкор стимул сервис” инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот маркази томонидан соҳа мутахассисларини шартнома асосида таклиф қилиб, расмий равишда дала тадқиқотлари олиб борилди.

Археология бўлимига ижрочи этиб Б.М. Абдуллаев тайинланди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар ушбу ҳудуд топилмалари Эйлатон маданияти сополларидаги нақшларда Чуст ва Шўрабошот маданиятига хос элементларнинг кириб келишини ўз илмий асосини кўрсатди. Бу даврда Фарғона ёзуви қайд этилмаган ва Б.М. Абдуллаевнинг фикрича, диний ва мафкуравий дунёқараш фалсафаси асосан сополдаги нақшларда берилган. Ушбу муаммолар босқичма-босқич ўз ечимини топиши баробарида қадимги Фарғона давлатчилигини жамият равағи йўлида олиб борган ички сиёсатини аниқ мисоллар асосида кўрсатиб бериш имкониятини бермоқда.

Илк бор аниқланган қадимий 2-Хонобод манзилгоҳи ҳозирги “ Фозилмон ота” зиёратгоҳидан 500 метр шарқда жойлашган бўлиб, жанубдан шимолга чўзилган. У кўшк ва ҳунармандлар даҳасидан ташкил топган. Ёдгорликнинг ер сатҳидан юқори қисми ўтган асрнинг 90-йиллари бузиб шудгор қилинган, бироқ унинг қаридан турли сопол (жумладан, қўлда ясалган ва буёқ билан нақшланган) идишлар олинган. Бу нодир қадимий буюмлардан намуналар маҳалла оқсақоли ва ўлка қадимиятининг тиниб-тинчимас мухлиси Абдулҳай Кенжаев сайи ҳаракатлари туфайли унинг уй музейида ҳам сақланиб келмоқда.

Экспедициядаги археологик қазилмаларда топилган сополлар коллекциясида милоддан аввалги 1 минг йиллик бошларидан милодий XII асрга қадар тадрижий ҳаёт излари қайд этилиб, археолог Б.М. Абдуллаев ушбу ҳолатга фикрини қуйидагича билдирган: “Аждодларимиз, табиийки бир жойда икки минг йил давомида узлуксиз ҳаёт кечириши, бевосита бу ҳудуддаги мавжуд иқлим шароити, серунум ерлар ҳамда сув манбасининг барқарорлиги билан боғлиқ бўлган” – деб таъкидлайди[25].



Расмда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти олимларидан Хонобод археологик экспедицияси тадқиқот ишлари раҳбари Б.М. Абдуллаев ва “Ҳамкор стимул сервис” инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот маркази раҳбари, экспедиция ташкилотчиси, биолог Ш. Р. Султонова.

Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, водий шарқида Эйлтон маданиятига оид сополлардаги нақшлар асосан кўчманчи қабилалар томонидан қадимдан ўзлаштирилган минтақани ғарбий ва жанубий-ғарбий ҳудудларидагига нисбатан анча бойроқ бўлиб, бунда ўтроқ тарзида ҳаёт кечирувчи зироаткор аҳолиси сопол буюмларини нақшлаш анъаналари таъсири барқ уриб туради.

Шунингдек, агарда энг қадимги (милоддан аввалги XIV-XII асрлар) Чуст зироаткор маданиятида мархумлар хона поли ва деворларига кўмиш удуми мавжуд бўлган бўлса, ундан кейинги Шўрабошот маданиятида бу анъана тўхтатилади. Бунда, Б.М. Абдуллаевнинг фикрига кўра, айнан кўчманчи Эйлтон маданиятининг таъсири бўлган[25].

Хулоса қилиб айтганда, архелогик тадқиқотлар натижасида Хонобод ёдгорликларида Фарғона водийси тарихининг деярли асосий воқеликлари акс этганлигини ҳамда мил. авв. I минг йиллик ўрталарида кўчманчи Эйлтон ва зироаткор Шўрабошот маданиятларининг ўзаро қоришув (синтез) жараёни Хитой салномаларида келтирилган Қадимги Фарғона (Даван) давлатининг шаклланиш омилларидан бири бўлган. Айнан марказлашган давлатчиликнинг бу даврларда мавжудлиги водийнинг шарқида янги бўз ерларни ўзлаштириш учун кўплаб сув иншоотларини бунёд этилишига, ортидан эса минтақадаги урбанизацион жараёнларни кучайтириб давлат муҳофазаларини кенгайтириб борган. Шу туфайли, Андижонсой (60 км) бўйида 2-Хонобод ёдгорлиги сингари бу даврга оид ўнлаб манзилгоҳлар, қадимда энг узун сув иншооти – Шаҳрихонсой (120 км) бўйида 40 дан ортиқ Шўрабошот маданиятига оид манзилгоҳлар қайд этилган. Шу билан бирга, қадимги Фарғона маданиятлари ривожланиши концепциясига, Хонобод ёдгорликларида қўлга киритилган топилмалар таҳлили асосида, айрим амалий аниқлик ва тузатишлар киритиш имкони туғилмоқда.

Ўзбекистон Миллий Археология Маркази Бош илмий ходими, профессор, тарих фанлари доктори Рустам Сулаймонов лойиҳага берган тақризида “Хонобод тоғ ён бағрларидаги археологик объектларни тадқиқ этиш воситасида 3Д Археологик харитаси, ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш (Андижон вилояти) мавзусидаги амалий лойиҳада келтирилган барча далиллар илмий тадқиқотларни давом эттириш учун етарли тарзда натижаларга эришган. Ушбу амалий лойиҳанинг салоҳиятли янгиликларини фан муомаласига киритиш имконини беради. Шунинг ҳам таъкидлашимиз лозимки, 2022-2023 йилларга мўлжалланган илмий лойиҳа натижалари бўлажак кашфиётларнинг дебочасидир ва бу тадқиқот камида Хонобод минтақасини тўла қамраб олмоғи лозим. Бунинг учун таниқли илмий марказлар билан ҳамкорликда янги мегалойиҳа асосида тадқиқот ишларини давом эттириш, фан

тараққиёти, ҳамда янги археолог кадрларни яратилишида ўта долзарбдир” деб, таъкидлайди.

Шунингдек, “Ҳамкор стимул сервис” инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот маркази Илмий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Ахмадали Асқаров: “Ҳонободда олиб борилаётган экспедиция ишлари Ўзбекистон тарихиятининг очилмаган қирраларини очиш билан бирга инсоният тамаддудининг илк ўчоғи бўлганлиги ва кейинги асрларда шаклланган Буюк Ипак Йўлида иқтисодий ривожланган савдо дарвозаларининг бири эканлигини кўрсатиб бериш билан бирга қазилма ишлари олиб борилган “1-Ҳонобод” ҳудудида “Очиқ осмон остидаги музейи”ни ташкил қилишга етарли илмий асосланган манбаларни қўлга киритди. Ҳозирда экспедиция томонидан топилган барча асорий-атиқалар Андижон вилояти Тарих ва маданияти давлат музейида сақланаётгани, ушбу музей лойиҳасининг дебочасидир”, деб ушбу лойиҳанинг бардавомийлигига ишонч билдирди.

“ Ҳонободда амалга оширилаётган лойиҳалар қамровида қўлга киритган қадимий манзилгоҳлар, Хидирша адирликлари ён бағридаги халқ тилида “Юнус пайғамбар ғори” ва унинг ёнидаги шифобаҳш булоқ, “Авлиёлар дараси”даги “Абдусаттар булоқ” ҳамда Республика Фармацевтика институти томонидан шифобаҳшлилиги ўрганилган учта булоқ, “1-Ҳонобод” археологик қазилма ҳудуддида “Очиқ осмон остидаги музей” ни ташкиллаштириш, “Кампиртош” ҳамда Кампирравот сув омбори ўнг қисмида жойлашган “Чиғаноклар водийси” дараларини атрофини ободонлаштириб, ташқи ва ички туризмни ривожлантириш стратегиясида чекка ҳудудлардаги ноёб манзилларнинг аҳамиятга моликлиги, Ҳонобод археологик қазилма ишлари истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга Ўзбекистон тарихини янги саҳифаларини очишга, қолаверса халқаро туризм ўчоқларини шакллантиришга хизмат қилади деб таъкидлайман, дейди Ҳонобод экспедициясини қўллаб қувватлаб келаётганган Ўзбекистон Республикаси маданий мерос агентлиги раҳбарининг биринчи ўринбосари, профессор Турсунали Қўзиев.

Нафақат, асрлар, балки минг йиллар ўтиб, аجدодларимиз яшаб ўтган манзилгоҳда ҳаёт яна, фақат янги босқичларда ривожлана бошлади.

Бугунги, Ҳонободликлар яшаётган ҳозирги ҳудуд тарихи саҳифаларига назар ташларканмиз, унда яна бир муҳим маълумотни учратамиз. Домлажонов Хасанбой ва Абдуллаев Музробжонларнинг 2020 йилда ҳаммуаллифликда чоп этилган “Ҳонобод ва ҳонободликлар” номли китобида қуйидаги маълумотларни келтирилади[64]. Маълумки, ҳозирги Ҳонобод шаҳридаги диққатга сазовор масканлардан бири бу шубҳасиз, Фозилмон ота зиёратгоҳидир. Бу зиёратгоҳ нафақат Андижон вилоятида, балки, бутун Фарғона водийсидаги муқаддас зиёратгоҳ масканлардан бири саналанади. Бу зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши, бу масканга номи берилган Фозилмон ота шахсияти ҳақида халқ ўртасида кўплаб ривоятлар тарқалган. Шу билан бирга,

мазкур зиёратгоҳнинг юзага келиши хусусида илмий қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, Қирғизистон журналистлар кенгаши аъзоси, БМТнинг минтақавий қўмита аъзоси Қодиржон Иброхимовнинг 2007 йил Жалолободда нашр этилган “Кўхна тарихимизга бир назар“ номли китобида Фозилмон ота ва унинг номи билан аталувчи зиёратгоҳ тарихи ҳақида қуйидаги муҳим маълумотлар келтириб ўтилган. 1805 йили – бундан 200 йил муқаддам Ўш шаҳрининг эшони Холмуҳаммад эшон Жалолободдаги Ҳазрати Аюб Алайҳиссалом қадамжоларига зиёратга келаётиб, бир қанча муридлари билан Хонободдаги Фозилмон қишлоғи жума масжидида намоз ўқиган. Қишлоқ оқсақоллари қадимги мазорда бир авлиёнинг қабри жойлашган, шу кишининг қабрини аниқлаб берсалар, деб эшондан илтимос қилганлар. Ўткир мантиқ соҳиби бўлган эшон деярли текисланиб кетган қабрлар орасидан айтилган қабрни топган, пишиқ ғишт билан урилган сағанани кўрсатиб, бу Саййид мулла Фозилмон Дехлавийнинг қабри деганлар.

Ривоятларга кўра, Саййид Фозилмон 1500- йиллари ёш йигитлик чоғида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий юришларида иштирок этиб, Қобул ва Ҳиндистонгача борган. Бобур асос солган салтанатда узоқ йиллар хизмат қилиб, пировардида қариган, юз ёшни қоралаб қолган Саййид Фозилмон Афғонистон орқали Ўзган шаҳрига келиб, Хонободда жума масжидида тўхтаган. Фалокат юз бериб, уни илон чақиб, 1595 йили шу ерда вафот этган. У асли андижонлик бўлган ёки Марғилон томонда таваллуд топган.

1805 йилдан бошлаб халқ орасида Саййид мулло Фозилмон номи тилга олина бошлайди. Хонободдаги юқорида тилга олинган қабр эгаси аниқлангандан кейин, XX аср бошларида Саййид Фозилмон қабри обод қилиниб, таъмирланган, маҳаллий аҳоли қабр устига мақбара қуриш ташаббуси билан чиққан. Айнан шу йилларда халқ томонидан тўпланган маблағ ва айрим саховатли инсонлар томонидан ҳадя этилган маблағлар ҳисобига қабр обод қилиниб, мақбара кўтарилади. Ўша даврдан буён ушбу мақбара икки бора қайта таъмирланди. Иккинчи бор 2003 йили таъмирдан чиқарилди. Хонободлик таниқли ишлаб чиқариш ташкилотчиси, Андижон сув омбори қурилиши бошқармаси раҳбарларидан бири Фозилмон ота зиёратгоҳини обод ва кўркем масканга айлантирган. Бу зиёратгоҳга узоқ-яқин ерлардан кўплаб зиёратчилар ташриф буюришади... Сузоқлик Абдуллаҳўжа отанинг уйида сақланаётган шажарага Хонободда 1302 йил хижрий рамазон ойида ўтган Қозилар қурултойида 25 нафар қозикалонлар муҳри босилганлиги қайд этиб ўтилган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, Хонободдаги Фозилмон ота зиёратгоҳи қадим даврларданоқ азиз ва улуғ зотларнинг муқаддас қадамжоси ҳисобланган, деб такидлайди муаллифлар.

Бизнинг (Мадаханов А.С., ҳам муаллифликда) 2019-2024 йилларда бу борада олиб борган изланишларимиз шуни кўрсатдики[94,127,161], дарҳақиқат бугунги Хонобод шаҳри Фарғона водийсида Буюк ипак йўли чорраҳаларининг

карвонлар учун энг қулайи ҳисобланган тармоқларидан бири ўтган қишлоқ ўрнида пайдо бўлган. Мўъжазгина қишлоқнинг бугунги кунда эл эътиборига тушган шаҳар даражасига етишида, аввало табиатнинг ўзи сабаб бўлганлигини қайд қилиш ўринлидир. Бугунги Хонободнинг тарихига доир маълумотларнинг маъзини чақар эканмиз, бу ерда, азалдан шу Заминнинг тупроғу-ҳавосини қадрлайдиган ва унинг келажаги порлоқ бўлишини таъминлашга бел боғлаган кўплаб ёшу-қарилар яшаганларига иқдор бўлдиқ. Нафакат маҳалий халқ, балки турли шаҳар ва юртлардан келиб қолганлар ҳам, шу Заминга қаттиқ боғланиб қолганликларини ва умрларининг охиригача унга бор меҳрларини бериб, унинг равнақи учун яшаганликлари ҳақидаги маълумотларни эшитдик[161]. Ривоятларда келтирилишича, ушбу маскан, ҳали мўъжазгина қишлоқ бўлган давридаёқ элга овоза бўлган эди. Ушбу қонуниятли ҳол ислом илмининг жонкуяр тарғиботчиларидан бўлган Саййид Фозилмон Дехлавий умрининг бу ерда ўтган даври билан боғлиқдир. Авлодлардан авлодларга оғзаки берилиб келаётган ривоятларнинг бирида баён этилишича, одамлар қалбини ислом нури билан ёритишдек савобли, айна пайтда машаққатларга тўла сафарлар, уламони жисмонан чарчатишдан узоқ эмас эди. Сафарларнинг бирида уламо қаттиқ бетоб бўлиб қолади. Саййид Фозилмон Дехлавий ҳамроҳлари билан бирга ҳозирги Хонобод шаҳри жойлашган қишлоқдан ҳали анча олисда, беморнинг дарди эса тобора оғирлашиб борар эди. Аллоҳнинг меҳрибонлиги билан, улар кутмаганда жуда узоқдан уйлар кўринади.

Қишлоқнинг бошланишида жойлашган хонадон сохиби меҳмонларни очик чехра ва меҳрибончилик билан кутиб олади. Беморга сув беришади. Саййид Фозилмон Дехлавий ҳар култур сувни ичаркан, бутун бадани узра куч, қувват таралаётганини ҳис қилади. У эрталаб эзгу ниятлари йўлида сафарга отланмоқчи бўлади, аммо, қувватсизлик беморни ўрнидан туришга имкон бермайди. Шунда, унинг ҳамроҳлари сафар машаққатлари бемор дардини фақат оғирлаштириб қўйиши мумкинлигини сезишади. Шу боис беморга соғлиги тиклангунга қадар сафардан тўхтаб туришни маслаҳат беришади. Саййид Фозилмон Дехлавийнинг ҳамроҳлари сафарга жўнаб кетишади.

Уламо илми, билимининг чуқур ва кенглиги, одобу муомалада хушёрлиги билан нафакат хонадон эгаларининг, балки қўни-қўшниларнинг ҳам эътиборига туша бошлайди. Бутун қишлоқ аҳли унинг ҳолидан хабар олишга, унинг маъноли суҳбатидан баҳраманд бўлишга ошиқади. Саййид Фозилмон Дехлавий бироз қувватга киргач, хонадон эгаларидан суви дардига шифо бўлган булоқни кўришга олиб боришларини илтимос қилади. Қир-адирликнинг пойгинасида камтаринона, аммо эзгу мақсадлар билан, ер юзига –инсонлар хизматига ошиқаётган ушбу булоқ сувида юз-қўлларини ювиб, ундан бир култур ичар экан, Аллоҳга беадад шукроналари айтади...

Эзгуликка интилиб яшаган Саййид Фозилмон Дехлавий, саломатлигининг тикланишида хизмат ва меҳрларини дариг тутмаган қишлоқ аҳлига, ҳамда дардига шифо бахш этган булоққа умрининг охиригача боғланиб қолади. Булоқ атрофини ободонлаштиришга бел боғлайди. Унинг ғайрати ва шижоати бошқаларни ҳам руҳлантиради. Қишлоқ тез орада қарвонлар эътиборини тортадиган даражада қиёфасини ўзгартиради ва улар учун қулай тунаш жойига айлана бошлайди. Йилнинг иссиқ кунларида салқинлиги, совуқ кунларида эса илиқлиги билан атрофдаги табиий муҳитдан кескин ажралиб турадиган булоқ бўйи сафарчилар учун нафақат бекиёс оромгоҳ, балки билим масканига айлана бошлайди. Улар булоқ сувидан ичишиб, йўл чарчоғидан фориғ бўлиш билан бирга Сайид Фозилмон Дехлавийнинг ислом илми инсонни икки дунё саодатига муяссар бўлишга тайёрловчи, улуғ ва қуввати бекиёс илоҳий омил эканлиги ҳақидаги суҳбатларидан баҳраманд бўлишади.

Саййид Фозилмон Дехлавий нафақат яшаб турган, балки узоқ-яқиндаги қишлоқларнинг аҳолисига ҳам ислом илмининг туб моҳиятини етказишда меҳнатини аямайди, жонбозлик кўрсатади. Қишлоқларда унинг ҳурматини бажо келтириб, ёнида ёки ортида, билимга чанқоқликда, табиат ва жамиятда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабатларини билдиришда эса, устозидан олдинлаб кетиб, уни қувонтирадиган шогидлари етишиб чиқа бошлайди. Уламонинг меҳнатлари зое кетмайди. Унинг билим бойлигидан баҳраманд бўлаётганларгина эмас, қадрига етадиганларнинг сони ҳам ортиб боради... . Сайид Фозилмон Дехлавий боқий дунёга кетгандан кейин, қабри қўйилган қишлоқ ва шифобахш булоқ унинг номи билан атала бошлайди. Уламонинг шогирдлари ва маҳаллий халқ жонбозлиги билан унинг қабри устида мақбара барпо этилади. XVI аср охирида келган кучли сел натижасида мақбара текисланиб, лойқа остида қолади. 1805 йилда қароматгўй диний уламо, ўзбек мумтоз адабиётининг вакили, шоир Хўжамназар Холмухаммад ўғли Хувайдонинг ўғли Холмухаммад эшон ибн Хувайдо томонидан қабр ўрни аниқланиб, мақбара қайта тикланади.

Йиллар ўтиб, мақбара атрофи яна қаровсиз ҳолатга келиб қолади. Бундан хабар топган ўшлик Абдулла ва Салоҳиддин эшонлар 1900 йилларнинг бошларида бу ерга келиб, мақбарани тиклаш ва атрофини ободонлаштириш ишларини бошлаб юборади. Мақбара атрофига чинор дарахтлари экилади ва жуда катта масжид қурилади. Мақбара ва масжиднинг қурилиш ишларига ўшлик таниқли усталар жалб этилади.

Бироқ, 1943 йилда мақбара ва масжид юқоридагиларнинг буйруғи билан, колхоз райси томонидан буздириб юборилади... .

Кексаларнинг, жумладан ўзининг юз ёшини қоралаб қўйган Маманосир ота Матқосимовнинг таъкидлашича, зиёратгоҳларга нисбатан салбий муносабатда бўлиш сиёсати юргизилган оғир даврларда ҳам, Аллоҳнинг амри билан ушбу маскан эл орасида ўзининг зиёратгоҳ мақомини йўқотмади.

Қорадарё яқинида жойлашган ҳозирда Дардоқ ва Ойим, Чангат сойнинг яқин атрофида жойлашган Тўтиё, Масадон, Овот ва Бекобод қишлоқлари, Кугарт сой (“Тентак сой”)нинг шимолий-ғарбий қирғоқлари бўйлаб жойлашган Сузоқ қишлоқларининг кексалари билан суҳбатларимиз чоғида ҳам эътиборга арзигуёқлик маълумотлар олинди. Жумладан, улар: “Ёшлигимизда ота-боболаримиз бизларни ҳар йили камида бир-икки марта Фозилмон ота қишлоғига зиёратга олиб борар эди. Айтишларича, Фозилмон ота исломий илмларни мукаммал билибгина қолмай, қишлоқма-қишлоқ юриб, катта-ю кичик Аллоҳнинг ушбу неъматини қувватидан баҳраманд бўлишида фидойилик қилган инсонлардан бўлган. Шунинг учун ҳам у инсон оламдан ўтганларида ҳатто олис қишлоқлардан ҳам одамлар тўп-тўп бўлишиб таъзияга боришган экан”,-дедилар. Суҳбатдошларимизнинг аксарияти ҳам, имкон бўлдийки дўсту-ёрлари ёки оила аъзоларини олиб Фозилмон ота зиёратгоҳига бориб, у кишининг руҳи покларига дуолар қилиб, қалблари руҳан енгил тортиб қайтишларини айтишди... .

Йиллар ўтиб, Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигини эълон қилгач, бутун юрт бўйлаб, ислом илми оламида машҳур ўтган олиму-уламолар ва улар томонидан яратилган таълимотларга эътибор эркинлиги амалда намоён бўла бошлади. Жумладан, улуғ инсонларнинг қабрлари устида мақбаралар қурилиб, атрофлари ободонлаштирилди[4,5,6,8]. Сайид Фозилмон Дехлавийнинг қабри устида ҳам яна мақбара қад кўтарди. Бу гал, уламонинг қабри устидаги ислом олами меъморчилиги асосида, баланд гумбазли мақбаранинг 1994 йили қуриб битирилишида шаҳар кексаларининг, жумладан Ғофурали ота Обидов, Аҳмадали ота Йўлчиев, Исмоилжон ака Шокиров, ва Фозилмон ота номи билан аталувчи маҳаллада туғилган Маманосир ота Матқосимов, Солижон Меҳмонов ва бошқаларнинг таклифлари, “Андижон кабел” ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ёрқинбек Қодировнинг ташаббуси ва ҳомийлиги муҳим рол ўйнаган. Бу ерда шунингдек, улар томонидан, узоқ яқиндан келаётган беморларнинг дардларига шифо бўлаётган булоқ сувининг ифлосланмаслигини таъминлайдиган санитария-ҳимоя қурилмаси яратилди. Сайид Фозилмон Дехлавийнинг шахсиятига оид маълумотларни тўплашда филолог – инглиз тили ўқитувчиси Аъзамжон Исмоиловнинг мақсадли ҳаракатлари самарали бўлди. У мавзуга доир кўплаб манбааларни ўрганар экан, собиқ Иттифоқ давридаги Ўзбек совет энциклопедиясида келтирилган кўйидаги маълумотларни топади. “XIIIасрда яшаб ўтган диний уламо, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в. авлодларидан бўлган Сайид Фозилмон Дехлавий ҳазратлари Аллоҳнинг иродаси ила муқаддас булоқ бўйини ўзига макон қилган. Инсонларни дину-диёнатга, ҳақиқатга, маърифатга чорлаган. Ўз кароматлари билан эл орасида азиз авлиёлик номини олган. Оламдан ўтгач шу жойда дафн қилинган”[94,136,161].



Расмда . Саййид Фозилмон Дехлавийнинг қабри устига қурилган мақбара.



Расмда. Саййид Фозилмон Деҳлавийнинг қабри.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида салмоғи ошиб бораётган ва шунинг учун ҳам тобора эътиборга молик туризм масалалари бугунги кунда, ҳар қачонгидан кўпроқ аҳамият касб этмоқда[4,5,6,8.12,20,129]. Ушбу юртда туризмнинг барча турларини, жумладан даволаш-соғломлаштирувчи, рекреацион ва зиёрат туризмини ташкил этиш, ривожлантиришнинг беқиёс имкониятлари мавжуд. Республикамизда ана шундай беқиёс имкониятлар мужассамлашган гўшаларидан бири – Хонобод шаҳри ва унинг яқин атрофидаги ҳудудларидир[4,155].



Расмда. Андижон вилоят Хонобод шаҳар ҳокимлигининг биноси.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2017 йилдаги ”2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3217-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2017 йилдаги ”2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури”га биноан, республикадаги туристик ресурсларга бой шаҳарлардан бири бўлган Хонободда ҳам кенг кўламдаги яратувчилик ишларини олиб бориш режалаштирилган[4,5]. Дастурда шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги муқаддас қадамжоларга зиёрат

туризм йўналишида сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишларни фаоллаштириш кўзда тутилган эди. Бу борада ҳам, Хонободда қатор ишлар амалга оширилди.

2019 йил 16 май куни Президентимиз иккинчи бор Хонобод шаҳрига ташрифи чоғида “Хонобод шаҳрини Фарғона водийсининг туризм марказига айлантириш” тўғрисида топшириқ берган эди. Ушбу топшириқнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ равишда амалга оширилган ишлар қаторида шаҳарнинг қир-адирларида жойлашган “Хонтоғ”да кўплаб “Дала ҳовли уйлари” мажмуаси бунёд этилди. Сайёҳларнинг кенг маънодаги ҳафсизлигинини таъминлашга кафолат берадиган ушбу “Дала ҳовли уйлари”да яратилган имкониятлар ва уларда ташкил этилган хизматларидан ёзнинг жазирама иссиқ кунларида Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, ҳамда Қорақалпоғистон АР турли шаҳар ва туманларидан келган кўплаб сайёҳлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда.


Учинчи бор, 2024 йил 16 февралдаги ташрифи чоғида Президентимиз олдинги берган топшириқларининг амалга оширилаётганлиги ҳолати билан танишди ва Хонободнинг туристик салоҳиятини оширишга оид чора тадбирларни янада жадаллаштиришга доир қимматли тавсияларини берди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Хонобод шаҳрига 2017 йил 2 июндаги ташрифида Андижон вилоятини комплекс ривожлантириш дастурида Хонбод шаҳри бўйича берилган топшириқларнинг ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2017 йилдаги «2017-2019 йилларда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш» тўғрисидаги 557-сонли Фармойиши берилди[4]. Ушбу муҳим ҳужжат асосида, «Хонобод» сиҳатгоҳи «ГМ-ЎЗБЕКИСТАН» акциядорлик жамияти томонидан қурилиш ишлари якунланиб, 2018 йил 11 июнь куни фойдаланишга топширилди ва 10.07.2019 йилдан ўз фаолиятини бошлади.



Расмда. «Хонобод» санаториясига асосий кириш жойи.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган. Жумладан, 2018 йил 3 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт -шароитлар яратиш бўйича

қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли [6] ва 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 5611-сонли Фармонини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Фармонда, “2019 –2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилганлиги баён этилди[8].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги ПҚ 232-сонли қарори чикди. Ушбу Қарорнинг амалга оширилиши 2022 йил 1 июндан бошлаб, “ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида жамоа ташкилотларига иш берувчилар томонидан ходимлар учун йилига бир маротаба маҳаллий саёҳатга чиқиш имкониниятини яратиш қоидалари киритилди. Боз устига, эътиборга молик томони шундаки, саёҳат ҳаражатларининг бир қисми иш берувчиларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобидан қоплаб берилади. Қарорга биноан, унинг амалга оширилишини таъминлашда туризмнинг ҳар бир тури бўйича маълум вазирликлар, агентликлар, кўмиталар, жамғармалар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, жумладан, тиббий, соғломлаштириш туризм турлари бўйича – Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва “Нуроний” жамғармаси масъул этиб тайинланди. Ушбу Қарорнинг амалга оширилиши ва Ўзбекистонда Европа даражасидаги биринчи – Хонобод – Муйнак туристик магистралининг яқин икки йилда ишга туширилиши, ҳар икки шаҳарларда туризмнинг барча турларини янада ривожлантириш имконини бериши табиий[18]. Фикримизча, бу борада, Оролбўйи ва унинг атрофидаги ҳудудларда яшайдиган аҳолини этио-экологик-патогенетик принципларга асосланган ҳолда, даволаш ва соғломлаштириш амалиётини кенг миқёсда олиб бориш ва унинг самарали бўлишига умид қилса бўлади. Шунингдек, Ўзбекистонга учувчи лоукастерлар ва авиакомпаниялар сонининг кескин ошрилиши режалаштирилмоқда. Ушбу режанинг бажарилиши эса, Европанинг шимолида жойлашган давлатлар, Россиянинг шимолий ҳудудларида яшайдиган аҳолининг Ўзбекистонда, жумладан ёзда жуда исиб, қишда ўта совиб кетмайдиган Хонободнинг табиий-иқлим шароитларида даволаш ва соғломлаштириш имконини беради.

Юқорида баён этилган ҳолатлар Ўзбекистоннинг нафақат марказий, балки олис ҳудудларида жойлашган, Хонободда ҳам ички ва ташқи туризмнинг барча турларини, жумладан, тиббий-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмининг ривожлантириш масалаларида тизимли ёндашиш ва тизимли таҳлил принципларига асосланишни тақозо этади. Ушбу қонуниятли ҳолатдан келиб чиқиб, аввало Хонободда даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи[64,131,134], бунда Солижон Меҳмоновнинг роли ва ўрнини очиб берувчи маълумотлар билан чуқур ҳамда

атрофлича танишиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Солижон Меҳмонов орзу қилган, аммо амалга ошириб улгурмаган ишларни ундан кейин ушбу лавозимда ишлаган ҳокимлар Мусаев Максим Мамадалиевич – 1992-2004 йиллари, Абдирахимов Абдигофур Абдулхамидович – 2004-2010 йиллари, Алимов Шоядбек Махмудович – 2010-2017 йиллари ва Мамадалиев Мусахон Мўминжонович – 2017-2020 йиллари, рўёбга чиқаришга оид ишарни олиб боришда давом этишди. Жумладан, ўнлаб гектар янги боғлар, гулзор ва дарахтзорлар яратилди. XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигидан бошлаб, Хонободни водий туризмнинг ўчоғига айлантириш ва бунда даволаш-соғломлаштириш, рекреацион, зиёрат, экологик туризмни ривожлантириш, куннинг долзарб вазифалари қаторида қарала бошланди.

Бугунги кунда, Андижон вилоят ҳокими Абдурахманов Шухрат Қўшақбаевичнинг раҳбарлиги остида, Хонобод шаҳар ҳокими Машъалбек Тожибоевнинг ташкилотчилиги билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 4 – октябрдаги PQ-4477-сонли қарори[7] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199-сонли Фармонининг[19] ижросини таъминлашга оид ишлар шаҳар ва унинг яқин атрофида, кенг миқёсда, замон талабларига жавоб берадиган бунёдкорлик амалиёти жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Жумладан, Хонободда ҳам, “Яшил тараққиёт”га ўтиш учун “Яшил иқтисодиётга” ўтиш ва уни ривожлантиришга оид ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, иқтисодиёт нафақат самарали, балки адолатли бўлишини таъминлашга эътибор берилмоқда. Адолатлилик глобал ва мамлакат даражасидаги тенглик ўлчовларини тан олишни, хусусан, паст углеродли, ресурсларни тежайдиган ва ижтимоий жиҳатдан камраб олувчи иқтисодиётга адолатли ўтишга оид ишлар ташкил қилинмоқда. Маълумки, 2023 йил 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Юртимизда бу ҳаракат 2021 йили бошланган эди. 2023 йил ҳолатига 1 минг 200 гектардан ортиқ яшил боғ ва жамоат парклари, 1 миллиондан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилди. Умуман, жамиятда, дарахтларга нисбатан муносабат ўзгарди. Энди 25 октябрдан 1 декабргача “Кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди. Хонободда ҳам бу борада қир-адирликлар устида сайёҳларни мафтун этадиган боғлар, хиёбонлар яратиш ишлари изчиллик билан давом этмоқда.

Янги Ўзбекистонда “Яшил” туризм салоҳиятини ривожлантириш аҳолининг ушбу масалаларнинг мақсад, мазмун ва моҳиятини нақадар тушуниб етганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, бу борада аҳоли саводхонлигини

оширишга доир ишларнинг самарали бўлишига алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Натижада, Хонобод шароитида туризмда инновацияларни қўллаш имкониятлари, инновацион технологияларнинг моҳияти ва уларни жорий қилишда шарт-шароитларни яратишга доир ишларни амалга оширишда, вилоят ва шаҳар ҳокимчилиги нафақат хонободликларнинг, балки бутун вилоят аҳлининг фаол равишда қўллаб қувватлашларига таяниш имкониятига эга бўлишди.

Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Қўшақбаевич Абдурахманов ва Хонобод шаҳар ҳокими Машғал Тожибоевларнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида шаҳарда туризмнинг барча турларини, жумладан даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмни ривожлантиришга хизмат қиладиган, кенг қўламдаги яратувчилик ишлари, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашиш принциплари асосида амалга ошириш самарали давом этмоқда. Шаҳар ва унинг яқин атрофларида инсон сиҳат саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган бунёдкорлик ишларининг жадал ва самарали кечаётганлигининг асл сабабларидан бири – вилоят ва шаҳар ҳокимчилигининг нафақат тадбиркорлар ва бизнесменлар, балки аҳолининг барча ижтимоий қатламларидан билдирилган таклиф ва тавсияларни мумкин қадар амалга оширишга, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан чарчамасликларида, деб таърифласак ўринли бўлади. Шаҳарда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлашга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, туризм иқтисодиёт учун қўшимча ва туганмас манба. Мамлакатимизда бу соҳага кенг имкониятлар яратилаётгани натижасида туризмнинг барча турларини ривожлантириш жадал суръатларда олиб борилмоқда. 2023 йил 16-20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида илк бор жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 128 та мамлакатдан 1 мингдан зиёд иштирокчи, шу жумладан 79 нафар туризм вазири, 24 нафар вазир ўрибосарлари иштирок этишди. Бу тадбир мамлакатимиз туризм салоҳиятини кўрсатиш учун жуда катта имконият туғдирди. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари Қорақатоғистон Республикаси ва вилоятлардан соҳа вакиллари жалб қилиб, ҳар бир ҳудуднинг тарихи, табиати, маданияти, зиёратгоҳлари, овқатлари, сайёҳлик масканлари ва маршрутларини намойиш этиш, лойиҳалар таклиф қилиб, келишувларга эришиш зарурати туғилганлиги таъкидланди. Туристларни жалб қилиш бўйича яна бир катта йўналиш бу – маданий тадбирлардир.

ХОНОБОДДА ДУНЁ САДОЛАРИ ЯНГРАДИ


Дунёда тинчликни сақлашни таъминлашда, турли давлат халқларининг дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда ва ўзаро манфаатдорлик руҳида савдо-сотиқ ва бошқа ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, спорт ва туризм соҳасида ўзаро алоқаларнинг замон талаблари даражасида бўлиши

муҳим аҳамиятга эга. Бу борада маданий-марифий тадбирларнинг ўрни бекиёсдир. Мана икки йилдирки, Хонобод шаҳрида “Дунё садолари” халқаро фестивали ташкил этилиши юқори савияда амалга оширилмоқда. Дунёнинг турли ёшдаги мухлислари қалбидан жой олган севимли санъаткорларнинг халқ олдида жонли чиқишлари уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолиши табиий. Боз устига, бундай тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган Хонобод шаҳрида тайёргарлик кўриш жараёнида мумкин қадар кенг миқёсда, қатор маданий –маиший объектлар ва йўллар таъмирланди, янгилари қурилди, аҳолининг дунё қараши, сайёҳларга муносабати ўзгарди.



Расмда. Андижон вилоят ҳокими Ш.Қ. Абдурахманов Хонобод шаҳрида “Дунё садолари” халқаро фестивали иштирокчиларини табриклаш чоғи.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2024 йилда ташкил қилинган фестивалга таъширф буюрганлар сони 2023 йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайгани ва таркиби жиҳатдан хилма-хиллиги ошганлиги қайд этилди. Ўтказилган фестивалларнинг шарофати билан Хонобод янада ободонлашиб, ёшариб, янгиланиб қолгани кузатилди. Бутун шаҳар, бу ердаги барча туристик дестинациялар, ва айниқса «Хонобод» сихатгоҳи, Боғибаланддаги “Хон-дача”, оилавий меҳмонхона ва бошқа дам олиш, даволаш-соғломлаштириш масканлари сайёҳлар, жумладан “Дунё садолари” халқаро фестивали иштирокчилари хизматида бўлди.



Расмда. “Дунё садолари” халқаро фестивали иштирокчиларининг чиқишлари.

Бугунги кунда, Хонободнинг “**Кампирравот**” маҳалласида – “Маҳалла гузари”, 30 ўринга мўлжалланган табиий шифобахш восита – туз ғорида спелеотерапия даволаш амалиётини ўтказиш маркази, Андижон сув омбори олдида сайёҳлар учун марказ, 65 гектар ер майдонида сунъий кўл, бир вақтнинг ўзида 3000 намозхонга мўлжалланган масжид, спорт майдончалари ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш шахобчалари яратилиши давом этмоқда.

Хонобод шаҳри бугунги кунда нафақат бетакрор табиий-иклим шароитлари, балки бу ерда инсон ақл-идроки, ташабусси ва меҳнати билан яратилган ҳамда яратилаётган туристик ресурсларга бой масканга айланиб бормоқда. Шаҳар сарвқомат қайинзорлар, арчазорлар, каштанзорлар ва бошқа боғлар мажмуаси яратилганлиги билан ҳам эътиборлидир. Дов-дарахт ва гуллар таратаётган хушбўйликка бурканган истироҳат боғи, кўчаларнинг икки қирғоғида зилол сувлар оқиб туриши сайёҳларда бу ерда яшаётганларга ҳавас туйғуларини уйғотади. Шаҳарнинг йил 12 ойида узлуксиз ям-яшил бўлиб туриши, унинг ўртасида денгиз сатҳидан 850 метр баландликда жойлашган қир-адирлар ва у ердаги “Хонтахт” ва “Дўстлик” дам олиш мажмуалари ва “Хонабод” сихатгоҳининг рекреацион ва шифобахш имкониятлари ҳақидаги хушxabар нафақат Ўзбекистон республикасида, балки қўшни давлатларда ҳам маълум бўла бошлади. Канат йўли, тенникур зинопоялари, қир устида барпо этилган атиргуллар хиёбони, катта ҳудудда ястаниб ётган арчазорлар кўрки ва

улардан таралаётган хид дилларга ором бағишлайди. Баландлиги 115,5 метр, узунлиги 1020 метр, сув омборининг умумий майдони 55 кв.км. Сув сифими 1 млрд.950 м³. Сув омборида иккита 140 мегаваттлик ток ишлаб чиқарувчи ГЭС ишлаб турибди.

Тўғон (плотина) ортидаги “Андижон денгизи”и ва ундан оқиб чиқадиган Қорадарё, Шахрихон сойи, Андижон сойи, Савай канали, қир-адир ичидан туннел орқали қўшни республикага ўтказилган канал ва шаҳарнинг ичидан оқиб ўтадиган ариқлар сувлари шаҳар иқлимининг мулозимлигини таъминлаб туради. Қорадарё қирғоғида жойлашган “Афсона-1” ва “Афсона-2” оилавий дам олиш маскани, “Толзор” (“Тополино”)даги қўл ва кемпинглар мазмунли хордиқ чиқариш учун бекиёс маскан сифатида хизмат қилмоқда.

Уламо “Саййид Фозилмон Деҳлавий зиёратгоҳи” эрта баҳордан кеч кузга қадар сайёҳлар билан гавжум. Зиёратгоҳга келганлар кун бўйи вақтларини шу ерда ўтказишларини таъкидлашди. Ташриф буюраётганлар орасида юртимизнинг олис Қорақалпоғистон, Хоразм, Навоий вилоятларидан ва қўшни Қирғизистон Республикасидан келган зиёратчилар ҳам кўпчиликти ташкил қилмоқда. Сўнги йилларда Яқин ва Узоқ Шарқ ҳамда Европа давлатларидан ҳам туристлар ташрифи одатий ҳолга айланиб бормоқда.


Хонобод йил сайин янада кўркамлашиб, унинг кўриб роҳатланадиган ва маънавий озиқланадиган масканлари кўпайиб бормоқда. Зиёратчиларнинг фикрича, бугунги Хонободнинг эътиборга сазовор жойларини кўриб, улардан тўлақонли маънавий озиқланиш учун бир кунлик вақт етмайди. Шунинг учун ҳам “Саййид Фозилмон Деҳлавий зиёратгоҳи” ҳудудида шинам меҳмонхона, соғломлаштириш маркази ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини яратишни тезлатиш мақсадга мувофиқ. Юртимизнинг Хонободдан олисда жойлашган шаҳар ва қишлоқларидан, айниқса хорижий давлатлардан келадиган туристлар учун ушбу таклифнинг амалга оширилиши янада аҳамиятлироқдир.

Хонобод шаҳри ҳудуди ва унинг яқин атрофидаги табиий шарт-шароитлари билан боғлиқ имкониятлар бу ерда туризмнинг аксарият кўпчилик турларини, айниқса экотуризмни ривожлантириш мумкин эканлигидан далолат бериб турибди. Зеро, экотуризм инсонни табиий муҳит билан чамбарчас боғлайди, табиатга бўлган муҳаббат ҳиссини уйғотади ва тарбиялайди, уни муҳофаза этишга рағбатлантиради.

Хонобод шаҳри ва унинг яқин атрофидаги ҳудудларда жойлашган “Шўрбулоқ”, “Алчалибулоқ”, “Кўкбулоқ”, “Жаннатбулоқ” сувлари, қир-адир дараларининг икки жойидаги қизилқум уюумлари ва бошқалар шифобахш ҳамда соғломлаштирувчи хусусиятларини ўрганиш, улардан фойдаланишни йўлга қўйиш навбатдаги вазифалардан бўлиб турибди.

Саййид Фозилмон Дехлавий зиёратгоҳига зиёратчилар оқимининг йил сайин кучайиб бораётганлиги бу масканни туристик салоҳиятини оширишга оид йирик лойиҳалар яратиш ва инвестициялар олиб келишга асос бўла олади.

Айни пайтда, ислом илмининг жонкуяр тарғиботчиларидан бўлган Саййид Фозилмон Дехлавийнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳолисона баҳолашга имкон берадиган, илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар камлигича қолмоқда. Илм аҳлининг нафақат тириклигида, балки оламдан ўтганларидан кейин ҳам, асрлар оша элига нафи сезиларли даражада тегишида давом этишига ҳаётий намуна бўлиб турган ушбу инсоннинг ҳаёт йўлини, илмий изланишлари ва халқнинг маънавий бой бўлишига қўшган ҳолисона хизматларини ёритувчи тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



Расмда. Хонобод шаҳридаги йўлаклардан бири.

Хонобод, республикамизда ўзининг нисбатан катта бўлмаган ўлчамига эга шаҳар. Унинг ҳудудида “Андижон денгизи”и ва ундан оқиб чиқадиган Қорадарё, Шахрихон сойи, Андижон сойи, Савай канали, қир-адир ичидан туннел орқали қўшни Қирғизистон республикасига ўтказилган “Дўстлик” канали, иккита кўл, шаҳарнинг ичидан оқиб ўтадиган анҳор ва ариқчаларга бой ягона шаҳардир. Ушбу ҳолат ҳам шаҳар иқлимининг мулойимлигини таъминлаб турувчи муҳим омил бўлиб қолмоқда.



Расмда. Хонобод шаҳрида маданий маърифий тадбирлар ўтказиладиган марказ.

II-БОБ. СОЛИЖОН МЕҲМОНОВ – БУГУНГИ ХОНОБОД ШАҲРИ ВА УНДА ЯШИЛ ТУРИЗМ ПОЙДЕВОРИНИНГ АСОСЧИСИ.

Солижон Меҳмонов таваллуд топган Хонобод шаҳри шимолий-шарқ томондан Тянь-Шань, жанубий-ғарб томондан Помир тоғ тизмалари билан ўралган Фарғона водийсида, Ўзбекистон Республикаси Андижон вилоятининг энг шарқидаги табиатан гўзал гўшада жойлашган. Ушбу шаҳар ва унинг Фозилмон ота номи билан аталувчи маҳалласи тарихига доир кўплаб манбаларни ўрганган филолог – инглиз тили ўқитувчиси Аъзамжон Исмоиловнинг мақсадли ҳаракатлари туфайли аниқлашича, собиқ Иттифок давридаги Ўзбек совет энциклопедиясида куйидаги маълумотлар ёзилган.. “XIII асрда яшаб ўтган диний уламо, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустфо с.а.в. авлодларидан Саййид Фозилмон Деҳлавий ҳазратлари Аллоҳнинг иродаси ила муқаддас булоқ бўйини ўзига макон қилган. Инсонларни дину-диёнатга, ҳақиқатга, маърифатга чорлаган. Ўз кароматлари билан эл орасида азиз авлиёлик номини олган. Оламдан ўтгач шу жойда дафн қилинади”. Бугунги кунда Уламо умрининг сўнги манзили қарор топган ҳудудда унинг номи билан аталувчи “Сайид Фозилмон Деҳлавий зиёратгоҳи“ ўз фаолиятини давом этмокда[94].

...Асрлар кетидан асрлар ўтиб, 1924 йилнинг 14 октябрида Андижон вилоятидаги қир-адирликлар бағрида жойлашган Хонободнинг Саййид Фозилмон Деҳлавий номи билан аталувчи қишлоғда яна бир, умри эзгуликка интилиб яшаш руҳи билан йўғрилган фарзанд дунёга келди. Бу – она юрт равнақининг фидойиси, бугун кенг жаматчилик томонидан таваллудининг 100 йиллиги нишонлаётган бўлажак Солижон Меҳмонов эди.

2.1.1.СОЛИЖОН МЕҲМОНОВНИНГ БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИ

Отаси Меҳмонхўжа оддий деҳқон, онаси Хошияхоним, умрининг кундузларини дунёвий, узун тунларни эса, исломий илмларни мукаммал эгаллашга бағишлаган илмли-маърифатли аёл эди. Оилада икки фарзанд – бир қиз - Қаноатхон ва бир ўғил - Солижон бўлган. Болакайлар отасидан жуда эрта ёшдалик чоғида айрилишди. Шунинг учун ҳам улар рўзғор хуржунини елкаларига эрта олишди. Етим болалик уларни турмуш ташвишлари гирдобига эрта ташлади[31]. Атрофларидаги турли ният ва мақсадли одамлар хизматларида бўлишаркан, инсонларга маъқул келадиган гапларни топиб гапириш, ишларни бажариш сирларини ўрганиш азиятларини чекиш болакайлар тағдирида ҳам бор экан. Чидашди. Сабр қилишди. Ҳаёт сўқмоқларидан бораркан, Солижон ҳалоллик билан эзгулик йўлидан боришни ният қилди. Яхши инсонларга эргашди. Муҳими, одам фақат одамлар билангина, улар билан мулоқату-муносабатлардагина нафақат жисмонан, балки руҳан баркамол инсон бўлиб шаклланиши мумкинлигини ҳам эрта англаб етди. Шунинг учун, у одамларга, улардаги мавжуд бутун сийратлари билан, жамиятдаги қудратли куч сифатида қарашни, муҳим деб билди. Солижон ака, умр бўйи атрофидагиларга уларниг

миллати, эътиқоди, ёши, лавозимидан қатъий назар, ҳурматда ва меҳр-оқибатда бўлишининг бойиси ҳам ана шунда эди. Дарҳақиқат, у Хонободни кенг жамоатчилик, жумладан хорижий сайёҳлар томонидан, Ўзбекистоннинг Швейцарияси, деб таърифлашларига асос бўла олган шаҳар даражасига олиб чиқишда хонободликларнинг фидокарона меҳнатига таянганлиги ўша давр кишилариға маълум[31,50,64].

2.1.2 СОЛИЖОН МЕҲМОНОВНИНГ ЎРТА МАКТАБДА ЎҚИБ ЮРГАН КЕЗЛАРИ

Солижоннинг мактабда ўқиш билан бирга, ишлаб, оилада онасига рўзгор тебратишда ёрдам беришга мажбур бўлган даврга тўғри келди. У шунга қарамасдан, синфдагиларнинг олди бўлиб ўқишга ҳаракат қилар, ўртоқларига фанларни ўзлаштиришларида ёрдамини аямасди. Аввал синфком, кейинчалик мактаб бошланғич комсомол комитетининг секретари вазифаларини бажаришда юқори ташкилотчилик намуналарини мунтазам равишда кўрсата борганлиги учун район комсомол комитетининг фахрий ёрлиқларини олишга сазовор бўлган. Мактабни яхши баҳолар билан тамомлашига қарамасдан, олийгоҳларга ўқишга кириш фикридан узоқ эди. У учун ишлаб, оиласига ёрдам бериш ҳамма нарсадан муҳимроқ, асосий масала эканлигини бирон дақиқага ёдидан чиқармас эди.

2.1.3. Солижон Меҳмоновнинг жамоа хўжалиги ва давлат корхоналаридаги фаолиятининг бошланиши.

Солижон Меҳмонов таржимаи ҳолида ёзилишича меҳнат фаолиятини 1939 йили жамоа хўжалигида (колхозда) бошлаган. У ушбу жамоа хўжалигида 1941 йилгача ишлаган. Кейинчалик, Ўрта Осиё учун, салмоқли ўрин тутган “Таран дубитель” ишлаб чиқариш заводиға оддий ишчи бўлиб ўтиб кетади. У шу ердан иккинчи жаҳон урушиға кетади.

2.1.4. СОЛИЖОН МЕҲМОНОВ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРИШИ ҚАТНАШЧИСИ

Солижон заводға ишға кирганидан кўп ўтмасдан, уни она Ватан ҳимоясига – немис фашист босқинчиларига қарши курашиш олиб борилаётган урушға чақирилади. Умрининг тўрт йилини урушда ўтказади. Берлин остоналаригача бориб етади. Ушбу йўналишдаги жангларда яраланади. Аллоҳнинг мерибончилиги ва шифокорларнинг ёрдами билан ўлим чангалидан омон чиқиб кетади. Солижоннинг жанглардаги жасорати юқори баҳоланади. Солижон хизмат қилаётган қисм ҳарбий хизматни Курил оролларида ҳам давом этдиради. У бу жангларда ҳам ярадор бўлади, бир неча ой ўлим билан курашади. Солижон Меҳмоновнинг ҳарбий фаолияти билан боғлиқ ўтган умри

давлат томонидан муносиб тағдирланди. У қуйидаги ва бошқа орден ва медаллар соҳиби:



- 1941-1945 йиллари Улуғ Ватан урушида Германия устидан ғалаба учун ордени (1947 йил 25 март)
- Меҳнат Қизил байроқ ордени (1971 йил 5 апрель)
- Меҳнат Қизил байроқ ордени (1982 йил 14 апрель)
- Ҳурмат белгиси ордени (1965 йил 1 март)
- 1941-1945 йиллари Улуғ Ватан урушида ғалабанинг йигирма йиллиги юбилей медали (1965 йил 7 май)
- 1941-1945 йиллари Улуғ Ватан урушида ғалабанинг ўттиз йиллиги юбилей медали (1975 йил 25 апрель)
- 1941-1945 йиллари Улуғ Ватан урушида ғалабанинг қирқ йиллиги юбилей медали (1985 йил 8 май)

- 1941-1945 йиллари Улуғ Ватан урушида ғалабанинг эллик йиллиги юбилей медали (1995 йил 20 апрель)
- Ўзбекистон ССР ёшларига хизмат кўрсатган мураббий(1991 йил 11 март)
- Меҳнат ветерани медали (1986 йил 23 апрель)
- СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ (1967 йил 26 декабрь)
- СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ
- СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ)
- 1977 йил социалистик мусобақа ғолиби нишони (1978 йил)
- “Мустақиллик” эсталик нишони(1992 йил август)
- “ЖАСОРАТ” медали (1994 йил 6 май)
- “ШУҲРАТ” медали (2014 йил 25 август)
- Ва бошқалар

2.1.5. Солижон Меҳмоновнинг “Таран дубитель” ишлаб чиқариш бирлашмасидаги фаолияти, Хонободда даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмнинг шаклланиши.



Солижон Меҳмонов (1924 -1996)

2.1.5. Солижон Меҳмоновнинг “Таран дубитель” ишлаб чиқариш бирлашмасидаги фаолияти, Хонободда даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмнинг шаклланиши.

Солижон Меҳмонов урушдан қайтгач, меҳнат фаолиятини яна ўша у учун қадрдон бўлиб қолган “Таран дубитель” заводида давом эттиради, заводда аввал уста, кейин цех бошлиғи бўлиб ишлайди. Билимли, илмли бўлиш инсон ҳаётида муҳим рол ўйнашининг моҳиятини чуқур англаб етган Солижон, ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги институти иқтисодиёт факультетини сиртдан ўқиб, муваффақиятли тамомлайди.

Шамсиддин Исмоннинг (2007 й.) таъкидлашича, Солижон Меҳмонов “Таран дубитель” ишлаб чиқариш бирлашмасидаги фаолиятининг бошларида, ўқишда олган назарий билимларини бу ердаги амалиётга боғлаб, мураккаб ишларни анча такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Бу интилиш ҳаракатлари уни корхонадагилар орасида қобилиятли инсон сифатида тезгина танилишига сабаб бўлади ва уни янада масъулиятлироқ лавозимга – корхонанинг етакчи раҳбари даражасига кўтарилишига олиб келади. 1952 йили завод директори этиб тайинланади. Солижон Меҳмонов ушбу лавозимда 20 йил ишлайди. Омаджон Ўринбоевнинг таъкидлашича, ўша пайтларда унинг тadbиркорлиги, қолоқ заводни собиқ Иттифоқ даврида энг салмоқли саноат корхонаси қаторига олиб чиққан маҳаллий аҳолини иш билан банд этгани, аҳоли ўртасида таҳсинга сазовор эди. Заводнинг мўътадил ишлаши учун зарур бўлган хом – ашё – тарон ҳамда равоч (чукри) ўсимликлари илдизларини кавлаб олиш Тянь Шань тоғлари шароитида кечарди. Бунда ишчилар бир қатор тасодифий қийинчиликларга дуч келарди. Бир неча кун, ҳатто ойлаб тоғда қолиб, ишни ниҳоясига етказишга тўғри келарди. Ишлаб чиқаришда асосан керакли хом ашё – тарон ҳамда равоч (чукри) ўсимликлари илдизларидан олинади. Бу ўсимликлар илдизларининг қайта ишланган маҳсулотлари – “таннид” моддаси кукуни тери материалларига сингувчан хусусиятига эга. Қайта ишлаш жараёнида ундан саноат учун ва бошқа хилдаги материаллар, жумладан, чарм-териларни ошлаш ёки ранг беришда қўлланилади. Яна бир хусусияти – “таннид” моддасидан нефть маҳсулоти олиш, қудуқларни пармалашда (бурғулашда) ҳам ишлатилади. Кавланган таран ва чуқри ўсимликларининг илдизларини тоғли шароитда қўлда кўтариб, эшакларга ортиб, сўкмоқлар билан пастга тушириб, хирмонда қуришиб, вақтинчалик тоғ йўлларида автомашиналарига юклаб айлана йўллар билан 150-200 километр масофадан завод ҳудудига келтирилар ва бу хом ашё цехларда қайта ишланиб толқон кўринишида идишларга солиниб, Мудофаа вазирлигига қарашли терини қайта ишлаш фабрикаларига ўз вақтида етказиб борилар эди[131, 142].

Солижон ака Меҳмонов директор бўлгунига қадар бу корхонага бир неча раҳбар қўйилган бўлсада, улар маҳаллий шароитни унча яхши тушунмас ва шу сабабли ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришдан 2-3 йилдаёқ бош тортишар эди. Солижон ака ишни бошлаган кунданок хўжаликда тартиб интизом, тозалик

ва ишчиларга шарт-шароитлар яратишга интилди. Заводнинг салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда сувга зор бўлиб турган «Тошоҳур» адирлигининг ғарбий тепалиги, халқда «Хонтоғ» деб юритиладиган баландликка сув чиқариб у ерда завод ишчилари учун соғломлаштириш масканини қурдиришга киришди. Солижон аканинг бу ҳаракати барча ишчи ва маҳалла аҳлига ёққанидан ҳамма бир ёқадан «бош чиқариб» «Хонтоғ»ни ўзлаштиришни бошлашди. Тез орада насослар ўрнатилиб, сув чиқарилди. Сув турадиган ҳовуз, 50 ўринли шинам шифохона, ошхона, хўжалик бинолари ва бошқа керакли иншоотлар: кўприк, электр тармоғлари, артезиан сув қудуқлари қовланиб ишга туширилди. Ушбу шифо масканини янги соғилган сут, қатик билан таъминлаш учун молхона, 50 дона зотли сигир ва бузоқлар ҳам харид қилинди. Бу орада Солижон ака хизматларини кўролмайдиган айрим кимсалар туман ва вилоят партия кўмиталарига шикоят хатларини уюштира бошлади. Эмишки, «Меҳмонов эскиликни орзу қилиб хон ўтирган адирни «Хон тахтни» обод қилаяпти, сизлар қаерга қараб ўтирибсизлар» деб юқори ташкилотларга хатлар ёишади. Оллоҳга беадад шукроналаримиз бўлсинким, ўша даврдаги партияга раҳбарлик қилган инсонлар бундай разил гапларни эътиборга олмай, аксинча Солижон акани руҳан қўллаб-қувватлаб, адирликни ўзлаштириш бўйича маслаҳатларни аямадилар. Натижада қисқа давр ичида 60 гектарга яқин манзарали ва мевали дарахтлар экилган дам олиш маскани ишга тушиб, йилдан-йилга кенгайиб, ободонлаштирилиб бораверди. Солижон ака Меҳмоновнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаган Андижон сув омбори қурувчилари ҳам четда турмай «Боғи баланд» хиёбонини ва томоша чархпалагини қурилишини, бир километрдан ортиқ тепаликни шаҳар маркази билан боғловчи зинапоя ва ариқчалар, ҳар 30-40 метрда арғимчоқ курсилар ўрнатилган майдончалар, унинг ёнгинасида шовуллаб сув тушадиган ҳовузчалар барпо қилиб, йўлакнинг икки томонига манзарали дарахт, бута ва гуллар экишди, деб ёзади, Омаджон Ўринбоев маҳаллий матбуотда чоп этган мақоласида.



Расмда. С. Меҳмонов шаҳар кексалари ва мутахассислари билан Хонободнинг қир-адирларини ободонлаштириш масалаларини муҳокама қилишга йиғилишган.



Расмда. Солижон Меҳмонов ташклотчилиги ва бевосита иштироки билан қир-адирлар устида яратилган арчазорлар.



Расмда. Солижон Меҳмонов ташклотчилиги ва бевосита иштироки билан қир-адирлар устида яратилган ҳибонлар.




Расмда. Солижон Меҳмонов ташклотчилиги ва бевосита иштироки билан қир-адирлар устида яратилган арчазорлар қиш мавсумида.

2.1.6. Кампирравотда сув омборининг қурилиши ва Солижон Меҳмоновнинг шаҳарда олиб борган бунёдкорлик ишлари

2.1.6.1. Солижон Меҳмоновнинг Хонобод шаҳар ижрои қўмитаси раиси даврида Хонободда даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризм пойдеворининг мустаҳкамланиши...

Бугунги Хонобод ўртасида ётган адирликнинг шарқий-жанубий томонида жойлашган қисми Кампирравот номи билан аталади. Тарихий маълумотларга кўра, қадимда Помир ва Тянь-Шань тоғ тизмаларининг бир учи Кампирравот дарасининг жанубий томонига туташ бўлган. Қуёш ҳарорати кўтарилиб, тоғлардаги қор ва музликлар эриб, бутун водийга, жумладан, Кампирравот дараси томон оқиб кела бошлаган. Қорағулжа, Ясси, Қуршабсой деб аталувчи дарёлар кўп ўтмай, кенглиги 60 квадрат километрга тенг бўлган Кампирравот дарасини бутунлай сувга тўлдириб юборади. Табиатнинг ўзи яратган бу денгиз дарага сиғмай, тоғлар туташган жойнинг энг қуйи қисмидан (баландлиги 130 метр) оқиб туша бошлайди. Кучли тошқин бора-бора икки тоғ ўртасини ўпириб, қарийб бир чақирим кенгликда тоғлар ажралиб қолади. Тоғ бағрида жойлашган баъзи йирик қоя тошларгина оқимга бардош бериб, тўнкадек чўнқайган ҳолда омон қолган. Бу тошларга бўрон, сел, яшин ва қор каби табиий ҳодисалар асрлар давомида “ишлов” бериб уларни турли жониворлар ҳайкалига ўхшатиб қўйган. Кейинчалик улар ҳақида халқ орасида турли ривоятлар тўқилган. Булардан бири Кампиртош ҳақидаги ривоятдир. Ривоятга қараганда, қадимда тоғ бағрида она ва бола яшар экан. Ўғил ҳар куни кўза кўтариб, тоғ ортидан сув келтирар экан. Кунларнинг бирида, дарёдан сув олаётган пайтда катта тўлқин келиб, уни оқизиб кетади. Бечора она ўғлини кута-кута охир –оқибат тошга айланиб қолган экан. Тоғларни емириб оқаётган тошқин иккига бўлиниб, Қорадарё ва Шахрихонсойни вужудга келтиради. Манбаларда келтирилишича, айрим йилларда дарёдан минутига 2000 метр кубгача сув оқиб ўтган. Ёмғирли йилларда дарёдаги сув шу қадар кўп бўлганки, у қирғоқларни хоҳлаганича ювиб кетган. Шунинг учун ҳам бу атрофда деҳқончилик билан шуғулланиш имкони бўлмаган. Ёмғирли кунлар мавсуми ниҳоясига етгач, дарёда сув кескин камайиб кетиши, бу ҳол Фарғона водийси далаларида суғориш ишларининг изидан чиқишига олиб келар эди. Шунинг учун ҳам, ўтган асрнинг 30-йилларида дарё оқиб чиқадиган икки адир оралиғида тўғон қурилиб, унинг ортида катта сув омбори яратилиши режалаштирилади[134]. 1938 йил баҳорида Кампирравотда улкан республика миқёсидаги қурилиш бошланади. Москва, Санкт-Петербург шаҳарларидан келган муҳандислар техниканинг энг сўнги имкониятлари билан ишлай бошлайди. Қурилиш умумхалқ ҳашарига айланади. 1940 йилда 26 дарвозадан иборат темир-бетон тўғон тикланади.

Қорадарё ва Шаҳрихонсой ана шу пўлат тўғон дарвозалардан оқа бошлайди[142]. Маълумки, бугунги Хонобод шаҳар сифатида, ўтган асрнинг иккинчи ярмида яратилди. Қорадарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бу ерлар, тўқайзор, шағал қумлар уюмларидан иборат ташландиқ жойлар бўлган.



Расмда. “Кампирравот” сув омбори бунёдкорларига ўрнатилган монумент.

XX асрнинг 60- йилларига келиб, Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш бўйича яна етакчи ўринларга кўтарилди. Давлатга топшириладиган пахтанинг асосий қисми Республиканинг Фарғона водийсида жойлашган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари зиммасига юклатилган эди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш энг кўп сув талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Бу ҳол, ўз навбатида сув таъминоти билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб қилар эди. Ушбу муаммони ҳал қилиш билан боғлиқ равишда Хонободнинг Кампирравот ҳудудида баландлиги 115,5 метр, узунлиги 1020 метр бўлган тўғон (плотина) қурилиши режалаштирилиши давом этади. Ушбу сув иншооти, аввало, қатор шаҳар ва қишлоқларга сув, электр энергияси етказиб беришда самарали ишлай олиши, боз устига фавқулодда ҳодисалар келиб чиқишининг олдини олишни таъминлайдиган мукаммал лойиҳа асосида қурилганлиги билан, дунёнинг турли қитъаларида қад кўтарган тўғонлардан ажралиб туради. Тўғоннинг қурилишида, дунёнинг қатор давлатларидан, катта тажрибага эга мутахассислар ва қурувчилар иштирок этади. Ушбу улкан иншоот – “Андижон денгизи”ининг барпо этилиши натижасида, тўғон ортида кўп ҳажмдаги сув заҳирасини ҳосил қилиш имкони беради. Қорадарё, Шахрихонсой, Андижонсой, Савай канали, қир-адир ичидан тунел орқали кўшни республика –Қирғизистонга ўтказилган каналнинг суви ана ўша омбордан оқиб чиқади ва Фарғона водийсини оби ҳаёт билан таъминлашда асосий манба ҳисобланади. Иншоотини яратиш жараёнлари ва унинг иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар билан тўғон яқинида жойлашган махсус музейда танишиш мумкин.



Расмда. Кампирравот сув омборининг баландлиги 115,5 метр, узунлиги 1020 метрли тўғонининг олди томонидан кўриниши.



Расмда. Кампирравот сув омборининг баландлиги 115,5 метр, узунлиги 1020 метрли тўғонининг юқоридан кўриниши.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қурилиш лойиҳа сметаси Тошкентдаги “Средазгидровод-хлопок” лойиҳа институти томонидан тузилган лойиҳа билан боғлиқ бўлиб, янги шаҳар барпо этилишига асос солинади ва 1972 йилда бу шаҳарга Советобод (1992 йилда Хонобод) номи берилади. Шаҳарнинг шарқий-жанубий ҳудудида сув омбори барпо этишга доир қурилиш ишлари бошлаб юборилади[131,142]. Унинг қурилишида иштирок этиш учун бу ерга собиқ совет давлатининг қатор республикаларидан мутахассислар ва ишчилар вакиллари кўчиб келишади. Улкан тўғон қурилиши билан паралел равишда Хонободда шаҳарсозликка, унинг ҳар бир қарич ерини ободонлаштиришга эътибор кучайтирилади. Бу борада кўп йиллар давомида шаҳар ижрои кўмитасининг раиси лавозимида ишлаган, бугунги Хонободнинг шаҳар ичи, айниқса қир-адирларида мафтункор боғ-роғлар яратишда беқиёс фидойилик қилган Солижон Меҳмоновнинг ташаббускорлиги, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлиги муҳим рол ўйнаганлигини эътироф этиш лозим. Хонободда сарвқомат қайинзорлар, арчазорлар, каштанзорлар, оқ қайин, лола дарахти, магнолия, сафора, катальпа, рябина, дуб, мажнунтол ва бошқа камёб дарахтлардан иборат боғу-роғлар мажмуалари бунёд этилади.



Расмда. Кампирравот сув омборининг бошланиши.

Ҳар бир экилган дов-дарахт, гул кўчатлари Солижон Меҳмоновнинг бевосита ташкилотчилиги билан каттаю кичик хонободликларнинг нафақат назорати, балки эътибори ва парваришида бўлди. Шаҳарнинг ривожланишини эътиборга олган ҳолда, 1972 йилнинг 3 май куни Хонобод шаҳрига вилоятга бўйсинувчи шаҳар тоифаси берилди ва биринчи шаҳар ижроия комитетига раис этиб Меҳмонов Солижон Меҳмонович тайинланди. Солижон ака ижроия қўмита раислигига тавсия этилганда ўзининг оддий ишчидан то завод директориғача улуғлаган жамоасидан ажралиб қолганидан хафа бўлган бўлса ҳам, бир оздан кейин қатъият билан янги ташкил қилинган шаҳарнинг, шаҳар учун керакли бўлган барча инфратузилмаларни ташкил этишдек беқиёс хизматга киришди. Ўша даврда банк, ички ишлар бўлими, алоқа почтаси, халқ банки, маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш, транспорт, коммунал хизмат бўлимлари, авиакасса, маданият уйи, боғ ва сайилгоҳларнинг асосини яратишдек маъсулиятли ишлар турарди[64,134].

Солижон Меҳмонов шунинг учун ҳам тунлари билан ухламай чиқар, ёстиқ остидаги ён дафтарчаси ва ручкасини олиб эрта саҳардан то кечгача қиладиган ишларни тез-тез ёзиб, фикрига келган ишларни қандай ва ким орқали амалга ошириш кераклигигача пухта режа тузиб қўяр, тонг саҳарлаб соат 5.00 дан 6 гача аввалги қилинган ишларнинг натижасини кўриб чиқар, саҳарлаб ишга кетаётган кишилар билан учрашиб қолса, эринмасдан ҳол-аҳвол сўраб, иш жойида ва шаҳарда қандай ўзгаришлар бўлаётгани ва нима қилинса шаҳар аҳолисига қулайлик бўлиши тўғрисида таклиф ва мулоҳазаларни эшитиб, ўз режаларига керак бўлса ўзгартириш киритиб, қайси ишни аввал, қайси бирини

кейин бажариш кераклигини белгилаб олар ва роппа-роса соат 7:00 га ижроия комитет биноси остонасидан ўтар эди.



Расмда.Хонободда қиш. “Хонтоғ” устига ўрнатилган биринчи чархпалак.



Расмда. Қирғизистондан ташриф буюрган сайёҳ Абдурасул Солиев “Хонтоғ” устига ўрнатилган чархпалакдан Хонобод ва унинг атрофларини тамоша қилмоқда.



Расмда. С.Меҳмонов, О. Ўринбоев ва Мавлюд ака Самарқандда ободонлаштириш масалалари бўйича тажриба алмашилиш мақсадида.



Расмда. Шаҳарни ободонлаштиришда фаол иштирок этишни ўзларига одат билган Хонободдаги ҳар бир ташкилот, корхона ходимлари ва маҳалла аҳлининг бир гуруҳи шанбалик олдидан.

Шаҳар отасининг доимий бир вақтда ишга келишига одатланган фуқаролар раисни хурсанчилик билан кутиб олишар, Солижон ака улар билан дўстона сўрашиб, ҳар бирига алоҳида вақт ажратиб хонасида қабул қилар ва ҳузурида бўлган ишчидан тортиб то раҳбаргача қабулдан хурсанд бўлиб чехралари ёришиб чиқишар эди.

2.1.6.2. Хонобод шаҳрида халқ таълими тизимини ташкил этиш ва унинг ходимлари ҳамда ўқувчиларида табиатга меҳрли муносабатда бўлишни шакллантиришда Солижон Меҳмоновнинг роли ва ўрни.

1977 йилдан Хонобод шаҳар халқ таълими тизимида қариб барча лавозимларда ишлаб келган Тешабоев Абдурасулнинг фикрига қараганда, Солижон Меҳмонов янги ташкил этилган Хонобод шаҳрида халқ таълимини ташкил этиш энг долзарб масалалар сифатида кўндаланг турарди. Бу ерда нафақат мактаблар учун ўқув биноларини қуриш, уларни жиҳозлаш, балки ўқитувчилар билан таъминлаш ва бошқа энг мураккаб масалалар билан боғлиқ ҳар қандай муаммоларни ечишда доим фаолликни намоён қиларди. У таълим тарбиянинг жамиятдаги ўрни биринчи, роли бекиёс дерди. Айниқса иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга эътибор берарди. Солижон Меҳмонов нафақат вилоят ва республика миқёсида, балки мактабларимизда ўтказилган фан олимпиадалари ғолибларини ҳам табриклаб кетишга вақт топарди. У мактабларимиз ўқитувчилари билан учрашувларда ўқувчиларга қайси фандан дарс беришларингиздан қатъий назар, албатта уларда шу фан орқали табиатни севишга, уни асрашга бўлган билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришга, уни мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилишларининг нақадар муҳим эканлигини таъкидлар эди.



Расмда. С. Меҳмонов Хонободда янги мактаб қурилишида.



Расмда. 1979 йил. Шаҳарда қаттиқ қор ёғди. Аҳоли шанбаликда.



Расмда. С. Меҳмонов Намангандан Хонободга ободонлаштириш бўйича тажриба алмашишга келганлар мутахассислар билан.

2.1.6.3. Солижон Меҳмоновнинг сихат саломатлик ва соғлиқни сақлаш масалаларига муносабати

Она шаҳри Хонободнинг равнақи йўлида фидойи инсон, забардаст раҳбар Солижон Меҳмоновнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур, атрофлича ўрганар эканмиз, қонуниятли равишда саволлар туғилди. Хонободда олиб борилган бундай улуғвор ишларни амалга ошириш учун, оширганда ҳам бир ўзи эмас, атрофига кўплаб маслакдошларини жамлай билган, орқасидан юзлаб минглаб кишиларни эргаштира олган, уларнинг қалбларига она шаҳарларига меҳр-муҳаббат туйғулари билан яшаш, меҳнат қилишнинг аҳамияти беқиёс эканлигини сингдира олган Солижон ака Меҳмоновнинг сихат-саломатлиги қандай бўлган? У аҳолининг сихат-саломатлигини сақлаш ва уни ташкил этиш масалаларига қандай қараган? Ушбу саволлар билан унинг оила аъзолари, ўша даврларда Хонобод шаҳар касалхонасининг бош шифокори лавозимида ишлаган Комилов Муқумжон Комилович билан суҳбатларимиз аҳамиятга молик маълумотларни олиш имконини берди. Солижон ака Меҳмоновнинг фарзандлари Қаҳрамон, Светлана, Алишерлар таъкидлашларича, дадалари соғлик ва уни сақлаш масалаларида ўта жиддий ҳамда талабчан эди. У бизларга: “Соғлик, бу шундай нарсаки, инсон уни аксарият ҳолларда, фақат йўқотганида, ҳаётидаги энг зарур нарсасидан айрилиб қолганида сезади. Бироқ, баъзан кеч бўлган бўлади... Шунинг учун ҳам ана шундай ҳолларнинг олдини ёшлиқдан олишга ҳаракат қилишга одатланиш керак, деб уқтирар эди. Кичкиналимиздан кечқурун уйкуга ётишдан олдин албатта тишларимизни, оёқларимизни ювиб ётишимизни, эрталаб албатта нонушта қилиб, кейин мактабга кетишимизни назорат қилишга ҳам вақт топарди.

Солижон ака Меҳмонов гарчанд тиббиёт вакили бўлмасада, инсон соғлиги ва уни сақлашга доир масалаларда фикр дунёси кенг, тиббиёт соҳасида Хонобод шаҳри микёсида олиб бориладиган ишлар ҳам унинг назаридан четда қолмас эди,- деди биз билан суҳбатда, ўша даврларда Хонобод шаҳар касалхонасининг бош шифокори лавозимида ишлаган Комилов М.К.

Солижон аканинг фикрича, инсон соғлиги уни ўраб турган табиий иқлим шароитларига, одамлар яшаб турган ижтимоий-иқтисодий шарт шароитларга, уларнинг турмуш тарзи ва ҳар бир одамнинг ота боболаридан унга ўтган наслига, асабига боғлиқ. Шунинг учун ҳам одамлар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда мана шу уч гуруҳ омилларни соғломлаштиришга эътибор беришлари керак. Табиат, ўзининг кенг маънодаги сийрати билан инсон организмига таъсир қилади. Таъсирининг характери, икки хил бўлиши мумкин: - инсон сихат-саломатлигини сақлашга ва мустаҳкамлашга олиб келувчи таъсир; - инсон организмида касаллик келтириб чиқарувчи таъсир. Шунинг учун ҳам Солижон ака Хонобод шаҳрининг катта-ю кичик аҳлини шаҳарни ободонлаштиришга, бу ерга экиладиган дарахтлар касалликларга қарши табиий шифобахш хусусиятларга эга бўлишига эътибор беришларини таъкидлар эди. Бугунги кунда, Солижон аканинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан экилган, парваришланган турли хилдаги арча дарахтлари нафас йўлларининг сурункали

касалликларига шифо бўлмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, одамларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзи соғлиқ билан боғлиқ бўлган кўп нарсани ҳал қилишда асосий ва етаци аҳамиятга эга, деб таъкидлар эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакат бўйлаб, аҳолини ялпи диспансеризация қилиш чора-тадбирлари ўтказиш вазифаси қўйилган эди. Ушбу вазифани муваффақиятли бажарилиши аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши табиий эди. Шу боис, Солижон ака шифокорларни аҳолига ялпи диспансеризациянинг моҳиятини тушунтиришдан чарчамасликка чақирар эди. Муҳими, диспансеризация давомида касалликларни аниқлаб қўйишгина эмас, уларни албатта даволашни ҳам ташкил этиш кераклигини ва бунда беморнинг фаоллигини таъминлашга, ана шу фаолликка таяниш кераклигини уқтирар эди. Унинг фикрича, давлат аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳар қанча молиявий, ташкилий ишларни амалга оширмасин, агарда ҳар бир оила ва унинг аъзолари, ҳар бир корхонанинг ишчи ва хизматчилари ўзлари ҳаракат қилишмаса, жумладан соғлом турмуш тарзида яшашни йўлга қўйиша олмаса, бу борада яхши натижаларга эришиб бўлмайди. “Аҳолида касалликларнинг олдини олиш, даволаш масалаларида фаоллигини ошириш ва бу борада уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш”, - шифокорларнинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиб қолиши керак, - дерди. Солижон аканинг ўзлари мумкин қадар соғлом турмуш тарзи кечиришга ҳаракат қилар эди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, у соғлигининг ёмонлашганлигига шикоят қилганини эслай олмайман. Грипп ва шунга ўхшаш касалликлар оммавий тарқалган пайтларда ҳам касаллик Солижон акани четлаб ўтар эди. У ҳазиллашиб, касал бўлишга вақтим йўқ, ишдан бўшай олмаяпман, деб кўярди, эслади собиқ бош шифокор.

2.1.6.4. Солижон Меҳмонов ҳақида замондошларининг ёрқин хотиралари

Солижон Меҳмонов “Таран дубитель” ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори ва шаҳар ижрои қўмитасининг раиси лавозимида, у билан нафақат замондош, ҳамшаҳар қаторида, балки шаҳарни барпо этишда елкадош бўлиб ишлаган, яшаган давримиз ҳаётимизнинг энг бахтли даври бўлган деб эслайди, ўша пайтларда “Таран дубитель”да бирга ишлаган, кейинчалик Давлат суғуртасининг бошлиғи лавозимида фаолият юритган Аббосхон Дадахонов.

Солижон ака Меҳмонов учун шаҳарда тозалик ва тартибни сақлаш биринчи навбатдаги масала ҳисобланган. Чунки, Солижон ака атрофдаги кенг маънодаги тозалик ва тартиб-интизом, уларнинг таъминланиши соғлигимизнинг гарови эканлигини унитмаслигимиз керак, дер эди. Солижон ака шаҳарга раҳбар бўлиб турган йилларда, ушбу талаб ва унга риоя қилиш ҳамма учун лавозими, шаҳарнинг доимий яшовчисими ёки меҳмонми фарқи йўқ, тенг қўлланилган, деб хотиралайди ўша давларда ПМК-5 да мастер, кейинчалик прораб бўлиб ишлаган Давлатмирза Тожибоев.

Оилада ҳам, ишхонада ҳам, шу оила аъзолари, шу корхона ходимларининг катта ютуқларга эришиши уларнинг давлат томонидан

белгиланган қонун-қоидаларни яхши билиши, оилада ва корхонада ўрнатилган тартиб ва талабларга амал қилиши даражасига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак, - деб уқтирарди Солижон ака, эслайди СМУ-2-АГСда аввал прораб, кейинчалик бошлиқ бўлиб ишлаган Адаҳамжон Иброхимов.

Солижон ака Меҳмонов ишда ўта талабчан ва ҳаётда ўта камтарин, атрофдагиларга уларнинг ёши, лавозимидан қатъий назар меҳрибонлик билан муомалада бўларди, деб эслайди кўп йиллар давомида эксковаторчи бўлиб ишлаган Тошматов Тохиржон.


“ Солижон ака Меҳмонов иш-ташвишлари кўп бўлишига қарамасдан, мунтазам равишда шаҳардаги барча қабристонларни айланиб, уларнинг ҳолатини назорат қилишга ҳам вақт топар эди. Толиб , бу ерда қилаётган меҳнатларингдан фахрланиб яша, қабристоннинг ободонлаштирилишига эътиборингни ҳеч ҳам сусайтirma. Умримизнинг охирги манзили мана шу ерда ... , қабристонларни ҳар қандай парклардан кўркамоқ қилиб қўйишимиз керак, - дерди у қабрлардан нигоҳини олмай,- эслайди Умаров Толибжон шаҳардаги қабристон ходими.

Солижон ака билан “Таран дубитель” заводида бирга ишлаган ҳамқишлоғи, 1906 йилда туғилган ва Хонтахтни боққа айлантиришда бевосита қатнашиб, дархтларни кўкартиришда иштирок этган Мавлонов Содиқжон тоғанинг невараси Тешабоев Асадуллонинг хотирлашича, бобоси адирликда биринчи бўлиб чойхона очган, заводга тоғлардан таран ташиган ҳайдовчи Юлчиев Ахмадали тоғадан кейинги иккинчи чойхоначи бўлганлигини ва биринчи саёҳатчиларни қабул қилиб, уларга маданиятли хизмат кўрсатгани учун Солжон аканинг доимо иззатида бўлганини эсга олади.

Шаҳарда ўтказиладиган байрам кунлари шаҳар аҳолисидан ташқари, теварак атрофдаги Фарғона, Андижон, Ўш, Ўзган, Жалолобод шаҳарларидан меҳмонлар ёғилиб келар эди. Майдонда ва шаҳар тартиб интизомини сақлаш учун Ички ишлар бўлими томонидан шахсий таркиб сафланганда жамоат тартибини сақлаш бўйича Солижон аканинг ўзи алоҳида йўриқнома берар ва чап қўлига боғич бойлаб, икки ёнига салобатли милиция ходимларини олиб, шахдам қадамлар билан аҳоли ўртасидан юриб тартиб сақланишини назоратга олар, уларнинг гоҳ у, гоҳ бу жойларда кўринишларидан ҳаттоки, маст-аластлар ҳам ўз-ўзидан тартибга тушиб қоларди. Натижада жамоат тартибини сақлашда ноҳуш ҳолатлар юз бермас эди, деб хотирлайди заҳирадаги милиция майори Каримов Козимжон Қобулович.

Солижон аканинг хизмат машинасини ҳайдовчиси Қодиров Маъмиржон шундай хотирлайди, - Солижон аканинг ғайрати кўплигидан бирор жойга борадиган бўлсак ёки берилган топшириқлар ижросининг натижасини кўргани борганда, ҳали машина тўхтаб улгурмасдан эшикни очиб тушмоқчи бўлганида, мен зўрға улгуриб кўлидан ушлаб қолган ҳоллар ҳам бўлган. Вилоятга мажлисга ёки йиғилишларга бориб қоладиган бўлсак, мажлис тугаши билан тушлик ҳам қилмай тезда Хонободга қайтиб, эрталабки топшириқларнинг

бажарилишини кўришга ошиқар эди. Мен Солижон ака билан ишлаган давримни хотирлар эканман, шахримизнинг ободонлашиши йўлида амалга оширилган энг мазмунли воқеаларнинг гувоҳи бўлганимдан фахрланаман!



Расмда. Қаҳрамонлар ҳиёбонига олиб чиқувчи зинапояларнинг бошланиши.

Солижон акани таниган, билган, у киши билан бирга ишлаган, унинг раҳбарлигида яратилаётган шаҳарда яшаган ҳар бир инсон у ҳақида нафақат яхши фикрлар айтиши, балки у киши ҳаққига бир умр дуолар қилиб юриши табиий. Чунки, Солижон ака Меҳмонов шаҳарнинг катта-ю кичиги, айниқса,

ўша даврда, биз мактаб ўқувчиларининг қалбида ҳар бир экилган кўчат, ҳар бир дарахтга меҳр билан қараш, уларни асраш туйғуларини уйғота олган инсон эди. Мана бугунги кунда, ўшанда биз эккан кўчатлар осмонўпар дарахтларга айланишган. Уларнинг сояси-ю, кўркидан ҳаммамиз, айниқса шаҳримиз меҳмонлари баҳраманд бўлишмоқда,-деб эслайди, Ғофуржон Содиков.



Расмда. Солижон Меҳмонов Сочида.



Расмда. Расмда. Марказий Осиёда биринчи осма канат йўли Хонободда, 1977 йилга ишга туширилди.

1977 йилга келиб, Солижон аканинг тадбиркорлиги ва муомала маданиятининг юксаклиги туфайли, Москвадаги Иттифоқ вазирликларида ишлайдиган дўстлари, жумладан Левин Анатолий Абрамович ёрдамида Марказий Осиёда биринчи осма канат йўли Хонободда ишга туширилди. Ушбу 1 километрлик осма канат йўли Боғи баланд дам олиш масканининг энг тепаси билан шаҳар марказини боғлайди.



Расмда. С. Меҳмонов Қримда олим Левин Антон Абрамович билан учрашув пайти, 1979 йил.

Йилдан йилга шаҳарга теварак-атроф, шаҳар ва туманлардан, вилоятлардан, қўшни республикалардан дам олгани келувчилар сони тобора ортиб, Хонобод шаҳрининг нуфузи нафақат Фарғона водийси, балки Республика ва қўшни давлатлар миқёсида ҳам орта борди.

Андижон сув омбори қурилишида иштирок этган минглаб собиқ иттифокнинг барча шаҳарларидан келган турли 68 миллатга мансуб қурувчи ёшлар учун шаҳарда шароит яратиш бошланди. У вақтда шаҳар ижроия комитети барча ҳаётий масалалар яъни: газ, сув, хонадонларни иссиқ сув билан иситиш манбаи, озиқ-овқат, уй-жой билан таъминлаш, ободонлаштириш

ишлари, ҳаттоки енгил машина сотилиши ҳам фақат «Андижон сув қурилиши» бошқармаси раҳбари, тўғон қурилиши дирекцияси орқали амалга оширилар эди. Тўғон қурилишини молиялаштиришда асосий тўғон қурилишидан ташқари, қолган ижтимоий, коммунал, маданий марифий ва кўзда тутилмаган ҳаражатлар ҳам қурилишнинг умумий қимматига ва материал ресурсларига киритилган бўлса ҳам, унинг орқасидан қувиб ижрогача айлантириш ўта муаммоли эди.

Солижон ака бош пудратчи ташкилот «Андижон сув қурилиши» бошқармаси раҳбари Медведев Виктор Данилович, тўғон қурилиши бирлашган, дарекциясининг бошлиғи Юнусов Максуд Собировичлар билан бамаслаҳат, йил бошида тўпланиб, келишув баённомалари тузиб олиб шаҳардаги энг зарур объектлар: болалар боғчаси, мактаб, саноат техникуми, 2 та касб-ҳунар билим юрти, Алоқа уйи, Банк биноси, маиший хизмат, жамғарма банки, клуб, турар жой бинолари, муҳандислик иншоотлари қурилишини амалга оширишни асосий мақсад қилиб, ободонлаштиришга кўкаламзорлаштиришга жуда катта эътибор берар эди. Натижада шаҳарнинг А. Навоий истироҳат боғи, «Боғи баланд»да дам олиш масканлари барпо этилди. Шаҳар истироҳат боғи болалар учун зарур бўлган аттракцион ўйингоҳлари билан тўлдирилди. Боғ ҳудудига Тошкентдаги Фанлар Академиясининг Ботаника институтидан турли хил ноёб манзарали дарахт ва буталар, гуллар олиб келиниб, экила бошланди.

Қишин-ёзин ям-яшил бўлиб турадиган шаҳар яратишни мақсад қилиб қўйган Солижон Меҳмоновнинг ташкилотчилиги ва бевосита иштирокида олиб борилаётган ишларга Ош вилояти раҳбарияти ва Олой тумани аҳолиси, Қирғизистон Республикасининг Олой тоғ тизмаларида ўсаётган арча, қайин ва бошқа дархтлардан машиналарга солиб, Хонободга юборилади.

Солижон ака Меҳмонов ажойиб хусусиятларга эга инсон эди. Собик иттифокнинг қаерига дам олгани борса, ўша ердаги энг ноёб дарахт ёки буталарнинг кўчатини ёки уруғини олиб келар, Хонобод шароитига мослаб экишга ҳаракат килар эди. Шу жумладан, Рябина дарахти Украина ва шимолий Кавказ шароитида ўсишга мосланган бўлишига қарамай, қанчалар узок бўлмасин, Киев шаҳри учун манзарали дарахтлар етказиб берувчи хўжаликдан 1200 дона Рябина дарахти кўчатини самолётда олиб келиб, шаҳарнинг марказий кўчалари ва боғларига эктирди. Тянь Шань, Олой тоғларида ўсувчи арчалардан ўн минглаб олиб келиниб, йўлакчалар ва катта йўлларнинг икки четига ҳошия каби эктирди. Энг ажойиби шу эдики, Хонобод шаҳри кўчаларида писта чақилмаслиги, сигарета чекилмаслиги, гул узилмаслиги, йўловчи такси ва автобусларнинг белгиланган бекатларда тўхташи каби тартибга амал қилиши ҳақидаги хабар бутун водийдаги шаҳар ва қишлоқларга етиб борди. Натижада, шаҳар кўчаларида юрувчилар автобекатдан шаҳарга тушувчилар, аввало чўнтакларини пистадан тозалаб, кейин шаҳарга келадиган бўлишди. Энг

ажабланарлиси шуки, Солижон ака Меҳмонов қайд қилинган тадбирларни амалга ошириш учун давлатдан алоҳида маблағ талаб қилмади. Аксинча, шаҳардаги қурилиш, автотранспорт ташкилотларига, Андижон кабел ишлаб чиқариш бирлашмаси, сув тўғони қурилиши дирекцияси, «Таран дубитель» корхонасининг ишчилари ва раҳбариятининг беминнат ёрдамларига таянди. Тўғон қурилиши якунланиши сари, Солижон аканинг фикри ёди қурилишда иштирок этаётган мингдан ортиқ турли ихтисосликлари бўйича юқори малакали ишчи ва мутахассисларни шаҳарда олиб қолиш иштиёқида бўлди. Натижада 1979 йилга келиб, шаҳарга Тошкентдан «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали очилди, у ривожланиб 800 га яқин эркак ва аёлларни иш билан таъминлайдиган «Герметик» номи билан алоҳида заводга айлантирилди. 1980 йилга келиб шаҳарнинг «Фозилмон ота» тарафига улкан «Андижон кабель» заводи, алоҳида йўловчи ва юк ташийдиган автопарк қурилиши бошланиб кетди. Ҳеч қанча ўтмай завод маҳсулот ишлаб чиқариб, фаолият кўрсата бошлади. Шаҳарнинг уй-жой коммунал ривожланишлари янги завод Андижон кабел орқали амалга оширилиб, юзлаб уй жой, жамоат бинолари қурилди Бу даврга келиб «Андижон кабель» заводининг директори Одилов Ёрқин Қодирович шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий ривож топишида Солижон акага жуда катта ёрдамлар кўрсатди. Энди Хонобод шаҳри нафакат ўзининг кўркем ва ноёб дарахти ҳамда шинам боғлари билан, балки ишлаб чиқариш маҳсулотларининг сифати билан ҳам Республикамизда танила бошлади Бу ишларни рўёбга чиқаришда Солижон аканинг беқиёс хизматлари, тадбиркорлиги, келажакни ўйлаб иш тутишлари, шаҳрининг гуллаб яшнашига умид ва ишонч сари фидойилиги, жасорати, шиддати ётса, шу билан бирга унинг бу хайрли ишларида умр йўлдоши ҳурматли Валерия Андреевнанинг ҳамнафаслиги, ҳамжиҳатлиги, садоқатлилиги, Хонобод халқининг фидойилиги маҳсули ётади, деб фикр билдирсак ўринли бўлади. Ватани, юрти, халқининг келажаги учун фидокорона меҳнат қилган инсонларни ҳам истиклол йўлида фидойилар дейишга ҳақлидурмиз. Чунки, бундай инсонлар халқ орасида униб ўсиб, вояга етиб ўзларининг намунали умрлари давомида халқ учун арзирли ва кўзга ташланарли ишларни яратиб кетадилар. Жумладан, Республика раҳбари Шароф Рашидов, Андижон вилояти биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Ашур Хайдаров, Бектош Раҳимов, Солижон Мамарасулов, Хонобод шаҳар ижрокоми раиси бўлиб ишлаган Солижон Меҳмонов ҳам, замондошларимиз қалбининг энг тўридан жой олганининг боиси ҳам шундан бўлса керак. Бу инсонларнинг юксак маънавияти, юртига бўлган чексиз садоқатларини таърифлашга тил ожиз, - дейди Омаджон Ўринбоев суҳбатимиз якунида.

Умрининг барча даврларида ҳаётга, яратувчанликка чанқоқ, доимо эл-юрт хизматида бўлган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, жанговор ва меҳнат орденлари соҳиби Солижон Меҳмонов 1996 йил 26 августда, 72 ёшида оламдан ўтди (Охиратлари обод бўлсин).

III-бoб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ХОНО- БОДДА ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, РЕКРЕА- ЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

3.1. Даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмнинг ривожланиши.

Хонобод шаҳри Ўзбекистоннинг энг шарқий сарҳадлари ўтган худуди жойлашганлиги ушбу шаҳар ҳаётининг демографик, ижтимоий-иқтисодий томонлари нисбатан ўзгача бўлишига сабаб бўлиши табиий. Собиқ Совет Иттифоқи тугатилиши билан, мустақилликка эришилган давлатлар биринчи новбатда ўзларининг чегараларини белгилаш ва мустаҳкамлаш ишларига эътиборларини қаратдилар. Ушбу ҳол Марказий Осиё давлатлари учун осон кечмади. Маълумки, бу худудда жойлашган республикаларнинг чегаралари шундай белгилаган эдики, бир республиканинг худуди қўшни республика худудининг каттагина майдонига кириб борарди. Бунда, масалан Бухорода яшайдиган фуқаро темир йўл ёки автотранспортда Андижонда яшайдиган қариндошиникига бориши учун Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари ичидан ўтиб боришига тўғри келар эди. Мустақил давлатлар ажралиб олганларидан кейин, фуқаролар чегаралардан ўтишда қийинчиликларга ва қатор муаммоларга дуч кела бошладилар. Шундай ҳолатлар бўлганки, Ўзбекистон фуқаролари поездда Андижонга келаётганда Тожикистон ичида, ёзнинг жазирама иссиқ кунда 6-8 соат бир жойда сабабсиз ушлаб турилган. Албатта, бундай қийинчиликлар шароитида ташқи туризм эмас, ички туризмнинг ривожланиши ҳақида ҳам фикр юритиш қийин. Хонобод шаҳрига, илгари Қирғизистон Республикасининг Жалолобод ва Ош вилоятларининг фуқаролари келишиб, ушбу шаҳарнинг бетакрор табиий неъматларидан баҳраманд бўлиб кетишарди. Чегаралардан ўтиш қийинлашиб ёки чегаралар бутунлай ёпиб қўйилган даврларда сайёҳларнинг қатнови кескин камайиб кетиши кузатилди.

Ўзбекистон аҳолисини юқорида кўрсатиб ўтилганидек, қийинчиликлардан фориқ қилиш, ва ички туризм барқарорлигини таъминлаш мақсадида, мамлакатимизда улкан Қамчин давонидан ўтадиган темир йўл ва автомобил йўл магистрали ва тунеллар қурилиши бошланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда Хонободга нафақат ташқи туризм, балки ички туризм ҳам кескин камайиб кетди. Чунки, Хонобод шаҳрига масалан Фарғонадан келаётган сайёҳлар, йўлда ўрнатилган, уч жойда текширув постларидан ўтишлари ва албатта махсус журналда шахсиятига оид маълумотлар қайд қилинар эди. Хонободни тамоша қилиш ниятида келаётган сайёҳлар ким ва қаердан бўлишига қарамасдан, ёнида паспорти бўлмаса, албатта шаҳарга киритилмас ва қайтариб юборилар эди.


Бу даврда, Хонободда шаҳарнинг туристик жозибадорлигини оширувчи ишлар деярли амалга оширилмади. Шаҳарнинг кекса ёшдаги кишилари билан суҳбатларимиз чоғида улар аксинча, шаҳардаги кўпгина дарахтлар кесиб кетилишига йўл қўйилганлигини, стадион ташландиқ ҳолга келиб қолганлигини, парк ва алеялардаги дарахтлар қаровсиз қолганлиги сабабли айрим дархтлар қуриб, йўқ бўлиб кета бошлаганини айтиб ўтишди. Шаҳарнинг

тозалигига эътибор сусайганлиги туфайли, жойларда ахлат уюумлари вақтида олиб кетилмаслик одатий ҳолга айланиб борди. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳолини иссиқ сув билан марказлаштирилган ҳолда таъминлаш ишлари изидан чиқди. Шаҳардаги иккита катта сув иситгичлар иши тўхтатилиб, хонадонларга иссиқ сув узатиладиган турбалар араланиб, бўлак-бўлак қилиниб қаергадир олиб кетилди. Хонобод шаҳар аҳолисининг кўп қаватли уйларда яшайдиган қисмини газ билан таъминланиши ёмонлашди.

Бу даврда, шаҳар ва унинг яқин атрофларида янги туристик ёки рекреацион масканлар яратилмади. Меҳмонхоналар фаолияти тўхтаб қолди. Хонтоғда, бошланган, сиҳатгоҳдаги қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Шаҳарнинг ўртасини эгаллаб турган қир- адирликларда одатдагидай ҳар йили экиладиган дарахт кўчатлари, экилганидан сўнг қаровсиз қолганлиги туфайли ёзнинг охирига бориб қуриб қолиш ҳоллари кузатила бошлади.

Хонободнинг шарқий ҳудудида жойлашган Кампиробод сув омбори – Андижон денгизи ва унинг мамлакатимизда нафақат экологик ҳолатини яхшилашда, балки асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнай олиш салоҳиятига эга эканлигини таъкидлаш ўринли. Айни пайтда, ушбу – нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда сув иншоатлари қурилишининг махсус лойиҳаси ва технологияси асосида яратилган Кампиробод сув омбори ва унинг бунёдкорлари ҳақидаги қимматли маълумотлар манбаи – музей фаолияти ноаниқ сабабларга кўра тўхтаб қолганлиги сайёҳларни беихтиёр ўйлантиради. Дарҳақиқат, бугунги кунда Хонободга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ Кампиробод сув омборининг осмонўпар тўғонига яқинроқ боришга ҳаракат қиларкан, шундай улкан иншоатнинг яратувчиларига нафақат таҳсинлар айтишлари, балки уни қурган инсонлар ҳақида оз бўлсада маълумотлар олишга эҳтиёжлари катта эканлиги, аммо бунинг иложи йўқлиги кўрсатиб ўтиш ўринли.





Расмда. Абдулхай Кенжаевнинг уйида музейида сақланаётган араба ғилдираги, музыка асбоби (баян) ва шоли туйгич (ўғир) .

Бу даврда, Хонобод шаҳрида, унинг тарихига оид моддий, тасвирий, мақола ва китоблар кўринишидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштира олган музейлар яратилмади.



Расмда. Абдулхай Кенжаевнинг уйида музейида сақланаётган турли даврларга оид буюумлар.



Расмда. Абдулхай Кенжаевнинг уйида музейида сақланаётган турли даврларга оид буюумлар.

Фақат, Меҳмонобод МФЙ да истиқомат қилаётган Абдулхай Кенжаевнинг ташаббуси билан, унинг уйида музей ташкил қилинди. Унда Хонобод шаҳар



Расмда. Абдулхай Кенжаевнинг уй музейида сақланаётган Хонобод бунёдкорларининг расмлари .

Хидирша худудидан топилган археологик аҳамиятга молик буюумлар, ҳамда Солижон Меҳмоновнинг бунёдкорлик ишларида елкадош бўлган шаҳарликлар, айниқса Хонободда даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмни шакллантириш ва ривожлантиришнинг яшил пойдеворини яратишда роли ва ўрнини акс этдирувчи материаллар ҳам ўрин олганлиги эътиборга лойиқ.

3.2. Зиёрат туризмнинг ривожланиши.

3.2.1. «Сайид Фозилмон Деҳлавий» зиёратгоҳи

Мустақиллик йилларида Хонободда амалга оширилган, кўзга кўринарли ишнинг натижаси сифатида уламо Сайид Фозилмон Деҳлавий қабри устига мақбаранинг куриб битказилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу гал, уламанинг қабри устидаги ислом олами меъморчилиги асосида, баланд гумбазли мақбаранинг, 1994 йил, куриб битирилишида шаҳар кексаларининг, жумладан Гофурали ота Обидов, Ахмадали ота Йўлчиев, Исмоилжон ака Шокиров, ва Фозилмон ота номи билан аталувчи маҳаллада туғилган Маманосир ота Матқосимов, Солижон Меҳмонов ва бошқаларнинг таклифлари, “Андижон кабель” ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ёрқинбек Қодировнинг ташаббуси ва ҳомийлиги муҳим роль ўйнаган. Бу ерда шунингдек, улар томонидан, узоқ яқиндан келаётган беморларнинг дардларига шифо бўлаётган булоқ сувининг ифлосланмаслигини таъминлайдиган санитария-ҳимоя курилмаси яратилди. Сайид Фозилмон Деҳлавийнинг шахсиятига оид маълумотларни тўплашда филолог – инглиз тили ўқитувчиси Аъзамжон Исмоиловнинг мақсадли ҳаракатлари самарали бўлди. У мавзуга доир кўплаб манбааларни ўрганар экан, собиқ Иттифок давридаги Ўзбек совет энциклопедиясида келтирилган қуйидаги маълумотларни топади. “XIII-асрда яшаб ўтган диний уламо, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо С.А.В. авлодларидан Сайид Фозилмон Деҳлавий ҳазратлари Аллоҳнинг иродаси ила муқаддас булоқ бўйини ўзига макон қилган. Инсонларни дину-диёнатга, ҳақиқатга, маърифатга чорлаган. Ўз кароматлари билан эл орасида азиз авлиёлик номини олган. Оламдан ўтгач шу жойда дафн қилинади”[94].

3.2.2. «Биби Сешанба» зиёратгоҳи. Вилоят ҳокими лавозимида ишлаб турган Обидов Қ.Ғ ташаббуси билан Хонободнинг яқин атроф ҳудудларидан бири – Сайлгоҳда, «Биби Сешанба» зиёратгоҳи қурилиши якунланди ва сайёҳлар эътиборига туша бошлади.

IV-боб. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ДАВРИ – ХОНОБОД ВА УНИНГ ЯҚИН АТРОФЛАРИДА ДАВОЛАШ-СОҒЛОМ- ЛАШТИРИШ, РЕКРЕАЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНИШИДА ЯНГИ БОСҚИЧ.

4.1. Хонободда даволаш-соғломлаштириш туризми ривожланиши янги босқичда.

4.1.1. «Хонобод санаторияси» – республиканинг олис ҳудудларида аҳолига сифатли санатория-курорт ҳизматини кўрсатувчи замонавий маскан.

Маълумки, 1986 йили Андижон шаҳрида “Ландшафт архитектураси” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади. Анжуманда қатнашган етакчи олим, архитектура фанлари доктори Л.Соколова Хонободнинг манзарасини кузатаркан: “Фақат дунёнинг энг гўзал мамлакатлари манзарасига Хонободни қиёслаш мумкин, - деб баҳо берган эди.

Сайёҳлардан бири бўлмиш италиялик меҳмон жаноб Энрикио Хонободни айланиб, кўргандан унинг мафтункор ва гўзаллигига қойил қолиб, шундай деган эди: - Бу шаҳардаги ҳар бир гул ва дарахтлар дид билан экилганлигини ва бу шаҳарни Ўзбекистоннинг Швейцарияси дегим келди, - деган эди.

Буюк Британиялик давлат арбоби Майкл Девид шаҳарнинг тароватига, гўзаллигига ва ундаги гулу дарахтларнинг ноёб ҳилларини парваришланаётганлигини кўриб: “Нахотки, шу нарсалар маблағ ажратилмасдан халқ ҳашари эвазига барпо этилганига ақл бовар қилмайди”, - деб ҳайратланган эди[131].

Фикримизча, Шамсиддин Исмоннинг (2007й.) юқорида келтирилган, хорижий давлатлардан ташриф буюрган давлат арбоблари ва олимларнинг Хонобод ҳақидаги самимий мулоҳазалари, ҳар биримизда шундай шаҳардаги мавжуд неъматлардан баҳраманд бўлаётганлигимиз учун Яратганга шукроналаримизни айтишга шайланишимиз табиий. Шу билан бирга, Хонободнинг туристик жозибадорлиги ва салоҳиятини янада оширишда бизнинг ўрнимиз ва миссиямиз нимадан иборат бўлиши керак деган саволлар туғилади. Қуйида ана шулар, жумладан Хонободда даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш ва шу орқали ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бунёдкорларининг соғлиғини шакллантириш, сақлаш ва мустаҳкамлашда баҳоли қудрат салмоғини қўшишни таъминлайдиган чоратadbирлар мажмуасини яратиш, ҳақида гап кетади.

Янги Ўзбекистон тараққиёти даври – Хонобод ва унинг яқин атрофларида даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризми ривожланишида янги босқич сифатида тавфсифласак ва бу босқичнинг асосчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев эканлигини

алоҳида таъкидласак, ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Зеро, ушбу давр юртбошимизнинг нафақат мақсадли, балки қатъиянлик ва изчиллик билан олиб борган сиёсатининг натижаси сифатида Хонобод ва унинг яқин атрофларида туризмни кенг ва тўла маънода ривожланиши учун зарур бўлган асосий шароитлар жадал суръатларда яратила бошлади. Аввало, қўшни давлатлар билан алоқалар тикланиши натижасида ташқи туризм ривожланиш учун таможня хизмати ишлай бошлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу гал таможня хизмати замонавий кузатув, текширув ва ўтқарув жиозлари билан таъминлангани учун бу ерга келганлар ҳеч қандай қийинчиликларсиз ва тезда ўтиб кетиш имконияти яратилди.

Юқорида баён этганимиздек, Хонобод шаҳрига масалан Фарғонадан келаётган сайёҳлар, Қўрғон тепа тумани ҳудудидан ўтаётганда икки жойда ва Хонободга кираётганда бир жойда, йўлда ўрнатилган текширув постларидан ўтишлари ва албатта махсус журналда шахсиятига оид маълумотлар қайд қилинар эди. Хонободни тамоша қилиш ниятида келаётган сайёҳлар ким ва қаердан бўлишига қарамасдан, ёнида паспорти бўлмаса, албатта шаҳарга киритилмас ва қайтариб юборилар эди. Ушбу постлар олиб ташланди ва республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан Хонободга келмоқчи бўлган сайёҳлар орасида “постлардаги қийинчиликлар” ҳақидаги гап-сўзларга ўрин қолмади. Натижада республикамизнинг олис Қора қалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоийи ва Сурхондарё вилоятларидан Хонободга ташриф буюрадиган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашда санатория-курорт муассаларининг роли ва ўрни беқиёсдир. Ушбу муассасаларда соғлом кишилар организмларидаги соғлиқ зохираларини ошириш ва мустаҳкамлашга, беморлар эса соғлиқларини ва меҳнат қобилиятларини тиклаш ва ошириш имконига эга бўладилар.

Инсон, санатория - шароитида нисбатан қисқа муддат давомида бўлар экан, у ҳаётнинг қатор муаммоларидан, жумладан меҳнат жараёни ва оиладаги ташвишлардан жисмонан ва руҳан фориғ бўлишга эришади. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40 моддасида белгилаб қўйилган[2]. Ушбу хизмат турли ҳил тиббиёт муассасаларида, жумладан сиҳатгоҳлардақўрсатилади[3]. Санатория-курорт шароитидан фойдаланиш ҳуқуқи тинчлик, осойишталикнинг барқарорлиги ва фаровонлиқнинг ошириш бориши Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўз соғлиғларини сақлаш ва мустаҳкамлаш имкониятлари кенгайиб боришининг муҳим омиллари сифатида намоён бўлмоқда. Аҳоли эндиликда нафақат даволаш-профилактика муассасаларининг хизматидан, балки санатория-курорт муассаларининг

шифобахш, соғломлаштирувчи ва реабилитацион омилларида фойдаланиш даражаси юқорилаб бормоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун санатория-курорт муассасаларига таъширф буюраётганларнинг ушбу масканларда яратилган шароитларга талабларининг даражаси тобора юқорилаб бормоқда[58,66,112]. Эндиликда, уларни нафақат санатория шифокорларининг хушмуомилалиги, эътиборлилиги[71], балки замонавий ва самарадорлиги юқори диагностика, даволаш ва соғломлаштириш, ҳамда реабилитация амалларини бажарадиган тиббий жихозлар мавжудлиги ва реал ишлаб туриши қизиқтирмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган икки ҳолат республиканинг турли ҳудудларида янги санаториялар қурилишини жадаллаштирилишини, ишлаб турган санаторияларнинг ташкилий томонларини такомиллаштириш, функциональ бўлинмалари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини мунтазам равишда ва изчиллик билан ошириб борилишини тақозо этмоқда. Ушбу муаммони ҳал этишда тизимли таҳлил ва тизимли ёндошиш принципларига асосланган ҳолда ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар мажмуаси ва уларни амалга ошириш режалари муҳим роль ўйнайди. Бу борада аҳолининг республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган санатория-курортлари ҳақида батафсил ахборотларга эга бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Санатория-курортлари хизмати ва улар боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш[114], замон талабларига жавоб берадиган ушбу муассасалар – мураккаб жароёнларнинг ўзаро боғлиқ равишда кечадиган воқелик эканлигидан далолат бермоқда[21,26,34,38,40,41,46,50,55].

“Хонобод sanatoriysi”.

Инсоннинг ҳаёт сифати, сиҳат-саломатлиги ва умрбоқийлиги воқеликлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб [53, 55, 62, 92, 102, 109, 115], айти пайтда уларнинг ўзлари ҳам, кенг манодаги атроф муҳитга, кишиларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзига, ҳамда ҳар бир организмнинг ўзига хос морфо-функциональ хусусиятларига боғлиқ. Инсоннинг ҳаёт сифатини ўрганиш ва баҳолашда, унинг нафақат жисмонан, балки руҳий соғлиғини ҳисобга олиш зарур[119].

Инсоннинг ҳаёт сифати, сиҳат-саломатлиги ва умрбоқийлигини таъминлашда, унинг мунтазам равишда санатория курорт шароитларида дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этиш муҳим рол ўйнайди-[66,69,70,73,74,99,100].

Янги Ўзбекистон тараққиёти даврининг энг катта воқеликларида бири – «Хонобод сиҳатгоҳининг » очилиши бўлди. Хонободда даволаш - соғломлаштирувчи ва рекреацион туризмни ривожлантиришда ушбу воқелик муҳим роль ўйнай бошлади. Маълумки, ушбу сиҳатгоҳ қурилиши Ўзбекистон

Республикаси мустақилликка эришган даврнинг иккинчи ўн йиллигида Андижон вилоятининг ҳокими Обидов Қобилжон Гафуровичнинг ташаббуси ва СМУ- 2 бошлиғи Обидов Карим Гафурович раҳбарлигидаги қурувчилар иштирокида бошлаган эди. Бироқ, қурилиш ишлари молиявий сабабларга кўра, кейин тўхтаб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи чоғидаги топшириғига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2017 йилдаги «2017-2019 йилларда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш» тўғрисида»ги № 557 -сонли Фармойиш берилган эди[4]. Ушбу муҳим ҳужжат асосида, «Хонобод сихатгоҳи» «СМ-УЗБЕКИСТАН» акциядорлик жамияти томонидан қурилиш ишлари якунланиб, 2018 йил 11 июнь куни фойдаланишга топширилди ва 10.07.2019 йилдан ўз фаолиятини бошлади.



Расмда. “Хонобод sanatoriysi“ қурилишининг тарихига доир маълумотлар.

Сихатгоҳ Хонобод шаҳрининг ўртасида жойлашган, денгиз сатҳидан 850 метр баландликда, қир-адирлар устида барпо этилиши бежиз эмас. Шак-шубҳа йўқки, йилнинг 12 ойида узлуксиз ям-яшил бўлиб турадиган арчазорлар ва турли турдаги атиргуллар хиёбонларининг бунёдкорлари – 1972 йил 3-майдан бошлаб, Хонобод шаҳар ижрои комитетининг биринчи раиси лавозимида ишлаган Солижон Меҳмоноунинг юқори даражадаги ташкилотчилиги, ўзларининг меҳри-меҳнати билан қир-адирлар устида яшил мужиза яратаётган маҳаллий аҳоли, ўшанда, вақти келиб бу ерларда замонавий сихатгоҳлар қурилишини орзу қилишган ва уша кунларга замин тайёрлаётганларини қалбларидан ҳис этишган бўлса, ажаб эмас... .



Расмда. «Хонобод сихатгоҳига » асосий киравериш жойи.

Сихатгоҳ учун жой танлаш катта аҳамиятга эга[38,49,63,72,76]. “Хонобод” санаториясининг бош ва вазиятли лойиҳаларининг муаллифлари унинг жозибадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор беришганлигини англаш қийин эмас. Дарҳақиқат, сихатгоҳнинг ёнгинасида, Хонтоғга олиб чиқадиган канат йўли кўриниб туради. Катта майдонда ястаниб ётган арчазорлар ва бошқа декоратив дарахтлар кўрки ва улардан таралаётган ҳид

дилларга ором бағишлайди. Олисдан, сихатгоҳнинг шимол томонидан осмонўпар Тянь-Шань, жанубдан виқорли Памир тоғ тизмалари, шарқдан эса “Андижон денгизи”нинг тўғони (плотина) кўриниб туради.



Расмда. «Хонобод сихатгоҳи» майдонининг жанубий сарҳади.

«Хонобод сиҳатгоҳи» МЧЖ 174 ўринга мўлжалланган. Сиҳатгоҳнинг йиллик қуввати - 6480 киши. Сиҳатгоҳнинг умумий қиймати – 125,0 млрд. сўм. Сиҳатгоҳ жами 134 ишчи ўринга мўлжалланган.



Расмда. «Хонобод сиҳатгоҳи»даги бассейн.



Расмда. «Хонобод сиҳатгоҳи»нинг дам олувчилар шаҳарнинг бетакрор манзарасини юқоридан томоша қилишлари учун қурилган махсус бино.



Расмда. «Хонобод сиҳатгоҳи»нинг даволаш-соғломлаштириш амалиёти олиб боришга мўлжалланган бинолар.



Расмда. «Хонобод сиҳатгоҳи»нинг даволаш-соғломлаштириш амалиёти олиб боришга мўлжалланган бинолар.



Расмда. Ўнг томондаги бинода сув бассейни ва спорт зали, чап томондаги биноларда овқатланиш блоки жойлашган.



Расмда. «Хонобод сихатгоҳи»нинг даволаш-соғломлаштириш амалиёти олиб боришга мўлжалланган бинолар.



Расмда. «Хонобод сиҳатгоҳи»даги галотерапия хоналаридан бири.



Расмда. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Ижроия Комитасининг 2023 йил 27 январдаги 8-10 –сонли “Хонобод sanatoriysi“ масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига биноан “Хонобод сиҳатгоҳи” масъулияти чекланган жамияти негизида ташкил этилди[.

Сихатгохнинг юқори нафас йўллари, асаб тизими, ҳамда ҳаракат таянч органлари тизими касалликлари билан ҳасталанган беморларни соғломлаштиришга муваффақият қозонган. Сихатгоҳда дам олувчи ва даволанувчилар учун 60 та стандарт, 14 та оилавий яримлюкс, 10 та оилавий люкс ҳамда 6 та оилавий ВИП хоналар ташкил этилган. Бу ерда мижозлар учун физиотерапия, шифобахш ванналари, Шарко души, парафин билан даволаш[135], фитотерапия ва бошқа даволаш-соғломлаштириш муолажалари ўтказилади. «Хонобод сихатгоҳи» МЧЖнинг директори Мухитдинова Нигора Камилджановна томонидан ушбу маскан фаолиятининг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини [32,61,77,78, 145,147,148,156,157,160]иждодий ўрганиш ва ободонлаштиришга оид изчил ва тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Хонобод шаҳрида туризмнинг муҳим йўналишларидан бўлган соғломлаштириш туризмнинг самарадорлигини оширишда, мазмун ва моҳият жиҳатидан ушбу воқеликнинг янги йўналишларини шакллантириш ва ривожлантиришда «Хонобод сихатгоҳининг» фаолияти муҳим роль ўйнай бошлади. Жумладан, ушбу даргоҳнинг фаолияти нафақат Хонободда, балки Ўзбекистон Республикасида ички ва ташқи даволаш-соғломлаштирувчи туризмни ривожлантиришда салмоқли ҳиссасини қўшаётганлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Сихатгоҳ фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши даврида (2019 – 2022 йилларда), бу ерга келувчиларнинг сони йил сайин ошиб борганлиги кузатилди. Бунда, сихатгоҳга келувчилар ўртасида аёллар салмоғининг катталиги эътиборни тортади. Жумладан, 2019 йилда сихатгоҳга келганларнинг 65,0% аёллардан ташкил топганлиги қайд этилди. Ушбу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди. “Хонобод сихатгоҳи” ҳақидаги баёнимизда қадимда, “Буюк ипак йўли”нинг қаровонлари учун қулай табиий-иқлим шароитлари, соғломлаштирувчи ва дам олиш ресурсларга бойлиги билан узоқ-яқиндан саёҳларни жалб эта оlishда, машҳур “ Бешкапа “ ва “ Хонтахт “ ҳудудларида, асрлар оша, бугунги кунда “Хонобод сихатгоҳи”нинг қурилиши ва ишга туширилиши эътиборга молик воқеалардан эканлигини таъкидламоқчимиз.



Расмда. Хонобод шаҳрининг кўчаларидан бири.

“Хонобод сихатгоҳи“ XXI АСР МИЖОЗЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИГА жавоб бера оладиган даражада бунёд этилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг юртимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга доир Фармон ва Қарорлари, жумладан Хонобод шаҳрида туризмни ривожлантиришга оид қарорлари ва ЎзАуто «GM-УЗБЕКИСТАН» акциядорлик жамияти жамоасининг ташкилий, айниқса молиявий ёрдами муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон касаба уюшмаларии Федерацияси Ижроия Комитасининг 2023 йил 27 январдаги 8-10 –сонли “Хонобод sanatoriysi“ масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига биноан “Хонобод сихатгоҳи” масъулияти чекланган жамияти негизида Ўзбекистон касаба уюшмаларии Федерациясининг тўлиқ таъсисчилигида “Хонобод sanatoriysi“ масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши эса[21], ушбу маскан янада самаралироқ фаолият юритишига кенг имкониятлар очиб берилишидан дарак бўлди.

Бугунги кунда санатория-курорт комплекслари фаолиятини такомиллаштириш[104], сифатини таъминлашга имкон берадиган стандартлар

ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда[90,93,98]. Инсон соғлиғини сақлаш, мустаҳкамлаш ва умрбоқийлигини тامينлашда сезиларли ижобий таъсир этувчи сихатгоҳлар фаолиятининг барча қирраларини сифатини ва самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион даражасидаги таклиф ва тавсияларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда[117], Андижон вилояти Хонобод шаҳрида жойлашган “Хонобод” санаторияси нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларнинг аҳолисига кўрсатаётган даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион хизматларининг сифати ва самарадорлигини оширишга доир тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Олиб борилган тадқиқотимиз давомида, инсон сихат саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда сихатгоҳларнинг ўрни бекиёс эканлигини[20,29,46,57,143,145,146,150] ва айна пайтда, аҳолининг сихатгоҳлар хизматидан фойдаланиш кўрсаткичлари табиатан демографик, ижтимоий-иқтисодий, психологик ва ташкилий кўринишдаги қатор шароит ва омилларга боғлиқлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. “Хонобод sanatoriysi” жамоаси томонидан, бу ерда амалда олиб борилаётган даволаш-соғломлаштириш муолажаларининг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини янада оширишга оид илмий жиҳатдан асосланган қуйидаги инновацион[91] тавсияларимизни таклиф этишни лозим топдик[28,87,90,91,133,159].

1.Поликлиника – стацио нар – сихатгоҳ функционал мажмуасида сихатгоҳларнинг ўрни бекиёслигини эътироф этиш билан бирга , бу уч муассаса фoлиятида, амалда ўзарo узвий алоқадорлик (преемственность) йўқoлиб бoраётганлигини, oқибатда бeмoрнинг ижтимоий-мoлиявий жиҳатдан мумкинчилиги бўлган чоғида ҳам сихатгоҳ шароитида соғлиғини янада тиклаб ва мустаҳкамлаб олиш имконияти фoйдaлaнилмай қолаётганлиги ҳoлатини бартараф этиш зарур. Бунда, уларнинг фаолиятида алоқа усулининг рақамлаштирилган технологиясидан кенг фoйдaлaнишни жoрий этиш мақсадга мувофиқ[139].

2. “Хонобод sanatoriysi”га мижoзларнинг кeлиш сoни мавсумий ҳарактерга эга эканлигини, жумладан кеч куз ва қиш мавсумида ушбу кўрсатич кескин камайиб кетиши қонуниятли равишда кечадиган воқеликка айланиб бoраётганлигининг oлдини олишга oид чoра-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун : санаторияда дам олиш ва даволанишнинг бир кунлик нарҳини баҳор ва ёз мавсумида ошириш, кеч куз ва қиш даврларида эса мумкин қадар пасайтириш амалиётига ўтиш мақсадга мувофиқ.

3.Аҳолининг санатория курорт хизматидан фoйдaлaнишга бўлган эҳтиёжини қондиришда давлат томонидан, биринчидан сихатгоҳларда дам oлmoқчи ва даволанmoқчи бўлганлар учун “CАНАТОРИЯ” номли кам процентли кредитлар бeрилишини тaшкил этиш мақсадга мувофиқ; иккинчидан –санаториялар ички ва тaшқи имкoнларидан кeлиб чиқиб, ўз ҳисoб рақами доирасида очилган ва **фақат САНАТОРИЯ билан МИЖОЗ** ўртасидагина

амал қиладиган мақсадли “САНАТОРИЯ КРЕДИТИ” муомиласини йўлга қўйилиши муаммони ҳал қилишда самарали усул бўлади, деб ҳисоблаймиз.

4. Катта-кичик корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз ходимларини, Маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) ўз фуқароларининг соғлиғини сақлаш масалалари ва бу борадаги иш режаларини амалга оширишда соғломлаштирувчи туризм, жумладан сиҳатгоҳларнинг имкониятларидан фойдаланишни ҳам режалаштиришлари мақсадга мувофиқ[47,90,91,132] .

5. “Хонобод sanatoriysi”да дам олиб, даволаниб кетгандан кейинги 1-3 йил давомида касаллик хуружининг, ривожланиб кетишининг олдини олишдаги ролини аниқлаш учун ушбу маскан билан мижоз ўртасида алоқа узвийлигини таъминлаш зарур.

6. “Хонобод sanatoriysi”да дам олиб, даволаниб кетганлар ўртасида алоқаларни тўхтатмасликни таъминлаш орқали санаторияда ўринлардан йил давомида унумли фойдаланишга эришиш мумкин.

7. Сиҳатгоҳ фаолиятида **ўрин/кун кўрсаткичининг** нафақат юқори даражада бажарилишини балки ушбу маскан имкониятларидан республика ва дунё аҳлининг баҳраманд бўлишини таъминлашда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз:

7.1. Аралбўйи аҳолисини этио-эколого-патогенетик принципларга асосланган ҳолда соғломлаштиришда Фарғона водийсидаги санатория-курорт муассасаларини, жумладан “Хонобод sanatoriysi”ини асосий даволаш-профилактика ва реабилитасия муассасаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ[18].

7.2. Шимолий худудларда жойлашган давлатларнинг аҳолисини Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийсида жойлашган сиҳатгоҳлари, жумладан “Хонобод sanatoriysi” шароитида соғломлаштириш амалиётини ташкил этиш[60].

7.3. Санаторияда беморларнинг соғломлаштирилиш муддатини узайтиришга оид чора-тадбирларнинг қуйидаги мажмуасини ва уларни амалга ошириш тизимини ишлаб чиқиш керак. Бугунги кунда одатга айланиб бораётган – сиҳатгоҳда, ўртача 7 кун бўлиш, экспертларнинг фикрича, тўлақонли даволаш-профилактика, соғломлаштириш, ҳамда реабилитацион муолажаларини ўтказиш учун камлик қилади. Шунинг учун ҳам ҚОП, ОП ва бошқа тиббиёт муассасалари сиҳатгоҳда даволананишни режалаштираётган беморлар орасида, ўтказиладиган амалларнинг самарадорлиги, ушбу масканда даволанишнинг давомийлигига бевосита боғлиқлиги ҳақида мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб бориш лозим.

8. “Хонобод sanatoriysi”да:

8.1. Халқ табобатига асосланган даволаш-соғломлаштириш муолажалари турларини кўпайтириш, жумладан:

8.1.1. Минерал сувларни ичиш ва балнеотерапия;

8.1.2. Санаториянинг ошхона блокида шифобахш булоқ сувларида ундирилган дон (проросшее зерно) маҳсулотларидан турли парҳез таомлар

тайрлашни ташкил этиш. Беморлар орасида ушбу технологияда тайёрланаётган таомларнинг шифобахшлиги юқори эканлиги ҳақида мунтазам равишда санитария маорифи ишларини олиб бориш лозим.

8.2. Антиоксидантларга бой ўсимлик (куркума) ва полиз экинларининг шарбатлари ва таомларини ташкил қилиш.

8.3. Даволаш-соғломлаштириш мажмуалари қаторда апитерапия, игларефлексотерапия, минералотерапия, псаммотерапия, пелоидотерапия ва бошқаларни кенг жорий этиш лозим. Бунинг учун “Хонобод sanatoriysi” қошида махсус илмий тадқиқот марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз. Марказ Хонобод шаҳри ва унинг яқин атрофидаги булоқларнинг (“Сайид Фозилмон ота” булоғи, “ Шўр булоқ ”, “ Алчали булоқ ”, “ Кўк булоқ ”, ”Жаннат булоқ ” сувларидан ичиш ва балнеотерапия сифатида, “Абсаттар ота дарасидаги” қир-адирларининг бағрида (икки жойда) ястаниб ётган қизилқум уюумларидан псаммотерапияни ташкил этишда, Хонободдан у қадар узок бўлмаган худудда жойлашган “Кўк булоқ ” сайлгоҳидаги балчиқ лойи ва бошқаларнинг шифобахш ва соғломлаштирувчи хусусиятларига илмий асос яратишга оид илми-амалий тадбирларни ташкил этиш керак.

8.4. “Хонобод sanatoriysi”да ландшафттерапияни шифобахш кинезотерапия билан боғловчи эстетик завқлантирувчи, қулай терринкур маршрутларини ташкил этиш ва амалга ошириш .

9.Хонобод sanatoriysi”да кўрсатилаётган даволаш-профилактика ва соғломлаштириш, ҳамда дам олишни ташкил этиш ҳизматининг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини янада оширишда, аввало сиҳатгоҳнинг, ўтган йиллардаги фаолиятига тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил принципларига асосланган баҳони бериш ва **ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ** қўллашни тақозо этадиган қуйидаги реал ва потенциал имкониятлардан кенг фойдаланишни ташкил этиш лозим:

9.1. Амбулатория ва касалхоналарнинг шифокорларида санатория шароитида даволанишга юборилиши мумкин бўлган касаллик ва ҳолатларнинг илмий асосланган рўйхати билан ишлашга ўтишлари керак.

9.2. Кадрлар малакасини оширишга эътиборни кучайтириш ва бунда ходимларни дунёдаги машҳур санаторияларга уларнинг бой тажрибасини ўрганиш учун юбориш амалиётини кенг қўллаш [125];

9.3. “Хонобод sanatoriysi” моддий-техника базаси имкониятларини кенгайтириш, жумладан замонавий самарали даволаш-профилактика ва реабилитация жихозлари билан **нафақат таъминлашда** балки уларни **кенг реклама қилишда** республикада етакчи ўринда бўлишга эришиш;

10. Инсон соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган, санатория фаолиятидаги ҳар қандай тиббий, молиявий, ташкилий ва бошқа инновацион ўзгаришлар ҳақида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиб туриш лозим.

11.Санатория фаолиятини акс этдирувчи қайд этиш ва ҳисобот ҳужжатларини рақамли иқтисодиёт технологиясида юритишга ўтиш ушбу

даргоҳни бошқариш самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблаймиз.

12. Сихатгоҳда дам олиб, дам олиб, даволаниб кетгандан кейинги 1-3 йил давомида касаллик хуружининг, ривожланиб кетишининг олдини олишдаги ролини аниқлаш учун ушбу маскан билан мижоз ўртасида алоқа узвийлигини таъминлаш зарур.

13. Сихатгоҳда дам олиб, даволаниб кетганлар ўртасида алоқаларни тўхтатмасликни таъминлаш орқали сихатгоҳда ўринлардан унумли фойдаланишни эришиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

4.1.2.«Хамкор стимул сервис»илмий-тадқиқот марказининг Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларидаги табиий шифобахш воситаларни ўрганишни ташкил этиши.

Хонобод шаҳрини шимолий-шарқ томондан ўраб турган қир-адирлар орасида ўзининг табиий шифобахш воситаларга бойлиги билан ажралиб турадиган “Абсамат ота дараси”нинг тарихи ва бу ерда соғломлаштириш туризмини ривожлантиришга оид олиб борилаётган тадқиқотлар ва амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида тўпланган маълумотлар баёни қуйидагилардан иборат. Ушбу дара бағрида инсон саломатлигини сақлашга, касалликлардан фориқ бўлишида муҳим роль ўйнайдиган тўрт ҳил омилларни фарқлаш мумкин: -шифобахш булоқ сувлари[37,140]; - шифобахш қизил қум уюумлари; -мусаффо хаво; - дара ва унинг атофидаги беқиёс сокинлик[140].

Республикамиз ҳудудида мавжуд табиий воситаларининг, жумладан булоқ сувларининг, қизил қум, турли эфирларга бой арча, қайнзорлар ва бошқа омилларнинг инсон саломатлигини шакллантириш, сақлаш ва мустаҳкамлашдаги аҳамияти турли манбаларда кенг ёритилган.

Маҳаллий халқ билан бўлган суҳбатимиз “Абсамат ота дараси”нинг шифобахш омиллари бугунги кунда аҳоли томонидан самарали ва кенг қўламда фойдаланилмаётганлиги кўрсатди. Уларнинг таъкидлашларича, бу ерда мавжуд табиий шифобахш воситалар ҳақида республикамиз аҳолисининг аксарият кўпчилиги беҳабар эканлигидадир. Дарҳақиқат, республикамизнинг оммавий ахборот воситаларида ушбу масала умуман ёритилмаганлиги маълум бўлди. Хонобод шаҳри ҳудуди ва унинг яқин атрофидаги табиий шарт-шароитлари билан боғлиқ имкониятлар, айниқса “ Шўрбулоқ ”, “ Алча-либулоқ ”, “ Кўкбулоқ ”, ” Жаннатбулоқ ” сувлари, қир адирларда жойлашган “Абсамат ота дараси”нинг икки жойидаги қизилқум уюумлари, булоқ сувлари ва бошқаларнинг шифобахш ва соғломлаштирувчи хусусиятларини ўрганиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш навбатдаги вазифалардан бўлиб турибди. Ана шундай муҳим вазифаларни бажаришда сўнги йилларда Шоҳида Султонованинг ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир. Шоҳида Султонова Хонобод шаҳрининг шимолий-шарқий ҳудудидаги қир-адирларда жойлашган “Абсамат ота дараси”нинг

бағридан чиқаётган булоқ сувларини чуқур ва атрофлича ўрганишни бошлаб юборди. Тўрт маротаба шанбаликлар ташкил этиб, булоқ сувларининг атрофларини санитария талабларига жавоб берадиган даражага олиб келди. Пастликдан булоқ сувларига олиб чиқадиган йўллар очди. Хонобод шаҳри ва атрофидаги булоқ сувларининг шифобахш хусусиятлари ҳақида республика оммавий ахборотлар тизими орқали аҳолига маълумотлар бериб борилишини ташкил этди. Шохида Султонованинг бевосита ташкилотчилигида урта булоқ сувларидан наъмуналар олиниб, Тошкентдаги “Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази” МЧЖ қошидаги Тиббий ашёларни синаш лабораториясига юборишни ва таҳлил қилишга эришилди. Натижада, биринчи маротаба, Хонободнинг денгиз сатхидан: - 857 м., 844 м., ва 544 м., баландликларда жойлашган булоқ сувларининг таркиблари ўрганилди. Лабораториядан олинган маълумотлар, ўрганилган булоқ сувларининг минералларга бой эканлиги маълум бўлди[140].

Ушбу булоқ сувининг шифобахш хусусияти, айниқса асаб тизимининг сурункали толиқишида юқори эканлигининг шохиди бўлди.

“Абсамат ота дараси”даги табиий шифобахш воситаларнинг яна бири қизилқум уюмларидир. Ёз мавсумида ҳаракат-таянч тизимининг касалликларидан фориғ бўлиш мақсадида бу ерга келувчиларнинг сони нисбатан ортади. Республика аҳолисининг аксарият кўпчилиги ушбу манба ҳақида хабардор эмаслиги қайд этилди.

“Абсамат ота дараси”даги табиий шифобахш воситалар ва улардан кенг ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу орқали Хонободда соғломлаштириш туризми салоҳиятини янада ошириш учун, фикримизча қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- булоқ сувлари таркибий кўрсаткичларини йилнинг турли фасллари ва куннинг турли вақтларида ўзгариши мониторингини ташкил этиш керак ; - булоқ сувларининг шифобахш хусусиятларини клиник шароитда комплекс ўрганиш ва баҳолаш ишларини амалга ошириш лозим; - псаммотерапия ва гидротерапия муолажаларини мумкин қадар табиат қўйнида – “Абсамат ота дараси”нинг сокин ва баҳаво шароитида бажаришга оид техник, санитария-гигиеник текширувларни ўтказишни ва туристик хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш каби тадбирларни амалга ошириш зарур ; - псаммотерапия ва гидротерапия муолажаларини нафақат табиат қўйнида, балки стационар шароитида қўллашга доир илмий ва ташкилий масалаларни ечиш мақсадга мувофиқ[129]

Санатория худуди ва унинг яқин атрофидаги мавжуд имкониятлар ушбу масканда соғломлаштиришнинг янги турларини – минерал сувлардан ичишга ва балнеотерапия сифатида қўллашни тавсия этиш, псаммотерапия ва пелоидотерапияни йўлга қўйиш имкониятлари борлигига ишора этмоқда. Бу борада дастлабки қадамлар ташлана бошланганлиги маълум бўлди. Жумладан, Султонова Шохида 2020 йил “Абсаттар ота дарасидаги ” урта булоқ сувларининг таркибини

лаборатория шароитида текширишни ташкил қилди. Ушбу сувларнинг минералларга бой таркибга эга эканлиги аниқланди. Хонобод қадимдан ўзининг шифобахш булоқ сувлари билан танилганлиги барчага маълум. “Ҳамкор Стимул Сервис” илмий тадқиқот маркази раҳбари Шоҳида Султонованинг ташаббуси билан “Абсаттар ота дараси”даги учта булоқ сувларидан наъмуналар олиниб, Тошкентдаги “Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази” қошидаги махсус лабораторияда таҳлил қилишга эришилди. Натижада, биринчи маротаба, Хонободнинг денгиз сатҳидан: - 857 м., 844 м., ва 544 м., баландликларда жойлашган булоқ сувларининг таркиблари ўрганилди (Лабораториянинг 2020 йил 25 ноябрь № 23, 24, ва 25-сонли баённомалари)[129] .

4.1.3. «Тянь Ши» МЧЖнинг «Фозилмон ота» булоқ сувининг кимёвий таркиби ва физик хусусиятларини ўрганишни ташкил қилишдаги ташаббуси.

Минерал сувлар кимёвий таркиби шифобахшлиги билан ажралиб туриши , улар қаторида кам учрайдиган таркибга эга турлари ҳам қайд қилинган [79].Хонобод шаҳари ва унинг атрофи ҳудудларидаги булоқ сувларининг кимёвий таркиби ва инсон организмига таъсири жараёнларини ўрганишга эътибор ортиб бораётгани кузатилаётганда[140]. Жумладан, “Тянь-Шань” савдо-ишлаб чиқариш фирмасининг директори Т.М.Абдуллаевнинг ҳомийлигида “Фозилмон ота” булоқ суви Тошкентдаги Тиббий приборларни синаш марказининг (ТПСМ)-нинг синовлар лабораториясида таҳлил қилиниши ташкил қилинди. Лабораториянинг 2019 йил 10 июньдаги № 3464-сонли баённомасида қуйидаги маълумотлар келтирилган: 1.Сувнинг санитария-бактериологик кўрсаткичлари қабул қилинган талабларга мос келади.

2.Сув ўзининг физико-кимёвий хусусиятлари жиҳатидан кучсиз минерал-лашган $M(0,51-0,82)$, сульфат-гидрокарбонатли, магний-кальцийли, кальций-магнийли, кучсиз ишқорли, ($pH\ 7,42-7,9$), совуқ ($T\ 10^0\ C$), сарфи 70 литр/сек. дан кўпроқ.

3.Сувнинг таркибида қуйидаги микроэлементлар мавжуд, мг/л: кремний кислотаси –10,4, метабор кислотаси –0,4-4,36,фтор –0,13-0,18, стронций – 0,0018 - 0,67, мис, селен, темир, кумуш, мишьяк, цинк, бромид иони ва бошқа микроэле-ментлар рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст.

Ҳозирда “Фозилмон ота” булоқ суви маданли ичимлик сув сифатида истеъмолга чиқарилмоқда.

Мадаханов Акбаржон 2019 йилдан буён Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларидаги табиий шифобахш воситалар, жумладан булоқлар тарихига оид маълумотларни йиғиш, сувларининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганишга

бағишланган илмий тадқиқотларининг биринчи босқичини якунлаётганлиги маълум бўлди.

Жадвал 1.

Хонобод шаҳрининг жойлашган “Хонобод” сихатгоҳи, “Фозилмон ота” булоғи ва “Абсамат ота дараси” бағридан чиқаётган булоқ сувларининг органолептик хусусиятлари ва кимёвий таркиби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	КУЗАТУВЛАР ВА ЛАБОРАТОРИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ				
			“Хонобо” сихатгоҳи- да бургулаш усулида олинган сув, 2019	№ 1 Булоқ Султонов Ш,2020	№ 2 булоқ Султонов Ш,2020	№ 3 Булоқ Султонов Ш,2020	Фозилмон ота булоғи Абдуллаев Т, 2019
	Булоқларнинг денгиз сатхидан баландликда жойланиши, метр	метр	350	540	844	857	қир- адир-лик остида
	Сарфи						70 литр/сек. дан кўпроқ.
	Ташки кўриниши		тиниқ	тиниқ	тиниқ	тиниқ	тиниқ
	Тами ва ҳиди		тамсиз ва ҳидсиз	тамсиз ва ҳидсиз	тамсиз ва ҳидсиз	тамсиз ва ҳидсиз	тамсиз ва ҳидсиз
	Сувнинг ранги		рангсиз	рангсиз	рангсиз	рангсиз	рангсиз
	Ҳарорати						совуқ ($T\ 10^0\ C$)
	Пх-кўрсаткичи			7,88	7,91	7,62	7,42-7,9
	Қуруқ қолдиқ	мг/дм ³		1694	5148	2270	
	Сувнинг санитария-бактериологик кўрсаткичлари						қабул қилинган талабларга мос келади.
	Умумий минераллиги	мг/дм ³		1657,26	5393	2330,5	
	физико-кимёвий хусусиятлари						кучсиз минераллашган М(0,51-0,82),

	кучсиз-ишқорли						+
	сульфат-гидрокарбонатли						+
	магний-кальцийли,						+
	кальций-магнийли						+
	Гидрокарбонат ионлари	мг/дм3		268,4	280,6	268.4	+
	Сульфат ионлари	мг/дм3		646,8	2650,1	983,5	+
	Натрий ионлари	мг/дм3		366,6	1086,2	602.6	
	Калий ионлари	мг/дм3					
	Нитрит	мг/дм3		Меъёрдан юқори эмас	Меъёрдан юқори эмас	Меъёрдан юқори эмас	
	Нитрат ионлари	мг/дм3		-	-	-	
	Аммоний ионлари	мг/дм3		-	-	-	
	Кальций катионлари	мг/дм3		68	286	68,0	
	Магний катионлари	мг/дм3		66.8	261,4	53,5	
	Хлорид ионлари	мг/дм3		241,1	829,5	354,5	
	Кремний кислотаси	мг/дм3		26	26	25	10,4
	Метаборовая к-та	мг/дм3					0,4-4,36
	Фтор	мг/дм3					0,13-0,18
	Стронций	мг/дм3					0,0018 - 0,67
	мис,	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст

	селен	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст
	темир	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст
	кумуш	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст
	мишьяк	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст
	цинк	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст
	бромид иони	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст
	ва бошқа микроэле- ментлар	мг/дм3					рухсат этилган чегаравий концентрациядан паст
	Лаборатория нинг номи, манзили, телефони						Тиббий приборларни синаш марказининг (ТПСМ)нинг синовлар лабораторияси
	Баённома			2020 йил 25 ноябрь № 23, 24, ва 25- сонли	2020 йил 25 ноябрь № 23, 24, ва 25- сонли	2020 йил 25 ноябрь № 23, 24, ва 25- сонли	2019 йил 10 июндаги № 3464- сонли
	Хомий (спонсор)			“Ҳамкор Стимул Сервис”МЧЖ раҳбари Шоҳида Султонова	“Ҳамкор Стимул Сервис”МЧЖ раҳбари Шоҳида Султонова	“Ҳамкор Стимул Сервис”МЧЖ раҳбари Шоҳида Султонова	“Тянь-Шань” савдо-ишлаб чиқариш фирмасининг директори Т.М.Абдуллаев

4.1.4. “Арча шифо оролчаси” сихатгоҳи.

Хонободда аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашда кун сайин танилиб бораётган маскан – “Арча шифо оролчаси” сихатгоҳидир. Ушбу маскан ўта ташландиқ ҳолга келиб қолган меҳмонхона биносини, фикру-амали яратувчилик руҳи билан суғорилган, шифокор Юнусова Гулбаҳорнинг шижоати туфайли олиб борилган тамирлаш ва қўшимча бинолар қуриш ва атрофини ободонлаштириш ҳисобига сихатгоҳга айлантирилди. Сихатгоҳ

бош ҳакимининг таъкидлашича, 2017-2022 йиллар оралиғида 10 мингдан зиёд киши ушбу даргоҳ хизматидан баҳраманд бўлишди. Улар бу ерга аввало тоза ҳаво ва арчазорлар атрофга тарқатиб турадиган шифобахш омиллардан фойда кўраётганлари учун келишади. Ушбу масканда мижозлар 17 турдаги физиотерапевтик муолажаларни ҳам олиш имкониятларига эга. Сихатгоҳ хизматига талабнинг ошиб бораётган-лигини ҳисобга олган ҳолда, ўринлар сонини кўпайтиришга оид қўшимча қурилиш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

4.1.5. “ҚЎРҒОН-ОЙ БОҒИ” СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ.

Хонободлик Сиддиқов Гапар ака ёши 70 га яқинлашиб қолганига қарамасдан, аҳолини табиий шифобахш воситалар билан даволаш ишини ривожлантиришга ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшиб келмоқда. У оила азолари билан биргаликда 2015 йилдан буён Хонободнинг Хидирша худудида, “ҚЎРҒОН- ОЙ БОҒИ” фермер хўжалик қошида, соғломлаштириш масканини яратди. Бу ерда, қир-адирлар ён бағрида барпо этилган кенг боғда, саёҳлар учун учта ўтов ўрнатилиб, қатор касалликларни қимиз ва саамал билан даволаш амалиётини ташкил этди.



Расмда. Хонободнинг Хидирша қир-адирликлари худуди.



Расмда. “ҚЎРҒОН-ОЙ БОҒИ” фермер хўжалик қошида ташкил этилган соғломлаштириш маскани. Бу ерда, кенг боғда, саёҳлар учун учта ўтов ўрнатилиб, қатор касалликларни қимиз ва саамал билан даволаш амалиётини ташкил этилган.

4.2.1.Хонободда рекреацион туризмни шаклланиши ва ривожлантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ва жамғармаларининг ўрни ва роли.

Рекреацион туризм табиий-иқлим ва инсон меҳри ва меҳнати билан яратилган шароитларда одамларнинг саёҳатга чиқиш иштиёқининг ундаги соғлом бўлишга интилиш ниятлари билан уйғунлаштирилишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий, тиббий-демографик ва илмий-амалий тадбирлар мажмуасидир[21,29,30,35,107,158].Туризмнинг ушбу турида инсон фаол дам олиш, яйраш, ўйинлар, машқлар, экскурсиялар, ва туристик саёҳатлар орқали ўзининг жисмоний, эмоциональ ва интеллектуаль зохираларини тўлдириш имконига эга бўлади. Рекреацион туризмда инсон дам олади,куч-қувватини тиклайди,соғлиғини мустаҳкамлайди ва меҳнат қobiliятини тиклайди. Бунда, эмоционал ва жисмоний енгил тортиш учун табиий, яъни минерал сувлар, шифобахш лой, денгиз бўйи каби омиллардан фойдаланилади. Рекреацион туризмнинг маданият ва маъриат билан боғлиқ турлари инсонни кўшни ёки бошқа вилоят ва давлатлар аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш тарзи билан танишиш, улар ҳақидаги тарихий маълумотлари, ҳамда ютуқларига оид билим ва тажрибаларини кенгайтиришда ва шу орқали ҳам соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

Рекреацион туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи минг йилликларга бориб тақалади[42]. Қадимги мисрликлар, юнонлар, римликлар, хитойликлар ва индуслар табиий шифобахш воситалар ва шароитлардан инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда кенг фойдалангалари маълум. Масалан, инсон соғайиб кетиши учун мисрликлар Нил дарёсидан олинган лойни қуёшда қиздириб сўнгра танага суртишни амалиётда қўллаганлар.

Айрим давлатларда IX асрнинг охирларида , корхоналарнинг иш тартибида ёзги таътиллар ва кўшимча дам олиш кунларининг жорий этилиши рекреация мақсадидаги сайёҳатга чиқишларнинг сонига ижобий таъсир кўрсатди. Бу пайтга келиб, Германияда Баден-Баден, АҚШ да Ньюпорт курортлари ривожлана бошлади. Сайёҳлар дам олишни сихат саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган спорт ва бошқа амаллар билан шуғулланишни одатга айлантиришади. Рекреацион туризмнинг ривожланишига ва оммавий тус олишига XX асрда авиация транспортининг йўлга қўйилиши муҳим роль ўйнади. Унинг айниқса дарё, кўл ва денгиз бўйларида дам олиш, маданий-билиш экскурсиялари сихатгоҳ ва соғломлаштириш масканларида даволаниш нафақат кенг ривожлана, балки коммерциялизациялаша бошлади.

Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи республиканинг барча ҳудудларида рекреацион туризмнинг у ёки бу турларини ривожлантириш учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади[27,34]. Бу ерда табиий-иқлим шарт-шароитларидан ташқари, инсон омили – ўзбекистонликларнинг табиат

неъматларидан баҳра олиш, яратувчанликка интилиш каби хусуссиятларининг шоҳиди бўлиш мумкин.

РЕКРЕАЦИОН ТУРИЗМНИНГ МАҚСАДИ. Рекреацион туризмнинг мақсади сайёхнинг дам олиш усулини унинг эҳтиёж ва манфаатларига мослаштиришдир. Туризмнинг ушбу турида инсон кундалик турмушнинг иккчиқрларга, ташвишларга тўла тарзидан маълум вақтга фориқ бўлади. Натижада унинг эмоционал ҳолати ўзгаради. Одатда, саёхат иштирокчилари бошқа шаҳар ва қишлоқларга таъширф буюришар экан, у ерда дам олишни спорт билан шуғулланиш, маданий тадбирларда қатнашиш ва тарихий ёдгорликлар ва обидаларни кўришар экан, уларнинг нафақат дунёқарашлари ўзгаради, балки соғлиқлари яхшиланади ва мустаҳкамланади[30]. Табиат оғушида ўтказиладиган рекреацион туризмни ташкил қилиш туфайли, одатда худудда сайёҳларга хизмат қилиш шаҳобчалари ва бошқа инфратузилмалар яратилади, ривожланади. Худуднинг демографик, ижтимоий - иқтисодий ҳолати янгича тус олади[63,68,77,82,111,121,128].

РЕКРЕАЦИОН ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Туризмнинг ривожланиши рекреацион ресурсларнинг сифати ва улардан ҳаммабоб фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги, дам олиш хизматларининг нархига, регионда инфраструктураларнинг ташкил этилганлигига ва уларнинг урлуксиз ишлаб туришига боғлиқ[29,38, 42,65,110,130].

Туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар мажмуасида туристларнинг санитария-эпидемиология ва террористлар пайд бўлиши ва улар томонидан ҳаракатлари нохуш воқеалар содир бўлишидан сайёҳлар ҳафсизлигининг таъминланганлиги алҳида алоҳида аҳамиятга эга.

Сайёҳларнинг у ёки бу шаҳар ёки қишлоққа боришни танлашларида туристик агентликлар томонидан тайёрланган рекламаларнинг тўлақонлилигига, жумладан уларда туристик дестинацияларнинг бунёдкорлари, уларнинг маданий ва анъаналаридаги ўзига ҳос қирралари ҳақида кенг ва батафсил маълумотлар берилганлигига боғлиқ. Рекреацион туризмнинг ўзига ҳос томонларидан бири шундаки, унинг иштирокчилари ўзларининг психологиси билан жуда индивидуаль. Бази сайёҳлар фаол дам олишни, бошқалари эса тинчгина дам олишни афзал кўрадилар. Шунинг учун ҳам сайёҳатни ташкил этувчилар ушбу ҳолатни ҳисобга олишлари ва зарур шарт-шароитларни яратшни ҳам режалаштириб қўйишлари мақсадга мувофиқ. Одатда рекреацион туризмнинг жамиятдаги тиббий-биологик ва иқтисодий аҳамиятига эътибор қилинади[107,126].

Рекреацион туризм соғлом инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини қўллаб туришга, ҳаётий қувватини сақлашга ва энг муҳими организмни

соғломлаштириб турилишини таъминлашга хизмат қилади. Туризмнинг ушбу тури айниқса, инсон касалликнинг асосий, у учун оғир ҳисобланган даврдан кейин ташкил этилса[41,] янада мақсадга мувофиқ бўлиши кузатилади. Қисқа муддатли бўлсада, ҳар қандай сайёҳат, бу даврда организмда, тикланиш билан боғлиқ кечаётган морфо-функциональ жараён-ларнинг самарали бўлишида ва инсон кундалик ҳаётга қайтишида муҳим табиий-ижтимоий шароит ҳисобланади. Одатда, кишиларда у ёки бу меҳнат билан шуғулланиш пайтида чарчаш, кундалик турмуш ташвишларидан толиқиш ва ўта толиқиш тушунчалари ва ҳолатлари эътироф этилади. Чарчашнинг олдини олишда, иш пайтидаги танаффуслар, толиқишнинг олдини олиш учун меҳнат таътилларининг, қонунчиликда белгиланган вақтида таъминланиши ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Чарчаш ва толиқиш ўтиб кетувчи ҳолатлар ҳисобланади ва инсонда ақлий ва жисмоний меҳнат қобилятининг вақтинча пасайишида намоён бўлади. Соғлом турмуш тарзини ўзларида шакллантира олган кишилар чарчаш ва толиқиш ҳолатларининг ўта толиқиш даражасига ўтиб кетишига йўл қўймайдилар. Бу борада улар рекреацион туризмнинг барча турларидан рациональ равишда фойдаланишни ташкил қилишга ҳаракат қиладилар. Кузатишларимиз рекреацион туризмнинг яна бир муҳим хусусиятини – оиланинг саломатлиги ва барқарорлигига ижобий таъсир этишини кўрсатди[117] ва оила аъзолари билан турли туристик рекреацион масканларга боришни ташкил этишга эътиборни кучайтиришнинг муҳимлигидан далолат беради[23]. Рекреацион туризмнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида гап кетганда, унинг айниқса ҳаракатли кечадиган турларини янада ривожлантириш лозимлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бу борада жисмоний машқлар ва спорт тадбирларининг аҳамияти бекиёс[32]. Зеро, ушбу тадбирлар инсон саломалиги учун муҳим роль ўйнайдиган жисмоний фаоллик ва эмоциональ жиҳатдан юқори кўтаринкиликни таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рекреацион туризмнинг самарадорлиги юқори бўлиши учун унинг иштирокчиларининг ёши, яшаш шароити, турмуш тарзи, сиҳат саломатлиги даражасидан ва руҳий ҳолатидан келиб чиқиши ва шунинг учун ҳам ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан, рекреацион туризм ҳудудларнинг янада раванқ топишига муҳим салмоғини қўша оладиган воқеликдир[59,68,73,102,104,152].

Рекреацион туризмнинг турлари. Одатда, рекреация фаолиятини жамоавий таснифлаш-гуруҳлаш фарқ қилинади. Инсоннинг рекреация фаолиятларини таснифлашни изоҳлаш учун жуда кўп ҳажмдаги маълумотларни ёзиш мумкин. Чунки, инсон рекреацияни туризмнинг турлари бўйича ҳам танлаши мумкин. Бундай ҳолатда рекреациянинг фаолиятларини таснифлаш, қайд қилганимиздек жуда катта ҳажмларни олади. Шунинг учун ҳам рекреация фаолиятини жамоавий таснифлаш-гуруҳлаш анча тушунарли ҳисобланади[130]. Маълумки, 2022 йил, Самарқандда, "Ипак йўли"туризм ва маданий мерос

халқаро университетининг ташкилотчилигида, Учунчи Ренессанс шароитида туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда қилинган илмий-амалий маърузаларининг тўпламида, Урунова Н.У. “Рекреациянинг, эҳтиёжлари ва омиллари” мавзусидаги мақоласида, рекреациянинг жамоавий тасниф-гуруҳларига оид ёндашувларни батафсил жамлашга ва амалда қўллашга қулай ҳолатда баён қилган. Шу боис, биз ушбу монографияда, мақола муаллифининг билдирган фикр ва мулҳазаларини тўла беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Рекреацияли фаолият: -биринчидан, инсоннинг маданий-ижтимоий тизимидаги стандартларга мос келадиган ўз жисмоний кучларини тиклашга мўлжалланган турли-туман дам олиш фаолияти; - иккинчидан, инсоннинг рекреация фаолиятига йўналтирилган, соғлиги ва жисмоний ҳолатини қайта тиклашга қаратилган ўзидан чиққан рекреация фаолияти ташаббуси ҳисобланади. туризмда фойдаланиш даражаларини аниқлаш, рекламаси ва турмаршрутларини туризм бозорига чиқариш талаб қилинади.

1.Рекреациянинг тиббий-биологик фаолияти: рекреациянинг тиббий-биологик гуруҳи фаолияти-санатория ва курортларда даволаниш ва соғлиқни тиклашдан иборат ҳисобланади. Яъни, инсонни рекреация туризми орқали соғломлаштириш ва дам олдиришда ушбу жамоавий гуруҳ ёрдам беради.

2.Рекреациянинг ижтимоий-маданий фаолияти; рекреациянинг ижтимоий-маданий фаолиятлари натижасида ишчи кучи қайта тикланади. Айниқса, ижтимоий туризмда, маданий рекреацияда ҳам ишчининг меҳнат қилиш қобилияти ошади, кенгайди, асабий ҳолатлар камайиб, кўплаб хавфли касалланишнинг олди олинади.

3.Рекреациянинг иқтисодий фаолияти: Рекреациянинг иқтисодий фаолияти бирнеча йўналишда амалга оширилади:

- мамлакатнинг аниқ бир ҳудудида аниқ хўжалик таркибининг ривожланиши кучаяди;
- рекреация хизматлари натижасида аҳолининг иш билан бандлиги ошади;
- рекреация марказларида аҳолининг иқтисодий даромадлари ошиб боради;
- рекреация хизматлари натижасида аҳолининг иш билан бандлиги ошади;
- рекреация марказларида аҳолининг иқтисодий даромадлари ошиб боради;
- хорижий туристларга рекреация хизматлари кўрсатишда валюта тушумлари ҳосил бўлади;

4.Рекреациянинг сиёсий фаолияти: Сиёсий жиҳатдан рекреациянинг фаолияти шундан иборатки, у халқларни таништиради, яқинлаштиради ва дўстлаштиради.

5.Рекреациянинг экологик фаолияти: рекреациянинг экологик фаолиятида инсон табиат бағрида дам олиши билан бирга табиатни асраш ва муҳофаза қилишга ҳисса қўшади.

Рекреация ва «рекреация фаолияти» эҳтиёжлари ҳаётий воситалар ва алмашинув, ишлаб чиқариш кучлари билан боғлиқ ва ташқи муҳитнинг объектив омиллари таъсиридаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда шаклланади. Қайд қилинган тасниф бўйича рекреация туризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини белгилаганимизда биринчидан, аҳолининг руҳий ва жисмоний дам олиш объектлари тавсиф ва таърифни кенгайтиришимиз лозим.

Рекреантларнинг харажатларини ҳар бир рекреация объектларид қолдиришимизнинг жуда катта имкониятлари бор. Бунинг учун эса биринчи навбатда мамлакатимиздаги барча рекреация маконларини, объектларини рўйхатга олиш тафсифини ёзиб чиқиш, халқаро ва ички туризмда фойдаланиш даражаларини аниқлаш, рекламаси ва турмаршрутларини туризм бозорига чиқариш талаб қилинади

Рекреация эҳтиёжларини ўрганиш, рекреацияни ҳудудий ташкил қилиш давлат аҳамиятига молик талаб ҳисобланади[38]. Ҳудудлар дам олишга ажратилганда, табиий географик талаблар эмас, аҳолининг эҳтиёжлари ҳисобга олинishi лозим[44]. Чунки, ҳудуддаги аҳолида турли тарихий даврларда, ижтимоий-иқтисодий имкониятлар мавжудлиги даражасида келиб чиққан ҳолда, уларга хос бўлган рекреация эҳтиёжлари шаклланиб боради. Рекреация эҳтиёжи-инсоннинг ҳаёти фаолияти жараёнида йўқотилган руҳий ва жисмоний меҳнат қобилиятини ва соғлигини йўқотилган ҳисобланади. Рекреацион эҳтиёж алоҳида тизим бўлиб одамларнинг ҳаёти фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги 3 даражага бўлинади:

1. Жамоавий рекреация эҳтиёжи-жамиятнинг барча аъзоларининг билан қобилияти ва соғлигини тикловчи, уларнинг ҳар томонлама, жисмоний ва руҳий тикланишини аниқловчи, рекреация таркибининг ҳудудий ташкилланиш шакли ҳисобланади.

2. Гуруҳли рекреация эҳтиёжи-аҳолининг маълум ижтимоий-иқтисодий, профессионал ва ёш гуруҳларининг рекреацияга бўлган талабларини қондиради. Ўзига хос бўлган рекреация эҳтиёжига кўпинча оилалар талабгор бўлишадилар. Шунингдек, маълум бир гуруҳлар даволаниш, соғлиқни тиклаш, билиш бўйича маслакдош, фикрдош бўлишадилар. Масалан, ҳозир жаҳон бўйича кексаларнинг рекреацияга бўлган эҳтиёжлари йилдан-йилга ўсиш кўрсаткичларига эга бўлиб бормоқда.

3.Якка (индивидуал) рекреация эҳтиёжи- якка шахснинг дам олиш, жисмоний тикланиш талабларидир. Бунда инсон фақат ўзининг рекреация

талабларини қондирувчи рекреация марказларини ёки хизматларини танлайдилар.

Рекреация эҳтиёжларининг шаклланишига кўплаб омиллар тасир қилади ва улар куйидагича гуруҳланадилар:

1. Ижтимоий-иқтисодий омиллар: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даражаси; фаравонлик даражаларини ишлаб чиқариш даражаси; шу жумладан хизматларни ҳам; туризм ва дам олиш соҳаларининг ривожланиши даражаси; товарлар ва хизматларни сотиш баҳолари даражалари; рекреация баҳолари даражалари; транспорт воситалари ва транспорт инфратузилмаларининг ривожланиши даражалари; меҳнат таътиллариининг узоқ муддатлилиги; рекреация марказлари, ҳўлўдлари ва районларининг ва уларга маршрутлар ҳақидаги объектларини рўйхатга олиш тавсифини ёзиб чиқиш, халқаро ва ички ахборотлар ва рекламалар қўйилиши; аҳолининг ижтимоий ва малакавий таркиби; аҳолининг маданий ҳаёт кечириши даражалари; аҳолининг ҳаракатчанлиги; миллий анъаналар.

2. Демографик омиллар-шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбатлари (урбанизация) даражалари; аҳолининг жинсий таркиби; аҳолининг таркибий ёшлари; аҳолининг тарқалиши хусусиятлари.

3. Тиббий-биологик омиллар-аҳолининг соғлиги ҳолатлари даражалари; спорт-соғломлаштириш тадбирларига эҳтиёжлари даражалари.

4. Табиий омиллар- инсон яшаётган табиий минтақага, ҳудудга, тоғга, ўрмонга, дарёга, иқлим мавсумларига, денгизга, флора ва фаунага кизиқиши даражалари ва уларга нисбатан географик жойланишни танлаш хусусиятлари.

Рекреация эҳтиёжларининг энг муҳим масалаларидан бири - аҳолининг рекреация хизматларига бўлган талабларини қондириш даражаларини ошириш ҳисобланади. Рекреация эҳтиёжларини иқтисодий исботланган баҳоларда асослашгина аҳолини рекреациядан баҳраманд бўлиши шакллари ва усулларида фойдаланишга ундайди.

Рекреация туризмни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти. Ҳозирча илмий тадқиқотларда рекреациянинг жамоавий фаолиятларини таснифлаш амалга оширилмаган.

Кўплаб олимлар, айниқса географлар рекреацияни бетакрор табиат бағридаги қисқа дам олиш деб таърифлашган.

Мақола муаллифи, ҳозирги вақтда рекреация бутунжаҳон туризмида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етакчи йўналишга айланиб бормоқда. Чунки, глобаллашув жараёнида инсоннинг руҳий ва жисмоний дам олиши туризмнинг асослари ҳисобланади. Биз фақат рекреациянинг асл моҳиятини билганимиз ҳолда аҳолининг дам олишидаги асосий йўналишлар, манбалар, объектларини аниқлашимиз, республикаимиз аҳолисининг руҳий ва жисмоний дам олиши ҳозиргача қандай амалга оширилган, аҳоли руҳий ва жисмоний дам олишда қандай объектларни танлаши каби муаммоларни ўрганишимиз керак, деган ҳулосага келади. Унинг фикрича, рекреацияли фаолиятни ташкил қилиш мажмуали хусусиятларга эга эканлигини такидлар экан, ҳар қандай рекреация тизимида дам олувчилар гуруҳи, табиат мажмуалари, техник инфратузилмалар, хизмат кўрсатиш соҳалари, меҳнат ресурслари, ташкилий-иқтисодий ва

ташкилий-тарқалиш тизимлари ўзаро алоқада, ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши лозим[130].

Рекреация туризмнинг турларига қараб ҳам ажратилади: даволаш-соғломлаштириш, соғломлаштириш спорти, маданий-билиш туризм турлари фарқланади. Бунда, туристик объектлар бўлиб пансионатлар, дам олиш уйлари, спорт марказлари, соғломлаштирувчи инфратузилмалар ва маҳаллий эътиборга сазовор қадамжолар ҳисобланади[116].

Рекреацион туризмнинг моддий, маданий-маърифий ва психологик имкониятлари. Одатда, рекреацион туризмнинг имкониятларига тоғ ва тоғолди худудлар, ўрмонлар, дарё, сув омборлари ва табиий ва сунъий кўлларнинг, ҳамда илиқ табиатли денгизларнинг қирғоқлари, курорт худудлар ва у ерларда жойлашган катта-кичик шаҳарлар киради. Тарихий, қадимий шаҳарлар ёки марказлар йил давомида сайёҳлар билан гавжумлиги ҳаммага маълум. Бу борада, айниқса фортификацион иншоотлар, жумладан ғор шаҳарлар, қалъалар алоҳида эътиборга моликдир. Сайёҳлар орасида, дардларига, ёки ҳаётидаги муаммоларига ечим излаган излаб диний-сиғиниш масканларига борганларни учратиш мумкин. Фикримизча, рекреацион туризмнинг кенг маънодаги имкониятлари (ресурслари) ҳақида гап кетганда, масаланинг психологик аспектларини ҳам унитмаслик керак. Бу ерда, биз рекреацион туризмни ҳар бир индивид, оила, жамоа ва давлат миқёсида ташкил этилишини назарда тутаямиз. Рекреацион туризмнинг у ёки бу турини ташкил этиш жараёнлари индивид, оила, жамоа ва давлат миқёсидаги ҳаракатлантирувчи кучларнинг ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда, бир-бирларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кечиши керак.

РЕКРЕАЦИОН – СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ТУРИЗМ. Туризмнинг ушбу турида худуднинг иқлим ва табиий шифобахш воситалари ёрдамида, соғлиқни сақлаш, мустаҳкамлаш ва тиклашга эришиш кўзда тутилади[45,83, 84,]. Санатория-курорт шароитида регаментлаштирилган усул ва воситалар билан даволаш, медицина муассасалари ва сиҳатгоҳларда даволашнинг стандартларига мос келади. Бунда, сайр қилишлар, ўйинлар, тоза ҳавода пассив дам олиш , қуёш ванналарини қабул қилиш инсон кайфиятини кўтаради[85,87,97,120,147] .

Табиат қўйнида чиниқиш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш инсоннинг касалликларга қарши чидамлилигини оширади. Рекреацион-соғломлаштирувчи туризмнинг инфратузилмаларида санаториялар, клиникалар ва айниқса даволаш тадбирлари ҳам олиб бориладиган меҳмонхоналарнинг ўрин ва аҳамияти катта. Қуйида айрим мамлакатларда рекреацион-соғломлаштирувчи туризмга доир дастурларни амалга оширишда фаолият кўрсатаётган муассасалар ҳақида маълумотлар келтирамиз[80,116]. 1. Россиянинг Кисловодск шаҳрида жойлашган, «Красные Камни» санаториясида ҳаракат-таянч аппаратлари, нафас олиш аъзоларининг, нерв ва юрак-қон томирлар тизими, овқат ҳазм қилиш аъзоларининг касалликларини даволаш ва

SPA-муолажаларини бажариш, ҳамда, фитнес, бассейнлардан фойдаланиш ташкил этилган.

1. Россиянинг Кисловодск шаҳрида жойлашган Plaza Spa Hotel Отель с Тиббий SPAли меҳмонхона. Бу ерда ҳаракат-таянч аппаратлари, нафас олиш аъзоларининг касалликларини даволаш, SPA-муолажаларини бажариш, фитнес, бассейнлардан фойдаланиш, ҳамда массаж олиш йўлга қўйилган.
2. Австриянинг Бад Ишль, «Кайзер-терме» курорт шароитидаги меҳмонхонада ҳаракат-таянч аппаратлари ва ревмотологик касалликлари даволаш , бассейндан фойдаланиш, тиббий ва SPA-муолажаларини бажариш ташкил қилинган.

ТАБИЙ-ИҚЛИМ БИЛАН ДАВОЛАШ. Иқлим билан даволаш сурункали касалликлар билан ҳасталанган беморларнинг жонига оро кировчи асосий даволаш усуллариандир. Маълумки, ҳарйили минглаб беморлар Шимолий Кавказ, Қрим, Архиз каби ҳудудларнинг иқлимидан дардларига шифо топишади. Ушбу усул билан даволаш турли географик регионлар иқлимининг ўзига ҳос хусусиятларидан у ёки бу касалликларнинг енгил кечишини тامينлашда ёхуд касалликлардан бутунлай фориқ бўлишига эришишда фойдаланишга асосланади. Климатотерапия натижасида беморнинг умумий аҳволи ва соғлиғи яхшиланади. Бемор организмидаги ушбу ижобий ўзгаришлар региондаги нисбатан барқарор иқлим, хусусан у ердаги ҳарорат, намлик, атмосфера босими ва қуёш нурланишларнинг комплекс равишда таъсир этиши ва шу касаллик учун муҳим табиий шароит даражасида ҳизмат қилиши билан тушунтириш мумкин. Одатда, климатотерапия сурункали касалликларни нафақат даволашда ёки реабилитациясида, балки профилактика мақсадида ҳам, айниқса ишчи ва ҳизматчиларнинг иш шароитлари билан боғлиқ касаллик туғдирувчи омиллар таъсиридан мунтазам равишда, маълум муддатга узоқлаштириш билан ҳам амалга оширилади[45,86,88,105,113,118]. Хонободда рекреацион туризмнинг ушбу турини ривожлатириш имкониятлари кенг, ва энг муҳими бу ерда даволаниб кетаётган беморларнинг ижобий фикрларидан ҳам билса бўлади[27].

ТАЛАССОТЕРАПИЯ. Даволашнинг ушбу усули денгиз ва унинг атроф муҳитидаги табиий воситаларнинг шифобахш хусуситларидан қатор касаллик ва касаллик олди ҳолатлардан фориқ бўлишда фойдаланишга асосланган[149]. Бунда, аввало беморларга денгизнинг бетакрор ҳавосидан нафас олишлари билан бирга, уларга гидромассаж ва сувда маҳсус аэробик ҳаракатларни бажаришни тавсия этилади. Беморларга айниқса денгиз маҳсули – денгиз лойи билан бутун баданини ёки қисман ўраб ётиш самарали натижалар беради. Талассотерапия ўзининг кон циркуляциясини яхшиловчи хусусиятлари билан инсон организмининг жисмонан ва руҳан тетиклаштиради, ёшартиради[138]. Шунинг учун ҳам дунёнинг денгиз атрофида жойлашган мамлактларида кўплаб маҳсус талассотерапевтик марказлар ташкил этилган. Хонободда рекреацион туризмнинг ушбу турини ривожлантириш учун

имконитлар беқиёс катта. Маълумки, бугунги кунда шаҳар ҳудудида “Делфин” ва “Афсона” сунъий кўлларида маҳалий аҳоли ва сайёҳлар кенг фойдаланишмоқда. Айни пайтда, Хонободга туристлар оқимининг жадал суръатларда ортиб бораётганлиги бу борада изланишлардан тўхтамасликни тақозо этмоқда. Муаммонинг катта ечимини Кампирравот сув омборининг қирғоқларини туристик рекреацион дестинацияларни ташкил этиш нуқтаи назардан ўзлаштирилишида қўриш мумкин. Қўшни Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасида тобора дўстона алоқаларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиб бораётганлигидан, бу борада сезиларли даражадаги ижобий натижаларни бериши арафасида турибди, деб умид қилинса бўлади. Ундан ташқари, Хонобод сув омбори тўғонининг ғарбий томонида, қурилиши бошланган 45 гектар майдонда сунъий кўлнинг ташкил этилиши талассотерапияни амалиётини ривожлантиришида яна бир имконлардан бўлиб қолади.

БАЛЬНЕОТЕРАПИЯ. Бальнеотерапия — бу сиҳатгоҳлар ва касалхоналарда минераль ва термаль сувлар, лойлар, газлар ва бошқа табиий рекреацион ресурслардан инсон соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашда, ҳамда тиклашда фойдаланишдир. Одатда, бальнеотерапия муолажалари касалликларни даволаш ва реабилитация самарадорлигини ошириш мақсадида қўшимча усул сифатида тавсия этилади[35,45,148,132,151,159]. Шифокорлар бальнеотерапия муолажаларини мануаль терапия билан бирга ҳам олиб боришади. Бунда, мануаль терапиянинг даволовчи самарадорлиги сезиларли даражада ошиши таъминланади. Сўнги пайтларда, сульфид ванналарини магнитотерапи билан бирга қўллаш метаболик синдромли беморларда ўзининг самараларини бермоқда[103]. Применение общей магнитотерапии и сульфидных ванн в санаторной терапии больных с метаболическим синдромом:

Бальнеотерпия, аксарият кўпчилик ҳолларда ҳаракат-таянч аппаратининг, нафас олиш тизимининг ва овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларининг касалликларида самарали физиотерапевтик даволаш усули ҳисобланади. Хорижий, жумладан куйида жадвалда келтирилган давлатларда бальнеотерапия соҳасида катта тажриба тўпланганлиги мутахассисларга маълум[153,154,155].

1. Россиянинг Горячий Ключ, «Предгорье Кавказа»да термаль манбалар, балчик лой билан даволаш, климатотерапия ташкил қилинган.
2. Россиянинг Ессентукидаги, «Русь»да нарзан минераль сувлари, климатотерапия, балчик лой билан даволаш ва детокс-дастурларни амалга ошириш йўлга қўйилган.
3. Россиянинг Кисловодскдаги «Главные Нарзанные ванны»да нарзан минераль сувлари, климатотерапия, соғломлаштирувчи дастурлар амалга оширилади.

4. Россиянинг Белокурихадаги, «Белокуриха»да тоғнинг иқлим шароитлари, термаль булоқлар, сильвинитли спелеокамералардан фойдаланиш йўлга қўйилган.
5. Германиянинг Бад Нойнардаги, Бад Нойнар курортида термаль манбалар ва бальнеодаволаш муолажалари ташкил этилган.
6. Россиянинг Карелиядаги, «Марциальные Воды»да минераль сувлар, табиий ландшафт ва балчик лой билан даволаш йўлга қўйилган.

БАЛЧИҚ ЛОЙИ БИЛАН ДАВОЛАШ. Касалликларнинг олдини олиш ва даволашда шифобахш балчик лойидан фойдаланиш тарихи ўтган олис замонларга бориб тақалади. Бунда, табиий ҳом ашё сифатида, нафақат таркибидаги минераллари ва биологик фаол моддаларининг миқдори ва ҳилма - ҳиллиги, балки термаль ҳолатининг турлича бўлишлиги билан фарқланиб турадиган лойлар ишлатилади. Ўзбекистоннинг санокли санаториялари, ва тиббиёт муассасаларининг физиотерапия бўлимларидагина лой билан даволаш иши амалда йўлга қўйилган[33,36,56,67]. Одатда, физиотерапиянинг ушбу турида, шифобахш лой инсон баданининг дардли жойларига белгиланган қалинликда чопланади(суртилади)[122], ва маълум муддатдан кейин ювиб ташланади. Касалликнинг тури ва беморнинг ҳолатини ҳисобга олгани ҳолда, шифокор тавсияси билан, баданига ялпи чопланиши ҳам мумкин. Шунингдек, лойли ванналардан ҳам кенг қўлланилади. Лой билан даволаш ревматизм ва бошқа генезга эга ҳаракат -таянч ва неврологик касалликларида самарали муолажалардан ҳисобланади. Даволашнинг ушбу усулида, организмда нафақат релаксация, балки ҳаётий тонуснинг кўтарилиши, умумий аҳволининг сезиларли яхшиланиши кузатилади[75,116,141]. Балчик лойи билан даволашда катта ютуқларга эришган соғломлаштириш масканларининг айримлари ҳақида қуйидаги маълумотларни ҳавола этамиз.

1. Краснодар ўлкасининг Ўртаерденгизи иқлимли Tizdar даволаш масканида лой билан даволаш, реабилитация, массажлар ташкил қилинган.
2. Кисловодскнинг Ўртача континенталь иқлимли «Плаза Кисловодск» даволаш маканида лой билан даволаш,, СПА-муолажалар ташкил қилинган.
3. Сочидаги субтропик иқлимли «Актер»даволаш масканида лой билан даволаш, физиотерапия йўлга қўйилган.
4. Италиянинг Абано-Термедаги, Ўртача континенталь иқлимли Terme Euganeeдаволаш маканида лой билан даволаш ва термаль ванналардан фойдаланиш ташкил этилган
5. Чехиянинг, Карлова Варадаги Ўртача континенталь иқлимли Cordoba даволаш масканида лой билан даволаш, минераль ванналардан фойдаланиш йўлга қўйилган.

АЭРОТЕРАПИЯ. Даволашнинг ушбу усули, табиатнинг барча тирик мавжудодлари ва улар қаторида инсонга берган бебаҳо инъоми – тоза ҳаводир. Айнан тоза ҳаво сихат-саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда энг зарур воситадир[38]. Тоза ҳаво организмни кислород билан бойитишнинг табиий имкониятидир. Одатда аэротерапияни фақат нафас олиш тизимини касалликлари, жумладан астма ҳолатларида самарали эканлиги ҳақида асосли равишда таъкидашади. Ушбу ҳолатни биз ҳам таъкидлаганимиз ҳолда, аэротерапиянинг имкониятлари янада кенгроқ эканлигига айниқса ишчиларнинг иш шароитида мавжуд бўлган чанг ва газларнинг зарари билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқишининг олдини олишда беқиёс аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Аэротерапиянинг мақсади, нафас олиш тизими орқали организмда кечадиган барча ҳаётий жараёнларнинг асосини ташкил этадиган оксидланиш қайтарилиш реакцияларининг мўътадил боришини таъминлашга зоришидир. Даволашнинг ушбу усули ёрдамида ҳавонинг таркибидаги моддаларнинг турлари ва миқдorigа қараб, қатор касалликларнинг олдини олиш ёки даволаш мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин[48,72]. Аэротерапия имкониятларидан фойдаланганларда нафас олиш аъзолари фаолиятининг яхшиланиши кузатилади. Табиийки, кислород билан тўйинган ҳўжайра ва тўқималардаги жараёнлар тўлақонли амалга оша бошлайди, оралиқ шу жумладан организм учун зарарли моддаларнинг ҳосил бўлиши тўпланиб қолиши сезиларли даражада камаёди. Натижада, инсоннинг психоэмоциональ ҳолати яхшиланади ва айниқса иммун тизими мустаҳкамланади. Хонободда аэротерапияни ривожлантиришнинг имкониятлари беқиёс. Ушбу амалиётни ҳаётга кенг жорий этиш учун бу ердаги қир-адирлар бағрида жойлашган “ Хонтоғ”да йилнинг қариб барча фаслларида беморларни учратиш мумкин. Улар турли вилоятлар ва қўшни Қирғизистондан келишиб бу ерда дардларига шифо топганларидан хурсанд. .

ГЕЛИОТЕРАПИЯ. Касалликларнинг олдини олиш ва даволашда куёш нури ва радиациядан фойдаланишга асосланган ушбу усул қатор касалликларни даволашда беқиёс ижобий натижалар бериши билан ажралиб туради. Зеро, куёшли нурланиш, аввало организмнинг иммун тизимини стимуллаштириши ва психо-эмоциональ ҳолатни яхшилаши орқали бутун организмга самарали таъсир қилади[116]. Ушбу усул билан псориаз ва экзема даволашади, витамин D етишмовчилигини тўлдиришда қўлланилади. Хонободда ушбу усулдан фойдаланиш кенг жорий этилмаган.

ЛАНДШАФТОТЕРАПИЯ. Даволаш ва реабилитациянинг ушбу турларида, касаллик ҳолатларидан фориқ бўлиш, организмнинг жисмонан ва рухан тикланишига табиатнинг турли тузилишларга эга бутун борлиги билан ва шунинг учун ҳам одам танасига турлича таъсир этиш ҳусусиятидан фойдаланилади. Ўрмон, истироҳат боғлари, сунъий сув ҳовзаларининг бўйлари, дарё ва кўл, ҳамда денгизларнинг қирғоқларида сайр қилиш организмга жисмонан, рухан ва социаль гармонияни ҳада этади.

Ландшафтотерапия инсон эътиборини табиатнинг ўзида шакллантирувчи, тикловчи ва даволовчи хусусиятларини мужассамлаштирган ҳолати билан ром этади. Ушбу ҳол, ўз нобатида организмда психологик юкламаларни ва дисстресс ҳолатни пасайтирувчи қатор нейро-гуморал жароёнларни чақиради. Натижада, инсоннинг соғлиғи яхшиланади ва бу ҳол ўз нобатида унинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига ижобий таъсир этади. Ландшафтотерапия медицинада, психологияда, ижтимоий ишларда кенг қўлланилади ва аҳолини жисмоний ва рухан қўллаб-қувватлашда ва унинг хотиржамликлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Сантория ва турли тиббий марказларда ландшафтотерапияни табиий шифобахш воситаларнинг бошқа турлалари билан комплекс равишда қўлланилади.



Расмда. Хонобод шаҳридаги кўчалардан бири.

Хонобод ўзининг ландшафтотерапия ресурсларига бойлиги билан Ўзбекистонда биринчилар қаторида туради. Халқ орасида Хонобод Ўзбекистоннинг швейцарияси деган иборалар ҳам бежиз айтилмаган.


Хонобод шаҳрининг туристик салоҳияти ва унинг истиқболлари ҳақида ўйлаган ҳар қандай киши, аввало бу ерда ўтган асрнинг 60-чи йилларида ўтқазилган дархтлар бугунги кунда қанчалик эътиборда ва қанчалик сақланиб

қолди саволига жавоб қидиради. Шаҳарда ободонлаштириш ташкилоти бўлмаган ўша даврларда фақат шаҳар маъмуриятининг ташаббуси ва маҳаллий аҳолининг сахий ҳаракатлари билан экилган ҳар бир дарахт куриб қолишдан сақлаб қолинган. Айнан ўша дархтлар бугунги кунда ҳам, Хонободни Ўзбекистоннинг швейцарияси деб аташларига асослик вазифасини ўтаб турибди.



Расмда. Қўшни давлатдан оилавий сайёҳатга келишган меҳмонлар Хонобод кўчаларида сайр қилишмоқда.

Хонободга таъширф буюрган сайёҳлар айнан анашу осмонўпар дарахтлар соясидан юришиб, шаҳарни барпо этганларга ўзларининг миннатдорчиликларини билдиришмоқда. Ўша 70-чи, 80-чи йилларда Хонтахт бағрида яратилган алоҳида-алоҳида оқ гуллар, қизил гуллар, сариқ гуллар ҳиёбонларидан таралиб турган хушбўй ҳидлар сайёҳлар эътиборини ўзларига тортмоқда. Улар юртимиз ва хорижий давлатлардан келган қадамларига рози бўлишиб, яна албатта келиш истаклари билан қайтишмоқда.




Расмда. Хонободнинг қир-адирликларида қурилиши режалаштирилаётган арзон ва қулай пенополстиролдан тайёрланган гумбазли уйларнинг лойиҳаси.



Расмда. Хонободнинг қир-адирликларида қурилиши режалаштирилаётган арзон ва қулай пенополстиролдан тайёрланган гумбазли уйларнинг лойиҳаси.

Маълумки, 2023 йилнинг 23 июнида Ўзбекистон ҳукумати ва Швейцариянинг Федерал Кенгаши ўртасида тузилган шартнома 2024 йилнинг февралидан кучга кирди. Ушбу халқаро келишувнинг кучга кириши автомобилларда пассажирлар ва юкларни махсус рухсатномаларсиз ташиш имкониятини беради. Фикримизча, муаллифларнинг ушбу имкониятдан, биринчилардан бўлиб, Швейцариянинг беқиёс ўсимликлар, ўрмонлар ва ҳайвонот дунёсидан намуналарни олиб келиб, Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларга мослаштириш тажрибасини бошлаб юбориш лозимлиги ҳақидаги ташаббус ва таклифларига соҳа мутахассислари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фикримизча, ушбу ташаббус ва таклифларнинг амалда ҳаётга тадбиқ этилиши эса, Хонободда ландшафтотерпияни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб қолиши табиий.

Шу маънода, “Кампирравот” сув омбори тўғонининг ғарбий томонида 45 гектар майдонда бошланган “Андижон денгизи” сунъий кўли қурилишининг якунланиши ҳам Хонободда туризм салоҳияти ва жозибadorлиги ошишида беқиёс аҳамиятга молик бунёдкорлик амалларидан бўлиб қолади.



Расмда. Хонободда қурилиши бошланган “Андижон денгизи” сунъий кўлнинг лойихаси.

Хонтахта, ёзнинг жазирама иссиқ кунлари, бу ердаги ўсимликлар қуриб қолиши ва уларга ўт кетишининг олдини олишга оид чора тадбирлар амалга оширилади.

Хонободда, сўнги йилларда сайёҳларга хизмат қилувчи инфратузилмаларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан шаҳарда банк хизмати такомиллаштирилди. Бугунги кунда, пластик карталардан пул ечиб олиш, пул ўтказиш ва ҳаказо банк операциялар туну- кун шаҳарнинг турли ҳудудларида ўрнатилган банкомат қурилмалари орқали амалга ошириш имкониятлари яратилди.



Расмда. Хонобод шаҳрининг пиёдалар юрадиган йўлакларидан бири.

Машиналар юрадиган кўчаларга асфальт ётқизиблиб, одамлар кўпроқ ўтадиган жойларда махсус белгилар ва мосламалар ўрнатилди. Одамлар юрадиган тротуарларда эса, бетонли йўлаклар ташкил этилди.

Санитария эпидемиология хотиржамлиги ва жамоат саломатлиги ҳолати. Хонободда туризмнинг қайси турини ривожлантиришдан қатъий назар, бу ерда санитария-эпидемиологик хотиржамликни таъминлашни тақозо этади. Айни пайтда, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг барчасида гигиеник нормативларнинг таъминланиши ва санитария қоидаларининг ўз вақтида ва тўла бажарилишига оид сайёҳлар фикрлари ўрганилганда улардан ижобий жавоблар олинганлиги қувонарлидир. Бу Хонобод шаҳар Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимларининг жойларда ишчи ва хизматчилар билан мунтазам равишда олиб бораётган ишларининг ижобий самараси, деб баҳоласак ўринли бўлади

Фикримизча, Хонобод шаҳар халқ депутатлари Кенгаш қошида “Сайёҳларни жалб қилиш ва уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг сифати ва самарадорлигини ўрганиш доимий комиссияси” ташкил этилса мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Жамоатчилик асосида ишлайдиган ушбу комиссия Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган махсус низом асосида фаолият юритади. Комиссия аъзоларининг таркибига инсон соғлиғи ва умрига таъсир этувчи омиллар билан ишлайдиган барча ташкилот, муассаса ва корхоналарда кўп йиллар давомида ишлаб меҳнат нафақасига чиққан, маълум касбий тажрибага эга мутахассислар киради. Комиссиянинг асосий вазифаси сайёҳлар учун меҳмонхоналар, жумладан оилавий меҳмонхоналарда, умумовқатланиш шаҳобчаларида, сунъий чўмилиш ховзаларида, анҳорларда, дарё, кўл, “Андижон денгизи” бўйларида, дархтзорларда, чакалакзорларда, қир-адирларда, санитария хотиржамлиги, техник қурилмаларда техника ҳавфсизлигини таъминлаш ва психологик дистресс ҳолатлардан сақлашга оид амалга оширилаётган тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини ўрганиш, баҳолаш ва янада яхшилашга олиб келадиган тавсиялар ишлаб чиқишдир. Комиссия фаолияти йўналишларидан бири, бу Хонободда истиқомат қиладиган барча катта-ю кичик орасида шаҳар ва унинг яқин яқин атрофида санитария хотиржамлиги ва техника ҳавфсизлигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этишга ундаш ҳисобланади. Бу борада, комиссия аҳолининг турли демографик ва ижтимоий қатламлари билан индивидуал ва гуруҳлар шаклида учрашувлар ташкил қиладилар. ва ваколати доирасидаги функцияларни бажаришда олийгоҳлар ва техникумларнинг профессор-ўқитувчиларини, жамоатчилик асосида ёрдам беришга таклиф этишлари мумкин. Фикримизча, ва амалда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида фаолият юритган ва ўзининг самарасини берган “Сайёҳларни жалб этиш ва уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг сифати ва самарадорлигини ўрганиш доимий комиссияси”нинг тажрибасини бошқа вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам қўлланилса мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Зеро, она шаҳрида туризмнини ривожлантиришда ва шу йўл билан унинг равнақига ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшишни мақсад қилган Хонободликларнинг комиссия таркибидаги изчиллик билан олиб борган фаолияти туфайли, шаҳардаги умумовқатланиш шаҳобчаларида санитария қоидаларига риоя қилиш, жумладан ошхоналардаги ишлатилган идиш-товоклар ва бошқа жихозларни тозалаш, ювиш ва қуриштириш жараёнлари доимо жамоатчилик наоратида бўлади. Ошхоналарда дезинфекция воситалари билан таъминланиши ва уларни амалда сақлаш ва қўллаш янада яхшиланади.

Сайёҳлар фикрини шаҳарнинг Мустақиллик МФЙ ҳудудида жойлашган Адир кўча ёки Ўзган маҳалла, ёхуд Боғи баланд номи билан аталувчи маҳаллада ва қир-адирлар бағрида янги барпо этилган далаховлилар – “Хондача”лар тоза ичимлик суви билан таъминланишидаги узилишларга чек қўйилди. Аҳоли яшайдиган ушбу икки ҳудудда ичимлик суви билан таъминланишини тўғри йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Йилнинг мавсумидан қатъий назар, Хонободга таъширф буюрган сайёҳлар албатта, “Хондача”лар ва Боғи баланд маҳаллага чиқишади ва у ерларда ташкил этилган “Оилавий меҳмонхоналар хизматида фойдаланишга ҳаракат қилишади. Бунинг бойиси, “Хондача”лар ва Ўзган маҳаллалардан пиёда юриб “Хонтоғ”га чиқиш мумкин. Маълумки, “Хонтоғ” тарихий манбаларда ҳам ўзининг тоза ҳавоси, майин шабодаси билан машҳур бўлганлиги ҳақида маълумотлар қайд этилган маскандир Бугунги кунда, бу ерда гулзорлар ва турли-туман арчазорлар ястаниб ётган сўлим гўшага айлантирилган. Сайёҳлар “Хонтоғ”га асосан уч мақсад билан чиқишади. Биринчидан, бемор сайёҳлар арчазорлар таратиб турган эфир мойларининг шифобахш хусусиятидан дардларига даво топиш учун эрта тонгда бу ерга таъширф буюришади. Иккинчидан, сайёҳлар айнан Хонтахтдан туриб, Хонободни тўрт томондан ўраб турган бетакрор табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлаиар. Учунчидан, Хонтахтга келганлар, бу ерда қурилган улкан чархпалакда янада баландга кўтарилишга ва чевар табиатнинг гўзалликларидан янада лаззатланишга ошиқадилар. Дарҳақиқат, Хонободнинг “Хонтоғ”и нафақат денгиз юзидан 850 метр баландликда жойлашганлиги, балки бу ердан, шимолий томондан Қирғизистон Республикасининг атрофлари қир-адирлар ва осмонўпар Тянь Шань тоғлари билан ўралган Джалал-Абад вилояти кафтдек яққол кўриниб туради. Шарқий-шимолий томондан томондан эса, Хонободнинг қир-адирлар ён бағрида жойлашган сўлим Хидирша ҳудуди ва у ерда ўрнатилган уч ўтов кўриниб туради. Шарқий-жанубий томондан, яна қир-адирлар ва олисдан Андижон денгизининг баландлиги, 115,5 метр, узунлиги 1020 метрли, салобатли тўғони сайёҳлар эътиборини тартади. Хонтахтнинг шарқий-жанубий ва жанубий томонларидан қир-адирлар ва ям-яшил боғ-роғлар оша Олай ва олисдан осмон ўпар Памир тоғлари кўзга ташланади. Жанубий-ғарбий томондан Андижон вилояти Қўргонтепа туманининг сўлим Султонобод қишлоғи ва унинг ғарб томонида, ажойиб манзара яратиб турган Имом ота зиёратгоҳи, ҳамда Қорасув шаҳри кўриниб туради. Сайёҳлар табиатнинг юқорида қайд этилган бетакрор ва

бекиёс бағрида бўлишаркан, айниқса Хонтахтнинг бутун бағри бўйлаб ястаниб ётган турли арчазорлар, гулзорлар, “Она ҳайкали” ён атрофида таралиб ётган эфир мойларига бой ҳаводан, айниқса эрталаб тонгда, тўйиб-тўйиб нафас олишаркан таналаридаги дардлари, қалбларидаги ғам-ғуссаларини унутишади.

Спортли рекреация туризми. Рекреация туризмнинг ушбу тури, турли хил спорт ўйинлари, лижада учиб, моторли ва парусли сув спорти, тоғ чўққиларига чиқиш, маълум масофаларга пиёда юриш соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда аҳамияти бекиёслиги ҳаммага маълум. Спортли рекреацияда сайёҳ табиат қўйнида нафақат дам олади, балки тайёргарлик машғулотларини давом этади ва шу билан спорт оламида янги зафарларни қучишга қучли замин тайёрлайди. Одатда, спортли рекреация туризми қаторларида табиий ва сунъий сув ҳовзаларида сузиш, балиқ овлаш орқали хордиқ чиқариб, асабларини тинчлантиришга, соғлиғини тиклашга ва мустаҳкамлашга интилувчиларнинг сони ҳам кам эмас. Республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ушбу масалага алоҳида эътибор беришмоқда[12]. Рекреация туризмнинг ушбу тури, Хонободда яхши ривожланганлигини қайд этиш ўринлидир. Бунинг учун, “Хонобод санаторияси”даги ёзги ва қишки спорт мажмуалари, шаҳарнинг истироҳат боғи ҳудудида жойлашган вилоят, республика ва халқаро спорт мусобақалари, чемпионатлар ўтишга мўлжалланган усти ёпиқ спорт биноси, стадион, катта бассейн мавжуд.

СУВ ҲОВЗАЛАРИДА ЧЎМИЛИШ ОРҚАЛИ ДАМ ОЛИШ.

Маълумки, кўпгина халқларда, одатда кундалик ҳаётий ташвишлар туфайли юзага келадиган чарчоқларнинг олдини олиш ёки улардан фориқ бўлиш мақсадида, ички ва ташқи имкониятлардан келиб чиқиб, денгиз, кўл ва дарёларга боришга ҳаракат қилишади. Чўмилишдан ташқари, уларнинг бўйларида сайр қилишади ва кўёш ванналаридан баҳраманд бўлишади, сув лижалари ва скутерда учибди. Сув ҳовзалари ва уларнинг бўйларида дам олиш сув ва сув ости туризми билан боғлиқ бўлиб[159], бу борада одатда европалар грек Критини, испан Ибицини, хорват Дубровникни, Черногор ва Италия пляжларини маъқул кўришади. Россияликлар Қора денгизни афзал кўришади ва шунинг учун ҳам Анапа, Сочи ва Геленджикка боришади.

Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси мамлакатлар аро виза режимининг изчиллик билан ижобий ҳал қилина бориши ҳисобига, дунёнинг юқорида қайд этилган машҳур сув ҳовзаларида дам олиб, соғлиқ ва меҳнат қобилятларини тиклаш имкониятларига эга бўлишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам сўнги йилларда, сув ҳовзалари ва уларнинг бўйлари ва яқин атрофларида кўплаб рекреацион дестинациялар ташкил этишга эътибор ортиб бормоқда. Жумладан, Андижон вилоятининг фақатгина Хонобод шаҳри ва унинг яқин атроф ҳудудларида “Афсона-1” ва “Афсона-2”, “Дельфин”, Жанбулоқ, Андижон сой, Шаҳрихон сой дарёлари ҳар

бирининг бўйларида, дарёнинг устига қурилган 3-8 тагача маҳсус миллий сўри(чорпоя)лар ва сайёҳларга хизмат қиладиган рекреацион масканларга хос шарт-шароитлар мажмуалари жадал суръатларда яратилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. 2024 йилнинг ўзида, Андижон сой ва Шахрихон сой дарёларининг оралиғида қатор янги туристик дестинациялар фаолиятларини бошлади. Улар сайёҳларнинг миллий ва замонавий хоҳишларига мос келадиган эҳтиёж ва талабларига жавоб берадиган қилиб қурилганликлари билан эътиборга моликдир. Маълумки, ўзбекистонликларнинг эркагу аёллари, нафақат ўз уйларида , балки сайёҳатда бўлган чоғларида ҳам севимли таомларини ўзлари тайёрлашга ҳаракат қилишади. Ундан ташқари, Ўзбекистонда бир хил ном билан аталувчи таом, масалан палов турли вилоятларнинг турли ҳудудларида турлича тайёрлашади. Табиийки, Самарқанд, Навоий ва Бухороликлар паловни ўзларининг технологиясида тайёрламасалар, кўнгиллари ўрнига тушмайди. Шунинг учун ҳам Хонободдаги барча рекреацион масканларда маҳсус хона ва унда сайёҳлар ўзлари хоҳлаган таомларни ўзлари тайёрлаб ейишларига керак бўладиган, миллий ўчоқ, қозон, ва бошқа жихозлар ҳозирлаб қўйилган. Бугунги кунда шаҳарнинг ўртасидан ўтадиган Анҳор бўйлаб ҳам қатор рекреацион масканлар бунёд этилмоқда. Ушбу масканларнинг афзаллиги шундаки, сайёҳлар шаҳарнинг эътиборга созовор жойларига таъширфлари қаторида, шаҳардан ташқарига чиқишмасдан, анҳор бўйлаб жойлашган миллий сўри(чорпоялар)да мириқиб дамларини олишадилар. Рекреация масканларида дам олиб , соғлиқ-ларини тиклашни мақсад қилиб келганлар орасида, тўла маънода оилавий бўлиб келганларни, яъни оиладаги қарияларни, ёш болаларни ва ҳатто қўлларида эмизикли чақалоқлари билан келган келинларни ҳам кўриш мумкин. Ушбу ҳолат, ўзбек оилаларида сайёҳатга боришнинг ўзига ҳос психологик муҳит мавжудлигини ва уни рекреацион дестинацияларни ташкил этувчилар томонидан албатта инобатга олишлари зарурлигига ишора қилади. Жумладан, қариялар ва болали оналар учун қисқа муддали бўлсада ҳордиқ чикриб олиш учун маҳсус хоналар ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди ҳисблаймиз.

Сув ости туризми.Туризмнинг ушбу турида сайёҳлар коралл рифлари деб аталувчи мосламалар ёрдамида сув остига шўнғишади ва ҳаётнинг у ерда ўзига хос кечишини кузатишади.Дайвинг ва снорклинг ҳаваскорлари ўрта ер денгизи регионига, Австралиядаги Катта Барьерли рифга, Мальдивадаги атоллларга, Turtle Pinnacle ва Grescent Beach даги Гавайига ҳамда Египет ва Тайландга боришади. Хонободда туризмнинг ушбу тури ривожланмаганлигича қолмоқда. Аини пайтда, “Кампирравот” сув омбори ҳовзаси тубининг чуқурлиги, айрим жойларда 90 метргача эканлигини назарда тутсак, бу ерда сув ости туризмнинг истикболлари ҳақида ижобий фикрга келиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Маршрутли туризм. Туризмнинг ушбу турида, сайёҳат олдиндан аниқланган туристик дестинацияларга режага биноан амалга оширилади. Сўнги йилларда, мамлакатлараро муносабатларнинг яхшиланиши, виза режими

тартибларига ўзгартиришлар киритилиши, транспорт хизматида бир қанча қулайликлар яратилиши натижасида[8,14,15,18], ташқи ва ички маршрутли туризм жадал ривожланмоқда. Поездлар қатновидаги янги йўналишларнинг ташкил этилиши Ўзбекистон республикасининг бир вилоят аҳолисининг нафақат ўзининг, балки бошқа вилоятларда жойлашган туристик дестинацияларга сайёҳатларга чиқувчиарнинг сони ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Туризмнинг ушбу турида, сайёҳларнинг мазмунли ва бир умрга эслаб қолишга арзигулик саргузаштлари сезиларли равишда рекреацион тус олади. Дам олиб, асабларидаги тарангликдан фориқ бўлган сайёҳлар ўзларида жисмонан янги куч ва қувват сезади. Уларда атроф муҳит, шаҳар ва қишлоқларда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисаларга қизиқиш, улар ҳақида кўпроқ билишга бўлган интилишлари кучаяди. Зеро, маршрутли сайёҳат давомида, унинг иштирокчилари шаҳар ва қишлоқларнинг эътиборга сазовор жойлари, бетакрор табиат манзаралари билан расмларда ёки видеороликлар орқали эмас, амалда бевосита танишади, уларнинг оғушида турмуш ташвишларини унутади. Албатта, маршрутли туризм давомида маданий ёдгорликлар сайёҳлар эътиборидан четда қолмайди. Аксинча, сайёҳлар маданий ёдгорликлар ва тарихий обидаларга таъширларидан сўнг ўзларида руҳан енгиллик кашф этади, инсоннинг яратувчанлик қобилиятига нафақат тасаннолар айтади, балки ўзлари ҳам ҳаётлари давомида элига, юртига нафи тегадиган амалларни бажаришлари кераклигини ҳис этади. Республикамизнинг турли вилоятларидан Хонободга таъшир буюрган сайёҳларнинг аксарият кўпчилиги, одатда оила аъзолари ва қариндош уруғлари билан биргаликда келишлари қайд этилмоқда. Якка тартибда, мустақил равишда сайёҳатга отланганлар камчилиги ташкил этади. Хорижий давлатлардан бу ерга таъшир буюрганларнинг аксарият кўпчилиги ҳам якка тартибда, мустақил равишда сайёҳатга отланганлар ташкил этмоқда. Ушбу ҳолат, республикада ва айниқса хорижий давлатларда Хонобод шаҳри ва унинг яқин атрофларидаги даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризми салоҳиятидан етарли даражада ёки умуман ҳабардор эмаслигидан далолат беради. Тўғри, сўнги йилларда Хонобод шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда хизмат қилаётганларнинг ота-оналари ва қариндош уруғлари фарзандларини кўргани келишлари одатий ҳолга айланиб бормоқда. Ушбу ҳарбий қисмда ҳар йили ўтказиладиган, аскарликка қабул қилинишига бағишлов тадбирларида қатнашиш учун ҳам республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ота оналарга Хонобод шаҳрининг бетакрор манзаралари, зиёратгоҳлари, улкан сув иншоатларини кўриш насиб этмоқда.

Қуйида келтирилган расмдаги маълумотлар, Хонобод шаҳрида манзилли туризмни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжудлигига ишора қилади.



БАЛИҚ ОВИ ТУРИЗМИ. Шаҳар ва қишлоқларнинг яқин атрофида дарё ва қўлларнинг бўлиши рекреацион туризмнинг турларидан бири балиқ овлаш орқали дам олиш, асабларни тинчлантириш ва шу йўл билан соғлиқни сақлашга ва мустаҳкамлашнинг яна бир имкониятини қўлдан бермасликдир. Инсон балиқ овида аввало тоза ҳавода, дарё, қўл ёки анҳорлар бўйида, шовқинлардан олисда, маълум маънода нисбатан тинчлик ҳукм сураётган жойда бўлади. Овининг омадли бўлишидан лаззатланади. Балиқ овида сайёҳлар ўзларининг хоббиларини табиат оғушида бўлиш билан уйғунлаштиради. Дунёнинг турли давлатларида, айниқса Исландия, Канада, Норвегия, АҚШ да балиқ овчилик туризми кенг ривожланган. Россиянинг Красноярск ва Хабаровск ўлкаларида, Астраханда, Карелияда, Камчаткада ҳам балиқ овчилик туризми тўлақонли йўлга қўйилган. Сўнги йилларда балиқчилик хўжаликлари, компаниялари туроператорлар билан ҳамкорликда ишлаш кенг тус олмоқда. Бунда, хўжаликлар, компаниялар сайёҳларни нафақат балиқчилик туризмида зарур бўладиган восита ва жиҳозлар билан, балки махсус назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга туроператорлар билан ҳам таъминлашни ўз зиммаларига олишади. Гидлар сайёҳларга балиқлар, ҳудудда балиқ ови билан шуғулланишга доир тартиб ва қоидалар билан таништирадilar. Хонободда рекреацион туризмнинг ушбу турини ривожлантириш учун иккита сунъий қўл – “Делфин”, “Афсона-1”, учта дарё – Андижонсой, Шаҳрихонсой, Қорадарё, ва Дўстлик канали, ҳамда катта кичик анҳорлар мавжуд.

ОВЧИЛИК ТУРИЗМИ. Туризмнинг ушбу турида сайёҳлар табиий ёки махсус ташкил қилинган ҳудудларга индивидуаль, кўпчилик ҳолларда эса кичик гуруҳларда отланишади. Маълумки, овчилик аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган, ёввойи ҳайвонларни овлаш билан боғлиқ инсоннинг турмуш

тарзидир. Овчилик амалиёти жараёнида одам ёввойи ҳайвонларни овлаш маҳоратини ўзлаштиради. Туризмнинг ушбу тури Эфиопия, Танзания каби давлатларида самарали ташкил этилган. Россиянинг Красноярск ўлкаси, Тыва Республикаси, Ханты-Мантйск автоном округи ва Мурманск вилоятларида овчилик туризми сайёҳларнинг хоҳиш ва ҳтиёжларини қондира оладиган даражада ташкил этилаётганлиги билан ажралиб туради. Одатда, сайёҳларни ов қилишга руҳсат берилган жойларга тажрибали гидлар ёки маҳаллий аҳолининг овчиликда тажрибали вакиллари йўл бошлаб борадилар. ва ов давомида уларга ҳамроҳлик қиладилар. Инсон овчилик туризми орқали нафақат жисмона, балки руҳан ҳам камол топади. Зеро, табиатнинг тоғли ёки чўл саҳро ҳудудларида ҳар қандай, жумладан инсон ҳаётига ҳаф солувчи тасодифлар юз бериши мумкин. Шунинг учун ҳам овчиликка отланаётган сайёҳдан овчилик жароёни куч-қувват ва руҳан катта тайёргарликни талаб қилади. Албатта, ушбу тайёргарликлар бесамара кетмайди, аксинча инсон тоғли, чўл ва саҳро ҳудудларида бўлиш орқали табиий чиниқиш имконига эга бўлади. Чиниқиш эса, сиҳат-саломатликни шакллантириш, сақлаш ва мустаҳкамлашнинг энг тан олинган воситасидир.

ҒОРЛАРГА САЙЁҲАТ РЕКРЕАЦИОН ТУРИЗМИ. Хонободда туризмнинг ушбу тури шаҳарнинг Хидирша ҳудуда, қир-адирларнинг ён бағрида, “Шўрбулоқнинг” рўпарасида жойлашган ғор мисолида келтириш мумкин. Маҳаллий аҳоли ушбу ғорни авлиё ота ғори, деб аташади. Ғорларга сайёҳлар эътиборини тортадиган даражада ўзига ҳос ташқи ва ички тузилишига эга.

Маданий ютуқ ва меърослар билан танишиш ва билиш туризми. Туризмнинг ушбу турида сайёҳлар таъширф буюрган мамлакат ёки ҳудудлар аҳолисининг маданияти, анъаналари ва урф-одатлари билан танишадилар. Бунинг учун улар ҳудуддаги тарихий ёдгорликлар ва обидаларга, маҳсус мавзуларга бағишланган паркларга таъширф буюрадилар, шоу-программаларда ва бошқа тадбирларда иштирок этадилар.

Маданий-рекреацион туризм иштирокчилари сафардан қайтгач, ўзларида интеллектуаль ва эмоциональ ресурсларнинг тикланганлигини ва жисмонан тетиклашиб бораётганини сезадилар. Айни пайтда, спорт ва даволаш туризмлари аввало соғлиқни мустаҳкамлайди. Маданий ютуқ ва меърослар билан танишиш ва билиш туризми эса, асаб ва рухий ҳолатдаги ортиқча юкларни енгиллаштиради, муҳит ҳақидаги тасаввурларни ўзгартиради.

Маълумки, 2023 ва 2024 йилларда Хонобод шаҳрида “Дунё садолари халқаро фестивали” ўтди. Фестивалдан кейин ушбу шаҳарга нафақат Ўзбекистоннинг балки узоқ ва яқин давлатлардан сайёҳлар оқимининг кескин ошиши кузатилди. Чунки, фестивалга келган иштирокчилар ўз кўзлари билан Хонободнинг манзаралари мафтункор ва аҳолиси меҳмондўст эканлигининг шоҳиди бўлишди.

Рекреацион туризм ривожланишининг потенциаллари.

Туризмнинг барча турлари, жумладан рекреацион туризм мазмун ва моҳияти, айниқса ташкил этилиши нуқтаи назардан табиатда, жамиятда ва киши тафаккурида юз берадиган ҳарқандай ўзгаришларга ўта сезувчанлиги билан тавсифланадиган воқелиklar мажмуасидир[130]. Шунинг учун ҳам, ҳаётнинг ўзи туризмнинг назариётчилари ва амалиётчиларидан, туризм воқелиги каби табиатда, жамиятда ва киши тафаккурида юз берадиган ҳарқандай ўзгаришларга нафақат ўта сезувчан ва ўзгарувчан бўлишларини, балки янги юзага келган шароитлардан келиб чиққан ҳолда, туризмнинг ташкилий томонларини ўзгартирувчи салоҳиятга эга бўлишини тақозо этади. Маълумки, COVID-19 пандемияси даврида, туристлар учун ҳафсизликни таъминлашга қаратилган эпидемияга қарши санитария чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳар қачонгидан муҳимроқ аҳамият касб этиб қолди. 2024 йилнинг июл ойидаги сел оқими оқибатида кўшни давлат Қирғизистоннинг Ош ва Арслонбобга сайёҳлар оқимининг кескин камайишига олиб келди. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида ҳам ушбу ҳолат кузатилди. Аввало, ушбу ҳудудларда зудлик билан олиб борилган техник ва санитария чора-тадбирлар, қолаверса, туристик агентликларнинг моҳирона ташкилотчиликлари ҳисобига бу икки давлат ўртасидаги сайёҳлар оқими ўз изига тушиб кетди.

Рекреацион туризмнинг у ёки бу турларини маълум ҳудудда шакллантириш ва ривожлантириш учун ички ва ташқи омиллар, жумладан мамлакатлараро чегараларнинг очик ёки ёпиқлигига боғлиқ. Бу борада куп йиллар давомида Қирғизстон Республикасининг Бекобод ва Ўзбекистон Республикасининг Хонобод чегара постларининг ёпиб қўйилиши оқибатида икки юртнинг фуқаролари ўзаро бориб-келиш имкониятига эга эмасдилар.

Қатор йиллар давомида, Хонобод шаҳрига кириб чиқиш паспорт режимида бўлган давр ҳеч кимнинг ёдидан чиқмаса керак. Андижон шаҳридан бу ерга келгунча уч жойда кузатув ўтқарув постлари ишлаб турганлиги учун нафақат чет элликлар, ҳатто Ўзбекистон фуқаролари ҳам Хонобод табиатининг мафтункор, соғломлаштирувчи неъматларидан баҳраманд бўлаолмай келдилар.

Сайёҳлар аввало саломатликнинг ментал томонларини шаклланишига ва мустаҳкамланишига эътибор қаратадилар. Маълумки, эмоциональ, психологик ва ижтимоий хотиржамлик инсоннинг атрофида юз бераётган воқеа ва ходисаларга тизимли ёндошиш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига, ҳамда адекват фикрларга келиши ва реакция беришига таъсир қилади[89]. Инсоннинг психологик ҳолати унинг дисстрес ҳолатларда ўзини бошқара олиш даражасига ва айниқса атрофидаги одамлар билан бўладиган мулоқату-муносабатларини, нафақат реалъ ҳолатдан келиб чиқиб, балки келажакда юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам олдиндан кўра билгани ҳолда шакллантира олиш жараёнига таъсир кўрсатади. Йога -турлар ва SPA-курортлар менталь соғлиқни

тиклаш ва гармония ҳолатини шакллантиришда беқиёс муҳит бўлиб хизмат қилади.



Расмда. Афсона-1 дам олиш масканидаги маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш майдончаси.



Расмда. Афсона-1 дам олиш масканида яратилган 4,5 гектарли сунъий кўл.



Расмда. Афсона-1 дам олиш масканидаги турли ҳилдаги миллий шийпонлардан бири.

Шаҳарнинг Қорадарё қирғоғида, 2016 йили, “Афсона-1” ва 2021 йили, “Афсона-2” оилавий дам олиш масканлари ишга туширилди. 62 ёшли тадбиркор Рўзиматов Абдусалом хожининг ташаббуси ва бевосита ташкилотчилиги билан яратилган ушбу масканлар 50 ўринли оилавий меҳмонхона ва бир вақтнинг ўзида 800 сайёҳга юқори даражадаги сифатли хизмат кўрсатиш имконига эга замонавий комплексдан иборат. Маскан соҳибларининг машаққатли меҳнатлари эвазига яратилган 4,5 гектарли сунъий кўл, унинг атрофида бўй чўзиб турган каштан, қайин, доимо зангори қарағай, акация, қора арча, япон сапураси, каталина, павлония, туя арчаси, канада чинори, тол, терак ва бақатеракли дарахтзорлар остида миллий чорпоярлар ўрнатилган. Махсус қурилмаларда сақланаётган товуслар, тус товуклар, турли кабутарлар ва тўти кушларнинг сайрашлари, кўлнинг устини ўзларига макон айлаган балиқчи кушлар (чайкалар)нинг тинимсиз учиб юриши, кўлдаги балиқларнинг сакрашлари бу ерда сайр қилиб юрган сайёҳлардаги сурункали толиқишлардан фориқ қилишлари табиий. Рўзиматов Абдусалом хожининг “Афсона-1” ва “Афсона-2” оилавий дам олиш масканларининг дам олиш масканлари сифатида жозибадорлигини ошириш мақсадида, бу ерга олиб келинган туя куш ва маймунларнинг наъмуналарини парваришlash учун махсус қурилмалар яратди. Шунингдек, олис денгиз ва океанларда яшайдиган балиқлардан ҳам келтирилиб, бир неча секциялардан иборат аквариумларда яратилган махсус шароитларда, уларнинг парвариши ташкил этилди.

“Дельфин кўли”дам олиш уйи. Бугунги Хонобод шаҳрининг, Кампиробод ҳудудидаги кўл ва кемпинглар мазмунли хордиқ чиқариш учун беқиёс маскан сифатида хизмат қилмоқда. Тадбиркор Азизбек Нурмухаммадович Матисоқовнинг ташаббуси, лойиха ва молиявий сарф

ҳаражатлари эвазига бунёд этилган “Дельфин кўли” дам олиш уйининг соғломлаштирувчи туризмни ривожлантиришдаги ролини алоҳида такидлаш ўринлидир. Бир дарё, икки сой оралиғида жойлашган ушбу маскандан “Андижон денгизи”нинг улкан тўғони бутун борлиғи билан савлат тўкиб, кўриниб туради. Дам олиш уйи олди майдонидаги кўл суви, тинимсиз эсиб турадиган майин шабодадан ва бу ерда сузиб юрган катамаран ва қайиқлар ҳаракатидан қирғоққа урилиб, ҳар гал қайтар экан, бу ерда дам олаётганларнинг чарчоқлари-ю, ҳаёт ташвишларини ўзи билан олиб кетишга уринаётгандай.

“Ўзбек-Қирғиз Дўстлик маскани”.

Ҳонободнинг “Хонтахт” тепалигидаги саёҳларга манзур оромгоҳлардан бири шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг депутаты, тадбиркор Абжамилова Эркинойнинг ташаббуси билан ишга туширилган “Ўзбек-Қирғиз Дўстлик Маскани”дир. Бу ердан, кенг ва катта текисликдан сўнг, олисдан Тянь-Шань тоғ тизмаларининг, халқда Тўскаулота ва Арслонбобота, деб юритилувчи қисмларининг қорли чўққилари эътиборни тортади. “Ўзбек-Қирғиз Дўстлик Маскани”га таъшир буюрган саёҳлар ўтовлар ва чорпоя (сўри)ларда ўтиришиб, масканининг ўртасидаги сахнада олиб бориладиган турли миллатларга мансуб санъаткор ва ижодкорларининг кўнгилоҷар чиқишларини тамоша қилишади, чевар табиатнинг инсон руҳи ва жисмини соғломлаштирувчи инъомларидан баҳраманд бўлишади.

Ҳонобод шаҳрининг истироҳат боғи. Ҳонобод шаҳрининг номини оламга таралишида алоҳида роль ўйнаган маскан – бу истироҳат боғидир. Бу ерда рекреацион туризмнинг қатор турларини ташкил қилиш имкони яратилган. Истироҳат боғининг ўзига ҳос томонларидан бири шуки, бу ерда Ўзбекистон ҳудудидагина мавжуд дарахтлар ва гулларнинг турларидан ташқари, ҳорижий давлатларнинг турли туристик шаҳар ва тоғли худларидан келтирилган наботот наъмуналари ўсаётганлигидир. Ушбу масканининг яна бир, эътиборга лойиқ хусусиятлари – бу ерда сайёҳларга хизмат қилиш инфратузилмаларида юқори даражадаги ташкил этилган сервис хизматидир.

Истироҳат боғи ҳар йили нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги тадбирлар ўтказиш учун бетакрор маскан сифатида хизмат қилмоқда. 2023 ва 2024 йиллари бу ерда “Дунё садолари” халқаро фестивали бўлиб ўтди.

Ҳонободнинг “Ҳонтоғи”.

Маълумки, Ҳонобод шаҳрида ҳар йили нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги маданий маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари бўлиб ўтиши одатий тус олиб бормоқда. Бундай тадбирларнинг иштирокчилари албатта Ҳонободнинг “Ҳонтоғи”га чиқишаркан, ўнинг жозибадорлиги ва туристик салоҳияти юқорилигининг шоҳиди бўлишади.

Хонободга ташриф буюрган саёҳлар эътиборини тортадиган жиҳатларидан бири, маҳаллий аҳолисининг инсон саломатлигига ижобий таъсир этадиган омилларни асраб-авайлаш, улардан ўзларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда унумли фойдаланаётганликларидир. Бу борада пастликдан юқорига – Хонтоғга олиб чиқадиган учта зинапояли йўллар мвжудлигини кўрсатиб ўтиш ўринли. Энг юқорига олиб чиқувчи йўлакдаги зинапояларнинг сони 624 та. Ушбу йўлак, нафақат баланд бўйли арчазорнинг ўртасидан ўтганлиги, кенглиги, балки бемор-саёҳлар маълум сондаги зинапоялардан кўтарилгач, текис йўлакдан юриб боришлари ёки нафасларини ростлаб олишлари учун, белгиланган масофаларда ўтиришлар ўрнатилганлиги билан ажралиб туради. Пастликда, дов-дарахтлар остида велосипедда ва пиёдалар учун махсус бетонли йўлаklar ташкил этилган. Сихатгоҳларнинг ва бирламчи тиббий санитария ёрдами, ҳамда ихтисослашган муассасаларининг шифокорлари тавсияларига кўра беморлар ўз соғлиқларини тиклашларида ушбу йўлаklarдан ва зинапоялардан фойдаланаётганлари қувонарлидир. Ҳар тонгда шаҳарнинг пастдан қир-адирга олиб чиқадиган йўл ва йўлаklarдан юзлаб турли ёшдаги кишиларнинг кўтарилаётганларини кўриш мумкин. Эрталабки бадантарбияни қир-адирлар бағрида бажаришни турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлантириб олган маҳаллий халқ ва саёҳлар орасида кекса ёшдагиларни, айниқса аёлларни кўриб, ҳавасинг келади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Андижон шаҳарида фаолият юритаётган қатор корхоналар, ташкилотлар ва муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари имкон бўлдики, ўзлари ёки оилалари билан Хонобод бағрига ошиқишади. Улар бу ерда чарчоқ ва толиқишларидан тўла маънода фориқ бўлишларини яхши билишади.

Сўнги йилларда, Хонободнинг “Хонтоғи” қўшни туман, шаҳар ва вилоятлар спорт мактаблари тарбияланувчилари учун амалий машқлар масканига айланиб қолмоқда. Шунингдек, бу ерда ҳар йили ўтказилаётган Наврўз байрами шодиёналарида республикамизнинг олис вилоятларидан ҳам сайёҳлар келишиб, иштирок этишлари кузатилмоқда.



Расмда. РШТЁИМ Андижон вилоят филиалининг болалар жарроҳи
Зикрилло Қосимов Хонободнинг Хидирша худудидаги иккинчи катта шаршара
ёнида.



Расмда. Хонободга турли шаҳарлардан оилавий бўлиб келишган сайёҳларнинг бир гуруҳи.

“Жаннатбулок” дам олиш маскани. Ушбу дам олиш маскани Андижондан Хонободга яқинлашаётганда, аҳоли ўртасида “Сайлгоҳ” деб аталувчи табиати гўзал, ёзнинг иссиқ кунларида ҳам салқинлиги билан ажралиб турадиган ҳудудда жойлашган. Исматуллаев Дилмурод Исматуллаевич томонидан, россиялик инвестор билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Ўз фаолиятини 2022 йилдан бошлаган ушбу дам олиш маскани турли ёш ва касбдаги сайёҳларга юқори даражада ўзбекона хизмат қилишни ташкил этганлиги ва айниқса миллий ва европа таомларини тайёрлаш технологиясини мукаммал эгаллаганликлари билан, қисқагина муддатда, эл орасида танилишга муяссар бўлди. Сайёҳлар бу ерда хоҳлаган таомларни ўзлари тайёрлашлари учун ҳам шароитлар яратилган. Бу ерга ташриф буюрганлар бир вақтнинг ўзида, соя-салқинда ташкил этилган сўриларда дам олишлари, атрофдаги турли дов-дарахтлар ва ўсимликларни томоша қилишлари, қушларнинг сайрашларидан баҳраманд бўлишларидан ташқари, шу яқин атрофда жойлашган “Бибисешанба” зийратгоҳида бўлиш имкониятига ҳам эга.

Меҳмонхоналар. Оилавий меҳмонхоналар.

Ўзбекистон Республикасида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш соҳасида кенг имкониятларнинг яратилиши, унинг катта-кичик шаҳарларида меҳмонхоналар хизматига бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келди. Бу борада

олиб бориладиган ишларни амалга оширишда аввало лойиҳачилар ва курувчилардан, қолаверса меҳмонхоналар хизмати ходимларидан мижозларга яратилаётган шароитда, шу соҳада жаҳон тажрибаларига таяниш билан бирга миллий тартиб-қоидаларимизни, уларнинг афзалликларини намойиш этиш вазифаси ҳам туради[96]. Хонобод шаҳрига сайёҳларнинг ташрифининг сезиларли даражада ортиб бориши, бу ерда меҳмонхоналар қурилишига эътиборни кучайтирди. Шаҳарнинг Саййид Фозилмон Деҳлавий зиёратгоҳи ва бу ердаги шифобахш булоқ атроф худудини жанубдан ўраб турган қир-адирларлар ўзлаштирилиб, боғлар яратилиш билан бирга, кўплаб оилавий дам олиш масканлари ва қатор оилавий меҳмонхоналар ташкил этилмоқда. Шунингдек, шаҳарнинг маркази ва унинг атрофларида жойлашган маҳалларида ҳам, оилавий меҳмонхоналар ташкил этиш долзарб масалалардан бўлиб қолди. Хонободдаги оилавий меҳмонхоналарнинг соҳибу-соҳибалари мижозларнинг эстетик дам олишлари ва асабларини тинчлантиришларини таъминлайдиган муҳит яратишга ҳам эътибор беришмоқда. Собиқ она тили ва адабиёти ўқитувчиси, Усмонова Зумратхоннинг шижоати ва каттаю-кичик оила аъзоларининг меҳнатлари билан ташкил этилган оилавий меҳмонхона бу борада ибратлидир. Устоз Зумрадхон опа меҳмонхонанинг жозибадорлигини ошириш мақсадида, хонадонда ҳар йили гулларнинг турли-туманларин етиштиради. Шу билан бирга шаҳарнинг турли ташкилотлари ва бошқа дам олиш масканларига ҳам, ҳар йили эсталик учун ушбу гуллардан совға қилиб туради. Бир кунлик нархи юқори бўлмаган, аммо санитария талаблари ва гигиена меъёрларига жавоб берадиган барча шароитлар яратилган ушбу маскандан йил - ўн икки ой сайёҳлар аримайди.

Хонободнинг спорт клублари.

Хонободда спорт клублари талайгина. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини, бир неча йиллардан буён жамоатчилик асосида, бажариб келаётган Хонобод шаҳар “Нуронийлар” жамғармасининг раиси, Ўзбекистон спорт фаҳрийси унвони соҳиби, Ўзбекистон тош кўтариш Федерация аъзоси, оғир атлетиканинг тош кўтариш бўйича спорт устаси, икки маротаба Осиё ва бир маротаба жаҳон чемпиони соҳиби, мураббий Ҳусанбой Назировга каттаю-кичик ҳурмат билан қарашади. Устоз ёшлигидан соғлом турмуш тарзини амалда қўллашга ҳаракат қиладиган оилада вояга етган.. У мактабда, ва айниқса Самарқанд давлат университетининг инглиз тили факультетида ўқиб юрган чоғларида спорт билан ошноликни янада мустаҳкамлади. Ҳусанбой Назировни, ёши 70 да бўлишига қарамасдан, ҳар куни Хонободнинг спорт залларида, шогирдлари ёнида, уларга соғлом турмуш тарзининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш билангина чекланиб қолмасдан, аввало ўзи жонли мисол бўлаётганлигининг шоҳиди бўласиз.



Расмда. Хусанбой Назировни, ёши 70 да бўлишига қарамасдан, ҳар куни
 Хонободнинг спорт залларида, шогирдлари ёнида учратасиз.

Хонобод полвонлар шаҳри эканлиги кўпчиликка маълум. Бу ерда ҳар йили республика ва ҳалқаро спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Дарвоқе, умрини ҳарбий ҳизматга бахшида этган Муҳтарам Алиеванинг номи аёллар ўртасида тош кўтариш бўйича уч марта Осиё ва икки марта жаҳон чемпиони сифатида Гинес китобида қайд этилганлигини, оғир атлетиканинг тош кўтариш бўйича олимпиада ва икки марта жаҳон чемпиони соҳиби Руслан Нуритдинов ва тош кўтариш бўйича спорт устаси, икки марта Осиё ва бир марта жаҳон чемпиони Фаҳриддин Нажмиддиновлар ҳам, мана шу – инсонга фақат соғлиқ улашадиган мўжизавий Хонободнинг фарзанди эканлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Эришилаётган мувофақиятларни спортнинг “Муй Тхайй” тури бўйича вилоят ва республика мусобақаларида мунтазам равишда ғолибликни қўлга киритиб келаётган, Хонободнинг яна бир фарзанди – Мамирова Муҳлиса Ойбековнанинг ҳам ният ва мақсадлари аниқ ва ҳаракатлари жиддий.



Расмда спортнинг “Муи Тхай” тури бўйича вилоят ва республика мусобақаларида мунтазам равишда ғолибликни қўлга киритиб келаётган, Хонободнинг яна бир фарзанди – Мамирова Муҳлиса Ойбековна.

Бугунги кунда Хонободнинг шарқий-жанубий томонида махсус “ Янги Ўзбекистон денгизи” лойихаси асосида катта майдонда сунъий кўл ва унинг атрофида соғломлаштирувчи оромгохлар яратиш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг энг шарқида жойлашган Андижон вилоятининг Хонобод шаҳар ва унинг яқин атрофларида даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши, аввало ушбу ҳудудга чевар табиатнинг ўзи инъом этган, қалбни ғаму-ғуссалардан, баданни дардлардан фориқ этувчи омиллар ва улардан оқилона фойдаланишни мақсад қилган инсонларнинг фидокарона меҳнатлари уйғунлашувининг, қонуниятли равишда, намоён бўлишидир. Ушбу саҳий ҳудудда мавжуд бўлган табиий шифобахш ресурслардан нафақат республикамизнинг, балки ҳорижий давлатлар аҳолисининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашда кенг фойдаланишни ташкил этиш мумкин[23]. Албатта, ушбу муҳим масала – Хонободда даволаш- соғломлаштирувчи ва рекреацион туризмнинг илмий асосланган тизимини яратишни тақозо этади. Бу борада, амалга ошириладиган тадбирлар мажмуасининг дастлабки каторларида, ҳар бир шифобахш манбанинг тарихини мумкин қадар ўрганишни ташкил этиш

фойдадан холи бўлмайди. Ҳалқ табобатида касалликларнинг олдини олиш ва даволашда кенг қўлланиладиган булоқ сувлари, қизилқум уюумлари, балчик лойи ва тиббиёт зулуклари зоҳиралари, гиёҳларнинг қатор турлари ушбу гўшада мавжуд. Фикримизча, замонавий лаборатория-диагностика имкониятларига таянган, ва даволаш-соғломлаштиришнинг янги технологияларини қўллаган ҳолда Хонободдаги табиий шифобахш воситаларни ҳосса ва хусусиятларини далилларга асаосланган тиббиёт нуқтаи назардан ўрганиш лозим. Ижобий натижаларни амалиётга тадбиқ этишда Хонобод ҳокимлигининг нафақат инвестерлар ва тадбиркорларнинг, балки кенг жамоатчиликнинг, айниқса маҳаллий аҳолининг фидокорона иштирокларини таъминлашлари мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



Расмда.Хонобод шаҳрининг Хидирша худудидаги қир-адирликларда жойлашган шифобахш 1-чи қизилқум уюумлари.

“Фозилмонота булоғи”, “Шўр булоқ”, “Алчали булоқ”, “Кўк булоқ”, “Жаннат булоқ” сувлари, “Абсаттар ота дараси”даги булоқ сувлари ва бу ерда, қир-адирларининг бағрида (икки жойда) ястаниб ётган қизилқум уюумлари, Хонободдан у қадар узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган балчиқ лойи ва бошқаларнинг шифобахш ва соғломлаштирувчи хусусиятларини «Хонобод сихатгоҳи»да ўрганиш ва улардан беморларга кўрсатилаётган даволаш-профилактика ва соғломлаштириш амалиётида фойдаланишни йўлга қўйиш навбатдаги вазифалардан бўлиб турибди.

Юқорида келтирилган маълумотлар Хонобод шаҳрида ландшафттерапияни шифобахш ҳаракат терапияси билан боғловчи эстетик завқлантирувчи, қулай терринкур маршрутларини амалга ошириш имкониятини беради. Шундай қилиб, “Хонобод” санаториясида қатор касаллик ва ҳолатларни, жумладан асаб тизимининг функциональ бузилишларида, юрак -қонтомирлари касалликларида нафас олиш аъзолари касалликларини даволашда климато-терапия, климатопрофилактика ва ландшафтотерапияни юқори даражада ташкил этиш мумкин.

Хонободда Беш қапа, Тошоҳур, Соғдий ғорлари, Кампирравот, Найнаво, Капир тош, Хонтахт, Ер ости йўли каби сайёҳлар эътиборини тортадиган ёдгорликларни туризмнинг мақсад ва самарадорлиги нуқтаи назардан ўрганиш ва баҳолаш, ҳамда “Фозилмонота булоғи”, “Шўр булоқ”, “Алчали булоқ”, “Кўк булоқ”, “Жаннат булоқ” сувлари, “Абсаттар ота дараси”даги булоқ сувлари ва бу ерда, қир-адирларининг бағрида (икки жойда) ястаниб ётган қизилқум уюумлари, Хонободдан у қадар узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган балчиқ лойи ва бошқаларнинг шифобахш ва соғломлаштирувчи хусусиятларини илмий жиҳатдан тўлақонли асослашга доир илмий изланишларни давом этиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, ислом илмининг жонкуяр тарғиботчиларидан бўлган Саййид Фозилмон Деҳлавийнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳолисона баҳолашга имкон берадиган, илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар камлигича қолмоқда. Илм аҳлининг, нафақат тириклигида, балки оламдан ўтганларидан кейин ҳам, асрлар оша элига нафи сезиларли даражада тегишида давом этишига ҳаётий намуна бўлиб турган ушбу инсоннинг ҳаёт йўлини, илмий изланишлари ва халқнинг маънавий бой бўлишига қўшган ҳолисона хизматларини ёритувчи тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

ХОНОБОДДА ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, РЕКРЕАЦИОН ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНИРИШДА “ХАЛҚПАРВАР” ВА БОШҚА ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА ИШЛАЙДИГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ.

Хонобод шаҳрининг туристик салоҳияти ва жозибадорлигин ошириш тўла маънода қараладиган бўлса, ўта мураккаб иш бўлиб, унинг амалга ошишида барча давлат ва нодавлат ташкилотлар важамоатчилик асосида ишлайдиган

тузилмаларнинг ягона мақсадли иштирокини талаб қилади. Шунинг учун ҳам, шаҳар ҳокими М. Тожибоев аҳоли билан учрашувларда, уларнинг фикр ва мулоҳазалари, ҳамда таклиф ва тавсиялари шаҳарда кечаётган демографик, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва бошқа жараёнларни бошқариш ва ташкил этиш, ҳамда самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолидан тушган биронта таклиф ёки билдириган фикр эътибордан четда қолмайди. Шаҳар ҳокимчилиги фаолиятининг янада мақсадли ва самарали кечишини таъминлашда жамоатчилик асосида ишлайдиган “ХАЛҚПАРВАР” уюшма аъзолари ўта керакли ишларни амалга оширишмоқда. Омадjon Ўринбоев бошчилигидаги ушбу уюшма аъзоларининг фидоиларча фаолияти натижасида мана неча йилдан буён “Хонтоғ”да экилаётган кўчатлар парвариши кўнгилдагидай ташкил этилмоқда, ёзнинг жазирама кунларида бу ерда ёнғин кетиши ҳафтининг олди олинмоқда. Яшил макон Сўнги йилларда, Хонтахт бағрида барпо этилган “Хонтахт дала ҳовлилари ва Ўзган маҳаллада жойлашган уйларда ташкил этилган “Оилавий меҳмонхона”лар йил ўн икки ой меҳмонлар билан банд бўлмоқда. Сайёҳлар учун, бундай пайтда, қулай (камфортли) шароитлар яратиш энг долзарб муаммалардан бири бўлиб қолмоқда. “Оилавий меҳмонхона”лар фаолиятини сайёҳларга манзур даражада ташкил этиб қўйиш учун, биргина оиланинг ташаббуси, мақсадли ҳаракат ва айниқса молиявий ҳаражатлари етарли эмаслиги, балки шаҳар ҳокимлиги, шаҳар депутатлар Кенгаши ва шаҳар миқёсида фаолият кўрсатаётган даволаш-профилактика муассасалари, турли маъсулияти чекланган жамиятлар ва бошқа ташкилотларнинг иштироки ва қўллови муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи тақазо этди. Ушбу ҳолатни Хонобод шаҳридаги “Хондача”лар ва Ўзган маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви ва ҳовли майдондаги дарахтлар ва ўсимликларни суғориш учун техник сув билан, ҳамда ушбу маҳаллани узлуксиз равишдаги, тўла қувватга эга электр энергияси билан таъминлашни ташкил этиш масаласи шаҳар ҳокимчилигининг диққат марказида жой олди. Бу борада ҳам жаматчилик томонидан билдирилган таклифлар эътибордан четда қолмади. Натижада, шаҳарнинг Ўзган маҳалласида тоза ичимлик суви ва тўла қувватга эга электр энергияси билан таъминлашни муаммоси бартараф этилди.

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари аҳолисининг психологиясида ўзига хос бир одат бор. Улар оилада ўтказиладиган хурсандчилик тадбирларини, жумладан туғилган кунларини, юбилейларини, туй маросимларни, албатта санъаткорларни таклиф этиш билан ўтказишади. Тўғри, хурсандчилик тадбирларини, музыка садоларисиз, ашула ва ўйин-кулгиларсиз таъсаввур этиш қийин. Масаланинг бошқа томони бор. Ушбу музыка ва ашулалар бутун шаҳар ёки қишлоқ ҳудудининг қариб ярмига эшитиладиган даражада баланд овозда тарқатилади, ва аксарият кўпчилик ҳолларда бундай хурсандчиликлар тунги соат 01 ва ҳатто ундан ҳам кечгача давом этадиган ҳоллар ҳам учраб турар эди.

Одатда, бундай тадбирлар мавсумнинг иссиқ кунларида кафе ва ресторантларнинг ёзги ҳовлиларида ёки хонадон соҳибининг ҳовлисида ўтказилади. Тадбир ўтказиладиган маскан касалхона ва сихатгоҳ ёхуд

меҳмонхоналардан узоқ бўлмаган масофада жойлашган бўлиши мумкин. Албатта, бундай ҳолларда, хурсанчилик тадбири ўтказилаётган маскан яқинидаги беморлар, ишдан чарчаб келганлар ва ниҳоят олисдан йўл риб келган сайёҳларнинг ҳаловати бузилади. Ўзбекистон хурсандчилик тадбирлари, бўлганда ҳам жуда катта ва кўпчиликнинг иштирокида, атрофга баланд овозда тарқатиладиган музика, ашулалар оҳангида ташкил этилиши бўйича дунёдаги давлатлар орасида биринчи ўринни олиши мумкин деб, тахмин қилсак, адашмасак керак. Шунинг учун, ушбу воқелик қонуниятли равишда, юртимизда, долзарб муаммолар қаторида қайд этила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Сенати Кенгашининг қўшма Қарорининг қабул қилиниши ушбу ноҳуш воқеликка барҳам беришга қаратилди[22]. Сўнги йилларда, тўй ва бошқа хурсандчилик маросимлари маҳсус тўйхоналарнинг ёпиқ биноларида ўтказилиши ҳам муаммони бартараф этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Хонобод шаҳрига ташриф буюраётган сайёҳларга хизмат кўрсатиш йўналишида транспорт хизматининг роли ва ўрни бекиёс. Кузатишларимиз бу борада ҳам талайгина муаммолар борлигини кўрсатди. Маълумки, республикамизнинг шарқий ҳудудида жойлашган Андижон вилоятининг энг чеккасида, қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалол обод ва Ош вилоятлари билан чегарадош Хонобод шаҳрини ривожланган, айниқса туристик салоҳияти юқори масканга айлантиришга доир тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишларнинг Хонободда самарали амалга ошиши ички ва ташқи туризмни шакллантириш, ривожлантириш ва бу борада яратилган ва яратилаётган моддий ва маънавий неъматларни қадрига етиш, асраб-авайлаш жароёнлари нафақат ҳокимт қошидаги турли ташкилот ва муассасаларнинг изчиллик билан олиб борадиган фаолиятига, балки вилоят, ҳамда Республика миқёсида хизмат қиладиган қатор давлат ва нодавлат ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада айниқса Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган маҳалла фуқаролар йиғинларининг (МФЙ) ўрни ва роли катта[143]. Ушбу ҳолат айниқса “Оилавий меҳмонхоналар”, ҳамда катта-кичик санаториялар ишлаб турган ушбу шаҳарда алоҳида аҳамият касб этади. Сўнги пайларда, Хонобод шаҳри аҳолисининг ҳонадонларига, уларнинг бошқа вилоят, шаҳар, туманларда ва ҳатто қўшни давлатларда истиқомат қиладиган таниш-билишлари, қариндош-уруғларининг меҳмон бўлиб келиши жадал суратлар билан ўсиб бормоқда. Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қўшни Қирғизистон Республикасида жойлашган бекиёс рекреацион дестинациялар ва сиҳатгоҳларга сайёҳатларга чиқишлари яхшиланди. Бунинг асосий сабаби – қўшни давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг яхшиланиши ва қатор йиллар давомида Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида жойлашган “Хонобод” томожня постининг ва Қирғизистон Республикаси Джалал Абад областининг Бекобод ҳудудида жойлашган “Бекобод” томожня постлар фаолиятининг тўхтаб қолгандан сўнг, яна

тикланиши икки давлат ўрталаридаги алоқаларнинг мустаҳкамланишини таъминлайдиган муҳим омил бўлди.

4.2.3. «Сайид Фозилмон Дехлавий» зиёратгоҳи.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 24 февралда 100-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва ташқи зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини қабул қилган. Ушбу қарорнинг иловаларида ички ва ташқи туризмни ривожланишига хизмат қиладиган чора-тадбирлар белгилаб қўйилди[15]. Жумладан :

1-ИЛОВАга биноан Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани, «Жаннатбулоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган «Биби сешанба» зиёратгоҳида ташриф буюрувчилар учун шарт-шароитлар яратилиши режалаштирилган туризм салоҳияти юқори бўлган маданий мерос объектлар қаторига киритилган.

2-ИЛОВАга биноан туризм маршрутларида фойдаланиладиган маданий мерос объектлари қаторида Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани, «Жаннатбулоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган «Биби сешанба», «Юнус ота», зиёратгоҳлари ва Хонобод шаҳрининг «Фозилмон ота» МФЙ ҳудудида жойлашган «Фозилмон ота» зиёратгоҳида 2021-2025 йилларда устувор равишда реставрация қилиш режалаштирилган

3-ИЛОВАга биноан эса, Узоқ хориж ва қўшни республикалардан хорижий туристларни қабул қилиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»тасдиқланди.Унга биноан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Мусулмонлар идораси, Маданият Вазирлиги томонидан «Ўзбекистон – ислом маданияти маркази » бренди ва тарғибот концепциясини ишлаб чиқиш, ва уларни хорижий эксперт ва зиёрат туризми мутахассислари иштирокида хориждаги дипломатик ваколатхоналарга етказиш вазифаси юклатилди. Ушбу бренд остида(дизайн, баннер, постер, тақдимот ва роликларни қамраб олган) намунавий кўчма кўргазма стендлар яратиш кўзда тутилди. Иловада Туркия, Россия, Индонезия, Сингапур, Покистон, Ҳиндистон, Буюк британия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг марказий масжидларида «Ўзбекистон – ислом маданияти маркази» ҳафталигини ўтказиш ва ҳафталик доирасида кўчма кўргазма ва тарғибот суҳбатларини ташкил этиш режалаштирилди. Албатта,юқорида белгиланган тадбирларнинг амалга ошиши Хонобод шаҳрининг туристик салоҳиятига ижобий таъсир этиши табиий.

V-боб. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ДАВРИДА ХОНОБОДДА ТАБИЙ ШИФОБАХШ МАНБАЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.

5.1. Хонобод ва унинг яқин атрофида мавжуд табиий шифобахш манбалари ва воситаларининг ҳолати ва улардан далилларга асосланган тиббиёт амалиётида фойдаланиш истиқболлари.

Юртимда илм-фанни ривожлантириш Янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида қаралиши[11], ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтингли баҳолаш тизимини жорий этилганлиги эътиборга моликдир[10]. Бу борада аҳолининг санатория-курорт шароитларида даволанишга бўлган эҳтиёжларини мунтазам равишда динамикада ўрганиб туриш муҳим аҳамиятга эга[124]. Юртимизда барча соҳаларга, жумладан соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнлари технологиясига рақамлаштиришнинг жадал кириб бораётганлиги бу вазифани самарали бажаришда катта имкониятлар яратишига умид қилиш мумкин. Биз бу ерда, шифокорлар фаолиятининг асосий объекти бўлган аҳоли ва унинг турли демографик, тиббий ва ижтимоий-иқтисодий гуруҳларига мансуб ҳар бир аъзоси ҳақида маълумотлар базасининг шаклланишини ва ундан санатория-курорт шароитларида даволанишга эҳтиёжлари бўлганлар ва ушбу эҳтиёжнинг қондирилиш даражасини мунтазам равишда динамикада ўрганиб туришнинг имкони яратилишини назарда тутаямиз. Иштимоий ҳаётимизни ташкил этиш ва бошқариш, жумладан санаториялар фаолиятини самарадорлигини ошириш[123] айниқса улар билан даволаш профилактика муассасалари ўртасидаги алоқадорлик самарадорлигининг ошишида рақамлаштиришнинг кириб бориши муҳим роль ўйнайди.

5.1.1. Табиий аэроионотерапия. Хонободда аэротерапияни ривожлантиришнинг имкониятлари беқиёс. Ушбу амалиётни ҳаётга кенг жорий этиш учун бу ердаги қир-адирлар бағрида жойлашган “Хонтоғ”да йилнинг қариб барча фаслларида беморларни учратиш мумкин. Улар турли вилоятлар ва қўшни Қирғизистондан келишиб бу ерда дардларига шифо топганларидан хурсанд. Бу ерга келиб “Хонтоғ”нинг ҳавосидан шифо топиб кетувчиларнинг, айниқса Қорақалпоғистон Республикасидан келган сайёҳларнинг фикрига қараганда, Хонободда оилавий меҳмонхоналар хизматини йўлга қўйишга эътиборни кучайтириш лозим. Оилавий меҳмонхоналар нафақат тинч ва осойишта, балки кунлик тўловининг арзонлиги билан қулай.

5. 1.2. Гелиотерапия. Фикримизча, касалликларни даволашда барча имкониятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада Хонобод шароитида гелиотерапиянинг имкониятларидан фойдаланиш амалиётини ҳам йўлга қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Қуёш нурлари ва радиацияси билан даволаш ва профилактика қилишда “Хонтоғ”нинг арчазорлар билан ўралган майдончаларнинг бирида очиқ ҳавода, ёки унинг ёнида махсус қурилма соляриялар яратиш орқали ташкил қилиш мумкин. Бунда ультрафиолет

нурлниш интенсивлигининг назорат қилиш имконияти бўлади ва мутахасислар томонидан пациентда ортиқча нурланиб ёки куйиб қолиш ҳафининг олдини олиш чоралари ҳам таъминланади.

5.1.3. Пелоидотерапия. Бугунги кунда, Хонободдаги санатория ва шифохоналарда пелоидотерапия ҳам йўлга қўйилмаган. Айни пайтда, шаҳардан нисбатан узоқ бўлмаган масофада “ Кўк булоқ” жойлашган бўлиб, унинг атрофидаги булоқлардан чиқаётган сувлар, бу ерда балчиқ лойининг катта зохирасини ҳосил қилиб турибди. Шунинг алоҳида такидлаш ўринлики, ушбу балчиқ лойи Хонободга кўшни шаҳар – Жалолободдаги (Қирғизистон Республикаси) “Джалалабад” санаторияси ҳудудида мавжуд бўлган балчиқ лойи зохирасидан кўриниши жиҳатидан фарқ қилмайди. Маълумки балчиқ лойи “Джалалабад” санаториясини машҳур этаётган “Трясозеление” муолажалари учун асосий шифобахш манба ҳисобланади.

“Хонобод санаторияси”нинг директорининг сий ҳаракатлари билан даволашнинг ушбу амалиёти йўлга қўйилиши арафасида турибди.

5. 1.4. Псаммотерапия. Хонобод ва унинг яқин атроф ҳудудларидаги табиий шифобахш воситалардан яна бири - бу “Абсамат ота дараси”даги қизилқум уюмларидир. Ёз мавсумида ҳаракат-таянч тизимининг касалликларидан фориғ бўлиш мақсадида бу ерга келувчиларнинг сони нисбатан ортиб бораётганлиги қайд этилди. Аммо, даволашнинг ушбу, беморлар томонидан аллақачон тан олинган ушбу усули ҳам Хонобод шароитида илмий жиҳатдан асосланган ҳолда, мутахасислар томонидан йўлга қўйилгани йўқ. Фикримизча, фан, техника ва технологияларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда, табиий шароитда йил давомида псаммотерапиядан беморлани баҳраманд этиш имкони арафасида турибмиз.

5.1.5. Бальнеотерапия

5.1.5.1. «Шўр булоқ». Хонободнинг Хидиша ҳудуди қир-адирларининг бағрида чиқиб турадиган ушбу булоқ эл орасида тери касалликларини даволашда самарали эканлиги билан маълум. Аммо, ушбу булоқнинг сувининг шифобахш хусусиятлари ҳам илмий жиҳатдан асосланмаганича қолмоқда. Беморлар уйларига ушу булоқ сувидан олиб кетиб даволанишлари эса давом этмоқда.

5.1.5.2. « Фозилмон ота булоғи » Ривоятлардан шифобахшлиги қадимдан маълум ушбу булоқ суви, бугунги кунда ҳам эл эътиборидан четда қолганича йўқ. Аксинча, йилнинг бирон куни йўқки, ушбу булоқ сувидан уйларига катта идишларга олиб кетиш учун нафақат андижонликлар, балки фарғоналиклар ҳам келганининг шохиди бўлиш мумкин. «Фозилмон ота булоғи» сувининг кимёвий таркиби, юқорида баён этганимиздек, аниқланган. Аммо шифобахш хусусиятлари илмий жиҳатдан асосланмаганича қолмоқда. Аҳоли ушбу булоқ сувидан уйларига олиб кетишлари эса давом этмоқда.

5.1.5.3. «Абсаттар ота дарасидаги булоқлар»

5.1.5.3.1. «Абсаттар ота булоғи -1», «Абсаттар ота булоғи -2», «Абсаттар ота булоғи - 3», . Юқорида баён этганимиздек, ушбу булоқ сувларининг кимёвий таркиби ҳам аниқланган. Аммо шифобахш хусусиятлари илмий жиҳатдан асосланмаганича қолмоқда. Хонобод шаҳри Хидирша

худудидаги қир-адирларнинг остидан эмас, аксинча юқори қисмларидан чиқаётган ушбу булоқ сувларидан уйларига олиб кетишаётганларича йўқ. Асосий сабаблари – асосан сувни юқоридан пастга олиб тушиш машаққатли. Аҳоли уларнинг шифобахшлиги ҳақида деярли ҳеч нима билишмайди.

5.1.5.4. «Алчали булоқ», «Унгур булоқ», «Мелис булоқ», «Сўнгал булоқ», «Кўк булоқ», «Жаннат булоқ», Норвотада «Иссиқ булоқ».

«Алчали булоқ». «Алчали булоқ». Хонобод шаҳрининг шарқий томонини ўраб турган қир-адирларнинг бағридан чиқиб туради. Ушбу булоқ сувининг кимёвий таркиби аниқланмаган, халқ орасида қандли диабет касаллигини даволашда самаралиги юқори шифобахш табиий восита сифатида маълум.

«Унгур булоқ», «Мелис булоқ». Бу икки булоқ сувлари Хонободнинг Хидиша худуди қир-адирларининг бағрида чиқиб туради. Ушбу булоқ сувларининг кимёвий таркиби ва шифобахшлик хусусиятлари аниқланмаган.

«Сўнгал булоқ». «Сўнгал булоқ» Андижондан машинада келаётганда, ўнг томонда, Қўрготепа туманининг Султообод шаҳарчасига етмасдан, халқ орасида “Сайлгоҳ”, деб аталувчи сўлим кичкинагина қишлоқ бор. Шу қишлоқнинг рўпарасида, кўчанинг чап томонида жойлашган. Халқ орасида сўнгалларни даволашда қўлланишлари маълум. Ушбу булоқ сувининг кимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятлари илмий жиҳатдан асосланмаганича қолмоқда.

5 1.6. Фитотерапия. Хонободнинг қир-адирликларида ўсаётган турли гиёҳлар орасида шифобахш хусусиятга эгалари талайгина. Фикримизча, Андижон давлат тиббиёт институти Фармация факультетининг профессор ўқитувчилари ва бакалавр ва магистратура талабалари ушбу гиёҳларнинг шифобахшлик томонларини илмий жиҳатдан асослашга ва ишлаб чиқаришга жорий этиш йўллари мулоҳаза қилсалар мақсадга мувофиқ иш бўларди.

5.1.7. Кинезотерапия. Мутахассислар томонидан самарадорлиги жиҳатидан доимо юқори баҳоланиб келинган ушбу тиббий муолажалар турини[52] ривожлантириш учун Хонободда барча имкониятлар мажуд. Фикримизча, бу ерда кинезотерапияни янада ривожлантириш учун «Хонобод санаторияси», давлат ва хусусий даволаш-профилактика муассасаларининг шифокорлари ҳамкорликда, табиат қўйнида бажариладиган ва шунинг учун ҳам самарадорлигини оширишга олиб келадиган янги композицияларини яратишга оид фикр ва амалиётларини бошлашларини кутиб қоламиз.

5.2. Шифобахш булоқ сувларида ундирилган буғдой ва бошқа донли маҳсулотлардан миллий таомлар тайёрлашнинг аҳамиятига доир мулоҳазалар.

Сўнги йилларда ундирилган буғдой ва бошқа донли маҳсулотлардан тайёрланган таомларнинг инсон организми учун фойдали эканлигини қайд этувчи фикрлар айтилиши эътиборни тортмоқда. Тадбиркорлар ундирилган дон маҳсулотларидан нон ва бошқа таомларни сотувга чиқаришди. Таъкидлашларича, ундирилган буғдойда 350 дан зиёд биологик актив моддалар ва ферментлар ҳосил бўлар экан. Шифобахш булоқ сувларида ундирилган буғдой ва ундан тайёрланган таомлар қандай хусусиятларга эга бўлишлари

мумкин. Ушбу саволларга жавобни мутахасислардан эътиборига ҳавола қиламиз.

Фикримизча, бугунги шаҳарлараро транспорт алоқалари юқори даражада ташкил этилгандаврда, Хонободнинг туристик салоҳияти, жумладан даволаш-соғломлаштириш, рекреацион имкониятларидан Аралбўйи аҳолисини этио-эколого-патогенетик принципларга таянган ҳолда, соғломлаштиришда кенг фойдаланишни йўлга қўйилса катта тиббий-демографик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик иш бўлар эди.

Шунингдек, Республикамизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам ҳарорати юқори кўтарилиб кетмайдиган Хонободда Россия ва Европанинг давлатларининг шимолий ҳудудларида яшайдиган аҳолисини соғломлаштиришни ташкил этишга оид чоратадбирларни амалга оширилса, давлатларимиз ўртасида тиббиёт соҳасидаги алоқаларимиз янги йўналиш ва босқичга олиб чиқилган бўлар эди.

5.2.1.«Хонобод санаторияси» республиканинг шарқида даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмни ривожлантиришнинг илмий-методологик марказ сифатида шакллантиришнинг долзарблиги.

Хонобод шаҳрининг тарихи, бугунги кунда бу ерда ичиллик билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва энг муҳими, республикамиз туристик салоҳиятининг шарқий таянчи даражасида бўлишини таъминлай оладиган беқиёс имкониятлари ҳақидаги маълумотлар билан кенг жамоатчиликни мунтазам равишда таништириб бориш катта ва кўп қиррали аҳамиятга эга. Бу борада, турли даврларда ўзларининг публистик мақолалари билан иштирок этишганлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Жумладан, Абдуллаев F (2018), Джураева К.() , Н. Мўминжон(2024), Содиқова Т. (2008) , Шамсиддин И.(2007), Тожибоев Х.(1969,1970), Шукуров С.(2005), Холбоев Т. ва бошқалар Хонобод шаҳри ва унинг бой тарихини ёритувчи, айниқса Кампирравот сув омбори қурилиши билан боғлиқ маълумотларни акс этдирувчи рисола ва мақолаларни кўрсатиб ўтиш ўринли.

ДомлажоновХ.,(ҳаммуаллиф. 2020 й.) Хонобод шаҳри бунёдкор-ларининг биографияси билан боғлиқ воқеаларнинг баённомасини яратишга ҳаракат қилишди.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, кўп йиллар давомида шаҳарнинг бош архитектори лавозимида ишлаган Ўринбоев Омаджон жуда кўп тарихий расмлар мажмуасини яратишга ва улар билан интернет саҳифаларида кенг жамоатчиликни таништириб боришда давом этмоқда. Ушбу монографиянинг дунёга келишида ҳам унинг бевосита иштироки, жумладан кекса ёшдаги, айниқса Хонобод шаҳрининг кечаги бунёдкорлари билан учрашувлар ташкил қилишда, улардан интервью олиш жараёнларидаги ғайрат ва шижоатли самимий ёрдамларини алоҳида қайд этиб, чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, 2021 йил 29 ноябрда Хонобод шаҳрининг “Хонобод” сяхатгоҳи биносида “Ҳамкор стимул сервис” инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот маркази раҳбари, экспедиция ташкилотчиси, биолог Ш. Р. Султонованинг ташаббуси билан Хонобод комплекс экспедицияси тадқиқот натижаларига бағишланган илмий –амалий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти олимларининг, жумладан қадимшунос, халқаро тоифадаги археолог, Хонободдаги геологик тадқиқотлар иштирокчиси К.А. Крахмаль Хонобод минтақасини шаклланишида геологик ва тектоник жараёнлар ҳамда қадимий тош даврига оид топилмаларнинг илм фан ва туризм ривожига аҳамиятини асослаб берди[81]. Хонобод археологик экспедицияси тадқиқот ишлари раҳбари Б.М. Абдуллаев ўз маърузасида Хонобод комплекс экспедицияси 2020 йилда олиб борган дала тадқиқотлари натижасида, зироаткор Шўрабошот ва ўтроқлашаётган Эйлатон маданиятларига оид топилмалар, айнан Хонобод тоғ ёнбағрида, бу икки маданиятга оид мазор (1-Хонобод, 3-Хонобод) ва манзилгоҳлар (2-Хонобод, 4-Хонобод) қайд этди. Лойиҳа раҳбари ва Ш.Р. Султонова томонидан Хидирша адирликлари ён бағридаги “Айрилиш” дарасининг юқори ва қуйи қисмларида қўлга киритган қадимий денгиз ости аргиллит минераллари, темир руда бўлаклари, ҳамда Кампирравт худудида қадимий денгиз чиғаноқ тўплamlаридан олинган намуналар республика Минералогия ва Геология давлат қўмитаси лабораториясида илмий таҳлил қилиниб, археологик топилмалардаги тақинчоқлар, маданий буюмлар, сопол буюмларга ишлатилган рангдор минераллар таркиби бир хиллиги айнан ушбу худуд ишлаб чиқариш соҳаси ривожланган манзил бўлганлигини очиб берди[25].

Андижон давлат тиббиёт институти ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедрасининг профессор-ўқитувчилари жамоаси, бакалаврият ва магистратура талабалари Мадаханов А.С. бошчилигида қатор йиллар давомида, Хонобод шаҳрининг тарихи, бугунги кунда унинг даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризми йўналишларининг салоҳияти ва замон талаблари даражсида жозибадорлиги ва самарадорлигини оширишга оид олиб борилаётган ишлар ҳақида республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш, ҳамда нуфузли журналларда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган мақолалари орқали жаҳон жамоатчилигини таништириб келишмоқда[94,95,99,100, 161].



Расмда. Мадаханов А.С. “ Тиббий ва курорт-соғломлаштириш туризми: муаммолар,инновациялар ва истикболлар” мавзусидаги Халқаро илмий- амалий конференцияда иштирок этмоқда. 2023-йил 6 декабрь.Тошкент.



Расмда. ”Ипак йўли халқларининг тарихи,маданий мероси ва туризм имкониятлари(Ўтмиш ва бугун)” мавзусидаги илмий-амалий конференция иштирокчилари. ”Ипак йўли туризм ва маданий мерос халқаро университети.10-11май 2023 й.Самарқанд.



Расмда. АДТИ катта ўқитувчилари Мадаханов А.С., Хасанова Ш.А. ва 3-чи курс талабаси Мадрахимов Д. Учинчи Ренессанс шароитида туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари мавзусидаги илмий-амалий конференцияда иштирок этишди. ”Ипак йўли”туризм ва маданий мерос халқаро университети.Самарқанд, 20-21 апрель 2022 й.



Расмда. ”Ипак йўли”туризм ва маданий мерос халқаро университетининг биринчи проректори Ж.Долибоев АДТИ 3-чи курс талабаси Д.Мадрахимовга “Учинчи Ренессанс шароитида туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда иштирок этганлиги ҳақидаги сертификатни топширмоқда. Самарқанд, 20-21 апрель 2022 й.



Расмда.”Ипак йўли”туризм ва маданий мерос халқаро университетининг биринчи проректори Ж.Долибоев АДТИ 3-чи курс талабаси Ш.Бойқўзиевга “Учинчи Ренессанс шароитида туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда иштирок этганлиги ҳақидаги сертификатни топширмоқда. Самарқанд, 20-21 апрель 2022 й.



Расмда. АДТИ Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедрасининг талабалар илмий тўғарагининг раҳбари, катта ўқитувчи А.Мадаханов 3-курс талабаси С.М.Тўйчибоевни Абу-али ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университетида бўлиб ўтган «Ёшлар ва тиббиётдаги инновациялар: келажак бугун яратилади» мавзусидаги илмий амалий конференцияда мувоффақиятли иштирок этиб қайтгани билан табрикламоқда. 3 май, 2024. Душанбе ш.

Мадаханов А.С. дунёнинг қайси давлатида бўлмасин, албатта Ўзбекистон, унинг тарихий шаҳар ва қишлоқлари, жумладан Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри ҳақида ҳикоя қилиб беришни мақсад қилиб олган. У Еревандаги Мхитар Гош номли Халқаро Арманистон-Россия университети медицина факултетининг декани лавозимида ишлаб юрган кезларида ҳам талабалар ва профессор-ўқитувчиларга Хонобод шаҳри ҳақидаги презентацияли чиқишидан кейин улар билан бирга тушган расм қуйида илова қилинади.



Туризм, дунё нафақат жадал ривожланиб, балки унинг иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси жиҳатидан энг тез ўсиб бораётган, йўналишлардан бирига айланиб бормокда. Бу борада даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмнинг ўрни алоҳида, аҳамияти беқиёсдир. Зеро, туризмнинг ушбу турлари жамиятимизнинг энг асосий капитали инсонлар саломатлигини шакллантириш, сақлаш, мустҳкамлаш, меҳнат қобилиятини тиклаш, фаол равишдаги умрбоқийлигини таъминлаш орқали мамлакат иқтисодиётига бевосита ва билвосита ўз салмоғини қўшиш хусусиятига эга инфратузилмаларнинг фаолиятidir. Айни пайтда, нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиё давлатларида санатория-курорт шароити ва рекреацион инфратузилмаларда ишлаш учун мутахассис тайёрлайдиган махсус олийгоҳлар йўқ. Хонобод шаҳрида ана шундай олий билимгоҳ очилса, улуғ иш бўлар эди. Зеро, Хонободда, бугунги кунда олийгоҳлар олдида қўйилаётган янги талаблар даражасида – олийгоҳ тадбиркор, инноватор ва интегратор сифатида[11,71,138] фаолият юритиши учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароит ва имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 1-Иловасига биноан 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларида республикадаги 5 та олий таълим муассасасини миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантириш кўзда тутилган. Бу борада, Хонобод шаҳрида ҳам олий билимгоҳ очилиши ва ана шулар қаторидан жой олиши, шаҳарда нафақат даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат

туризмнинг илмий-амалий соҳаларига янада самарадорлироқ янгиликларни олиб келиши, балки унинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишининг жадаллашувини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилиши табиий. «Хонобод санаторияси» эса, бундай шароитда, республиканинг шарқида даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион туризмни ривожлантиришнинг моддий техника ва илмий-методологик маркази сифатида шаклланиши ва ривожланиши мумкин.

ЯКУНЛАШ

Қадимдан ҳозирги Хонобод ҳудудининг тоғ-ёнбағрида милoddан аввал I минг йиллик бошларида ўтроқ зироаткор Шўрабошот ва ўтроқлашаётган кўчманчи Эйлатон маданиятларига эга манзилгоҳлар ўрнида, мана шу икки маданиятнинг ўзаро муносабатлари, ҳамда улар асосида милoddан аввал I минг йилликнинг ўрталарига келиб, Қадим Фарғона (Давон) давлатчилиги шаклланиши юз берган. Ушбу тарихий юртнинг бағрида, “Буюк ипак йўли”нинг карвонлар учун қулай табиий-иқлим шароитлари, соғломлаштирувчи ва дам олиш ресурсларга бойлиги билан узоқ-яқиндан саёҳларни жалб эта олишда машҳур “Бешкапа” ва “Хонтахт” ҳудудида, асрлар оша, бугунги кунда даволаш-соғломлаштириш, рекреацион ва зиёрат туризм жадал ривожланмоқда. Ушбу қонуниятли ҳолнинг асосида она юрти равақининг фидойиси, забардаст раҳбар, умрининг ҳар дақиқасини эзгуликка интилиш билан ўтказа олган инсон – Солижон Мехмоновнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ва энг муҳими хонободлик катта-ю, кичикнинг Ватанига, унинг беқиёс бўлаги – она шаҳрига бўлган меҳрининг қувватини бу ерда келажақда жозибадор туристик ҳудуд бўлишини таъминлайдиган мустхкам РУҲИЙ МУҲИТ ЯРАТИШГА сафарбар этиш билан боғлиқ воқеликлар ётади. 2024 йил замондошлари қалбида, уларга бўлган меҳри-муҳаббатини дилда, тилдагина эмас, аввало амалда ҳам намоён қила олган бу улуғ инсон таваллудининг 100 йиллик юбилеи нишонланиши эътиборга молик воқеалардандир.

Солижон Мехмонов Хонобод шаҳрида даволаш-соғломлаштириш, рекреацион, зиёрат ва туризмнинг бошқа, барча турларини шаклланиши ва ривожланишининг ЯШИЛ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТГАН ЖИСМОНАН ВА РУХАН КУЧЛИ, МАЪНАВИЙ БОЙ ИНСОН БЎЛГАН. Бу қутлуғ санани кенг жамоатчилик билан бир қаторда, Солижон Мехмоновнинг юқори ташкилотчилиги ва бевосита иштирокида Хонободда яратилган йилнинг 12 ойида узлуксиз ям-яшил бўлиб турадиган сарвқомат қайинзорлар, арчазорлар, каштанзорлар ва бошқа боғлар мажмуалари, дов-дарахт ва гуллар таратаётган хушбўйликка бурканган истироҳат боғи, бутун борлиғи билан унинг руҳини шод этишаётган бўлсалар, ажаб эмас... !



Расмда. Солижон Мехмонов таваллудининг 100 йиллик юбилейининг тантанали нишонланиши.

Фикримизча, Солижон Мехмонов умрининг яшаш шароити, турмуш тарзи, сиёсий-ижтимоий ва руҳий қирраларини чуқур ва атрофлича, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашув принципларига таянган ҳолда ўрганиш, Янги Ўзбекистонни яратишга ва янада тараққий этдиришга бел боғлаган халқимиз учун бекиёс ҳаёт мактаби бўлиб ҳизмат қилади, деб умид билдирамиз...

2019 йилдан ўз фаолиятини бошлаган “Хонобод” сихатгоҳи, тикланиш даврининг дастлабки йиллариданок, белгиланган йиллик қувватидан тўлақонли фойдаланишга эриша олиш чора-тадибирларни оид изланишда давом этмоқда. Сихатгоҳнинг самарадорлигини оширишда қуйидаги инновасион ёндашувлар, жумладан аҳолини даволаш ва соғломлаштиришда ташкилий жиҳатдан кластер тизимида ишлайдиган, этио-эколого-патогенетик ёндашувга асосланган равишда фаолият юритишни ва бунда Андижон вилояти Хонобод шаҳри қир-адирликларида жойлашган “Хонтахт” бағрида ўсаётган арчазорлар ҳавосининг қатор касалликлардан фориқ бўлишда бекиёслигидан ва пелоидотерапия, псаммотерапия, саамалтерапия каби табиий шифобахш воситалардан фойдаланишни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Инсон сихат-саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва тиклашда дам олиш масканлари, айниқса сихатгоҳларнинг аҳамияти бекиёс. Ҳар бир оилада сихатгоҳлар имкониятларидан фойдаланишни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу орзунинг рўёбга чиқиши қатор омиларга боғлиқ. Аввало ҳар бир оила, унинг аъзоларида сихатгоҳлар ҳизматидан фойдаланиш фикри шаклланиши ва уни амалга оширишга интилиш бошланиши керак. Аҳолининг сихатгоҳлар ҳизматидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва бу борадаги имкониятларини кенгайтиришга доир тавсияларини

ишлаб чиқишда турли ҳудуд ва шароитларда яшайдиган оилаларнинг фикрларига таяниш мақсадга мувофиқ , деб ҳисобладик. Инсон сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда дам олиш масканлари, айниқса сиҳатгоҳларнинг аҳамияти катта. Айни пайтда, ушбу мақсадли жараён, сиҳатгоҳ фаолиятининг кўп томонларига боғлиқ. Сиҳатгоҳнинг жозибадорлиги, бу ердаги имкониятлар БУГУНГИ – ХХІ АСР МИЖОЗИНИНГ ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБЛАРИНИ қондира оладиган СИФАТ ВА КЎЛАМДА таъминланган бўлишини тақозо этади. Сиҳатгоҳлар фаолиятининг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқишда, миждозларнинг фикр ва мулоҳазаларига таянишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз . Сиҳатгоҳларнинг инсон сиҳат- саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдаги ўрни ва роли беқиёслиги эътироф этилиши билан бирга, аҳолининг ушбу муассасаларнинг даволаш-соғломлаштириш ва рекреация дестинасиялари сифатидаги хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятлари чегараланганлигини аниқланди. Ушбу қонуниятли ҳолатнинг келиб чиқиши асосида, сифат ва миждор жиҳатидан фарқ қиладиган, қатор омиллар мажмуаси, жумладан ижтимоий-иқтисодий омиллар ётиши қайд этилди. Сиҳатгоҳлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда аҳолининг соғлиғини сақлаш, тиклаш ва мустаҳкамлаш – бош мақсад даражасида қаралиши ва унга эришишда, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашув принципларига таянган инновацион чора - тадбирлар мажмуасини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳонободда бунёд этилаётган рекреацион дестинациялар шаҳарнинг туристик салоҳияти ва жозибадорлигини оширишни таъминлайдиган элементларини ўзида сақлиши ва бу ишда нодавлат ташкилот ва корхоналарнинг иштирок этаётганлиги билан эътиборлидир. Шунингдек, шаҳар ҳокимчилиги ва МФЙ томонидан шаҳарда ташкил этиладиган барча тадбирларда, жумладан ободонлаштириш ишларида маҳаллий аҳолининг фаол иштирок этишларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Туристтик шаҳар сифатида ривожланаётган Ҳонободнинг келажаги порлок, зеро улкан Заминнинг сеҳрли бағрида эркаланиб ётган ушбу кичик парчасида, Ватанига самовий муҳаббат ва кучли меҳр билан яшаган инсонларнинг авлодлари, аждодлари танлаган –яратувчилик ҳаёт тарзини давом этдиришмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 08.12.1992 йил.40-модда.
3. Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳақида қонунчилик,1996 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2017 йилдаги «2017-2019 йилларда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш» тўғрисида»ги № 557 -сонли Фармойиш.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2017 й. ПҚ-3217-сон ”2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи новбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт -шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони .
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 – 2030 yillar davrida Ўзбекистон Республикасининг “Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 – октябрь, ПҚ-4477-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2019 йилдаги “Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 5611 сонли Фармонига 1-илова “2019 –2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”
9. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5781 от 13.08.2019 года “О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан”
10. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4702 от 1 мая 2020 года “О внедрении системы рейтинговой оценки социально-экономического развития регионов”
11. Указ Президента Республики Узбекистан УП-6097, от 29.10.2020 года “Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года”
12. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4877 от 3 ноября 2020 года “ О мерах по совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в сфере физической культуры и спорта”
- 13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Андижон вилояти Хонобод шаҳрида “Life Khanabad” инвестиция ва туристик лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”26.11.2020 йилдаги №4962-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 24 февралдаги 100-сон Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03. 2022 йилдаги «2022 – 2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-172-сон қарори
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 майдаги 183-сонли «Обод қишлоқ» ва “Обод маҳалла” дастурларини, жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 30 апрелдаги ПҚ № 232-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199-сонли Фармони.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида тиббий ва соғломлаштириш туризмини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2024 йил 23-сентябрда қабул қилинган ПҚ-335-сонли Қарори.
21. Ўзбекистон қасаба уюшмаларии Федерацияси Ижроия Комитасининг 2023 йил 27 январдаги 8-10 –сонли “Хонобод sanatoriysi“ масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.
22. “О дальнейшем совершенствовании системы организации свадеб, семейных торжеств, акций и обрядов”. Совместное решение Совета Законодательной палаты Олий мажлиса Республики Узбекистан и Совета Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 14 сентября 2019 года, № 2736-ИИИ/СР-592-ИИИ.
23. Приказ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 7 февраля 2019 года №45 “Об обеспечении исполнения Указа Президента Республики Узбекистан № УП-5611 от 5 января 2019 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан”.
24. Mirziyoev Sh. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. Toldirigan ikkinchi nashri. -Toshkent: O'zbekiston nashriyoti, 2022. 416 bet.
